



Tadqiqot.uz

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



Crossref



**31 MAY
№28**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 28-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
28-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
28-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 28-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 май 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 77 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохидат Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Пўлатов Қаҳрамон Шарифжонович ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.....	8
2. Бахронов Фахриддин Файзуллаевич РЕСТИТУЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	10
3. Jamolova Mohigul Hamroyevna YOSHLARNING HUQUQIY SAVODXONLIGINI OSHIRISH.....	15
4. Sayfullayev Shavkat Abdisamat o'gli FUQAROLIK SUD ISHLARINI YURITISHDA PROTSESSUAL MAJBURLOV CHORALARINI QO'LLASHDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR.....	16
5. Абдуллаев Нурулла Абдулла ўғли..... ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИГА ОИД ШАРТНОМАЛАРНИ ТУЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИ- РИШДА МАВЖУД ҲОЛАТ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР	19
6. Отавалиев Хикматулла Хошимжон ПОЙАФЗАЛ ВА ОЁҚ ИЗЛАРИ ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАЛАРИ.....	22
7. Сайидов Рустамбек Абдурасулович ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	24
8. Azimov Asliddin Karimovich KELAJAKDA DUAL TA'LIM TIZIMI.....	26
9. Imomniyozov Doniyorbek Baxtiyor o'g'li AYB FUQAROLIK-HUQUQIY JAVOBGARLIKNING SHARTI SIFATIDA.....	27
10. Saitdinov Firdavs PRE-TRIAL SETTLEMENT OF LEGAL DISPUTES AS A FORM OF PROTECTION OF THE RIGHTS AND LEGITIMATE INTERESTS OF ECONOMIC ENTITIES.....	29
11. Байназарова Гулмира Жумамуратовна ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ОЛИШГА БЎЛГАН ҲУҚУҚИ.....	31
12. Бахромова Нилуфар Хошимовна ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРИ.....	34
13. Мамирова Алломахон Уразалиевна КУРИЛИШ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ ВА УНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК	38
14. Ҳамроев Элдор Отамуродович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	40
15. Юлдашев Фазлиддин Эшқувватович ДАЪВО МУДДАТИ ТУШУНЧАСИ ВА ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТИ	43
16. Матчанов Фахриддин Курамбой ўғли АЙРИМ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ-ИЖРО ҚОНУНЧИЛИГИДА МАҲКУМЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	45
17. Холмирзаев Ўткирбек Пахлавонovich СУБСИДИАРНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ КОНТРОЛИРУЮЩИХ ЛИЦ В РАМКАХ БАНКРОТСТВА В ЗАКОНОДАТЕЛЬНОМ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ	47
18. Xoshimov Ravshan Raimjonovich, Mirzajonov Sharif Zufarovich YOSHLARDA SIYOSIY BILIMLARNI SHAKLLANTIRISHNING HUQUQIY ASOSLARI.....	50
19. Тошпулотов Мансур Акрамович БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	51

20. Babajanova Zamira Alimovna AHOLI HUQUQIY ONGI O'SISH DINAMIKASI	54
21. Ergasheva Durdona Normuhammadovna “XALQARO TASHKILOTLAR HUQUQI” TUSHUNCHASI, XALQARO TASHKILOTLARNING PAYDO BO'LISHI.....	55
22. Safarov Bahodir O'tkir o'g'li “RAQAMLI HUQUQ” TUSHUNCHASINING VUJUDGA KELISHI, UNING YURISPRUDENSIYADA TUTGAN O'RNI.	57
23. Toshova Zamira Nuriddinovna HUQUQIY ONG VA HUQUQIY MADANIYAT	59
24. Беғамов Мухриддин Камолиддин ўғли ФУҚОРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.....	61
25. Отаназаров Абдорбек ФЕНОМЕН ДОБРОПОРЯДОЧНОСТИ КАК ФАКТОР УЛУЧШЕНИЯ СФЕРЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ СЛУЖБЫ.....	64
26. Ҳамидов Азизбек Олимжонович ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ.....	66
27. Muhammadbobur Abdullayev KORRUPSIYA DARAJASINI BELGILOVCHI XALQARO KO'RSATKICHLARNING TAVSIFIY Tahlili.....	68
28. Жумакулов Шерзод Шерали ўғли АНГЛО-САКСОН ВА РОМАНО-ГЕРМАН ҲУҚУҚ ТИЗИМЛАРИДА ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК БЎЙИЧА АЙБЛИЛИК МАСАЛАСИ ВА ОҚИБАТЛАРИ.....	70
29. Хасанов Мухриддин Урокбой ўгли, ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЙ РАБОТНИКОВ, НАПРАВЛЯЕМЫХ НА РАБОТУ В ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВА И КОНСУЛЬСКИЕ УЧРЕЖДЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	72
30. Ҳакимова Соҳиба Содиқовна, ТАНОСИЛ ЁКИ ОИВ КАСАЛЛИГИ/ОИТСНИ ТАРҚАТИШ УНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИЛИГИ.....	74



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Пўлатов Қаҳрамон Шарифжонови

ТДИУ Докторанти

Телефон: +998977281986

herojon.uz@gmail.com

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси банк тизимида чакана хизматлар амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган айрим долзарб муаммолар мавжуд. Ушбу мақолада долзарб муаммоларни таҳлил қилиш ва таклифлар ишлаб чиқиши ёритиб берилади.

Калит сўзлар: Тижорат банкларида чакана хизматлар, кредитларнинг фоиз ставкаси, инфляция даражаси, қайта молиялаш ставкаси, диверсификация, риск, кредит портфели, миллий валюта, истеъмол кредити, спред, дефицит, профицит.

Илғор хориж тажрибаси кўрсатадики, чакана хизматлар амалиётини такомиллаштириш тижорат банкларининг ресурс базасини ва кредит портфелини диверсификация қилиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, банклар фаолиятидаги иқтисодий рискларнинг даражасини пасайтириш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси банк тизими ривожланишининг замонавий босқичида тижорат банкларининг чакана хизматлар амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган айрим долзарб муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Ана шундай долзарб муаммолардан бири бўлиб, тижорат банклари томонидан аҳолига миллий валютада берилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлиги ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан аҳолига миллий валютада берилган истеъмол кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, инфляциянинг йиллик даражаси ва Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси, фоизда [1]

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Кредитларнинг фоиз ставкаси	24,5	26,7	28,2
Инфляция даражаси	14,3	15,2	11,1
Қайта молиялаш ставкаси	16,0	16,0	14,0

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2018-2020 йилларда республикада тижорат банклари томонидан аҳолига миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача фоиз ставкаси жуда юқори бўлган. Бунинг устига, мазкур даврда истеъмол кредитларининг фоиз ставкасини ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, аҳолининг банкларнинг истеъмол кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси юқори бўлган. Бу эса, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини ҳам юқори бўлишига сабаб бўлган. Ўз навбатида, инфляция ва қайта молиялаш ставкасини юқори бўлганлиги истеъмол кредитлари баҳосини юқори бўлишида ҳал қилувчи роль ўйнаган.



Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг чакана хизматлар амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган яна бир муаммо – бу аҳолининг даромад даражасининг паст эканлигидир.

Иш билан банд аҳолининг 70 фоиздан ортиқ қисмининг ойлик иш ҳақи 2 млн. сўмдан кам. Бу эса, аҳолининг кенг қатламини даромад даражасини паст эканлигини кўрсатади.

Аҳолининг даромад даражасини паст эканлиги уларнинг банкларнинг чакана хизматларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади.

Ўз навбатида, аҳолининг даромад даражасини паст эканлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

1. Миллий валютанинг қадрсизланиш даражасининг юқори эканлиги.

Миллий валюта – сўмнинг қадрсизланиш суръати юқори бўлганлиги сабабли аҳоли номинал даромадларининг реал қийматини пасайиши юз бермоқда.

Миллий валюта муомалага киритилган пайтдаги биринчи валюта савдосида (1994 йил июль) 1 АҚШ доллари 7,00 сўм эди. Шундан буён ўтган йиллар мобайнида миллий валютанинг қадрсизланиш суръатлари шу даражада юқори бўлдики, 2020 йилнинг якунига келиб (31 декабрь), миллий валютанинг 1 АҚШ долларига нисбатан курси 10476,92 сўмни ташкил этди[2].

2. Инфляция даражасини йиллар давомида юқори бўлганлиги.

3. Давлат бюджетини йирик миқдорда дефицитга эга эканлиги сабабли давлатнинг бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини ошириш имкониятини чеклаиб қолганлиги.

4. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий барқарорликни таъминлаш муаммоси мавжуд бўлганлиги сабабли, уларнинг ходимларни иш ҳақини ошириш имкониятини чекланганлиги.

Тижорат банкларининг чакана хизматлар амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банклари томонидан аҳолига берилаётган чакана кредитларнинг фоиз ставкаларини паст ва барқарор даражасини таъминлаш мақсадида, биринчидан, Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг паст ва барқарор даражасини таъминлаш керак; иккинчидан, банкларда соф фоизли спрэдинг меъёрий даражасини (инфляциянинг кутилаётган даражасини ҳисобга олган ҳолда) таъминлаш зарур.

2. Мувозанатлашган макроиктисодий сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлаш йўли билан, биринчидан, инфляциянинг паст ва барқарор даражасини таъминлаш ва миллий валютанинг қадрсизланиш тенденциясига барҳам бериш лозим; иккинчидан, давлат бюджети профицитини таъминлашга эришиш орқали бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини узлуксиз ошириб бориш учун молиявий асосни юзага келтириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жадвал www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) сайт маълумотларига асосан тузилган.

2. Валбюта курслари архиви. Сайти www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).



РЕСТИТУЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Бахронов Фахриддин Файзуллаевич.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий

кенгаши Судьялар олий мактаби иқтисодий йўналиш магистранти.

Телефон: +99893 800 06 31

Аннотация: Мақолада реституция институти-яъни, битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш масалалари, унинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва аҳамияти, ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, реституция атамасининг маъноси, қўлланилиши амалий мисоллар ёрдамида очиб берилган.

Калит сўзлар: Реституция, битим, битимнинг ҳақиқий эмаслиги, битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари, ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, зарар етказиш.

Реституция-сўзи латинча “restitutio” сўздан олинган бўлиб, “тикламоқ” маъносини англатади. Айрим манбаларда “restituere” шаклида қайд қилиниб, “қайтармоқ” маъносида ишлатилган.

Ф.Муҳиддинов ва К.Мирзажонов томонидан 1983 йилда чоп этилган юридик луғатда ва А.Б.Брахин томонидан 2010 йилда тузилган юридик энциклопедияда, реституция сўзи “restitutio”-тикламоқ, яъни дастлабки мулкӣ ва ҳуқуқӣ ҳолатни тикламоқ маъносини англатиши қайд қилинган.[1]

Реституция-фуқаролик ҳуқуқида ва илмий адабиётларда битимнинг ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида тарафлар томонидан битим асосида олинган барча нарсаларнинг қайтарилиши деб кўрсатилган.

Масалан, профессор Ҳ.Раҳмонкуловнинг ёзишича, реституция битимнинг предмети бўлиб ҳисобланган мол-мулкни 114-модданинг 2-қисмига мувофиқ аслича (натура) кўринишда қайтариб беришни, агар бу мумкин бўлмаса, пул билан тарафларга қайтариб беришни (икки томонлама реституция) ёки Кодекснинг 116-моддасига мувофиқ бир томонга, тузилган битим бўйича унга тегишли бўлган мол-мулкнинг қисmini аслича кўринишда, агар бу мумкин бўлмаса пул ҳисобида қайтариб беришни (бир томонлама реституция) назарда тутди.[2]

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодексида реституция сўзи ишлатилмаган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрь кунги “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 269-сонли қарорида реституция битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари умумий қоидаcига мос эканлиги тушунтирилган. [3]

Ҳозирги кунда реституция институтига назариётчи ва амалиётчи ҳуқуқшунослар томонидан қизиқиш ортган деб айтиш мумкин. Чунки, реституция институти-яъни, битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш бу фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали усулларида ҳисобланади.[4]

Рус олими В.А.Артемовнинг фикрига кўра, “Битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашнинг моҳияти ноқонуний тузилган битим тарафларидан ҳар бирининг бузилган ҳуқуқларини тиклашдан иборатдир”.[5]

Қонунда белгиланган битимлар ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари тўғрисидаги умумий қоидаларга кўра, битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.[6]

Демак, айтиш мумкинки, реституция ҳақиқий эмас деб топилган ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, яъни ўзга шахснинг эгаллигига ноқонуний усулларда, асоссиз ўтиб қолган мулк ёки ашёни қайтариш маъносини англатади.



Яна шуни таъкидлаш жоизки, реституция ижро қилинган битимларгагина тааллуқли бўлиб, агар битим низоли ёки ўз-ўзидан ҳақиқий бўлсаю, лекин ижро қилинмаган бўлса, тарафларда ҳеч қандай мажбурият юзага келмаганлиги сабабли реституция қўлланилмайди. Реституция ҳар доим ҳам икки томонлама бўлмасдан, бир томонлама ҳам бўлиши мумкин.

Масалан, агар битим алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган бўлса ёки фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда, иккинчи тараф жабрланувчига унинг битим бўйича бажарган ҳамма нарсасини қайтариб бериши керак, олинган нарсани асл ҳолида қайтаришнинг иложи бўлмаганида эса-унинг қийматини пул билан тўлаши керак. Жабрланувчи битим бўйича иккинчи тарафдан олган мол-мулк, шунингдек иккинчи тарафга топширилган нарса эвазига ўзига тегишли бўлган мол-мулк давлат даромадига ўтказилади. Мол-мулкни асл ҳолида давлат даромадига ўтказиш мумкин бўлмаса, унинг қиймати пул билан ундириб олинади. Бундан ташқари, жабрланувчига иккинчи тараф унинг қилган харажатларини, унинг мол-мулки йўқотилиши ёки бузилиши натижасида етказилган зарарни тўлайди.[7]

Бу ерда реституция қондаси фақатгина жабрланувчига нисбатан қўлланилиб, иккинчи тарафга қайтиши лозим бўлган нарсалар давлат даромадига ўтказилиши белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Рус олими С.Сарбашнинг ёзишича, “Реституция институти тарафларни дастлабки ҳолатга келтиришнинг юридик усули сифатида, худдики асоссиз орттирилган бойликни қайтариш каби, фуқаролик ҳукуки учун умумий аҳамият касб этади”.[8]

Рус олими Т.И.Илларионовнинг фикрига кўра, “Реституция битим иштирокчисининг битим тузилгунга қадар бўлган мулкӣ ҳолатини, ҳаттоки бу унинг ҳозирги манфаатларига зид бўлсада, тиклайди”.[9]

Яна бир рус олими Д.И.Степановнинг фикрича: “Реституция талаблари қатъий айтганда, мулкӣ ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи даъво талаби эмас, балки тарафларни ҳақиқий бўлмаган битим тузилгунга қадар бўлган дастлабки ҳолатга келтиришнинг техник-ҳуқуқӣ усули ҳисобланади”.[10]

Айрим олимлар эса реституцияни мажбурият кўринишидаги ҳуқуқӣ муносабат деб қарашади. Хусусан, А.М.Михайличнинг қайд этишича “Реституция ҳақиқий бўлмаган битим иштирокчилари ўртасида мулкни қайтаришга оид юзага келган ношартномавий, деликт муносабатдир”.[11]

Таниқли рус олими Д.О.Тузов эса бу масалага бошқа ёндашиб, “Реституция-бу асоссиз орттирилган бойликни ёки мулкни ўзганинг эғалигидан қайтаришда намоён бўладиган мажбуриятдир”-дейди.[12]

Фикримизча, рус олимлари С.Сарбаш, Т.И.Илларионова ва Д.И.Степановларнинг таърифлари реституция институтининг табиатини аниқроқ очиб берган.

Шу ўринда Россия Федерацияси Олий арбитраж судида қайта кўрилган ва реституция институти билан боғлиқ қуйидаги иш мазмунига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Вилоят прокурори давлат ва жамоат манфаатларини кўзлаб, жавобгарлар “Нефтеххиммаш” акциядорлик жамиятига ва “Эрика” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан биринчи инстанция судига даъво аризаси киритиб, жавобгарлар ўртасида тузилган бино-иншоотлар ижара шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни ва битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан прокурорнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, жавобгарлар ўртасида тузилган бино-иншоотлар ижара шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган ва битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўлланилиб, низоли бино-иншоотлар “Нефтеххиммаш” акциядорлик жамиятига, яъни ижарага берувчига қайтарилган.

Россия Федерацияси Олий арбитраж судининг қарори билан қуйи судларнинг ҳал қилув қарорлари бекор қилиниб, вилоят прокурорининг даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган.

Юқори суднинг бундай хулосага келишига ва қуйи суднинг даъво талабларини қаноатлантириб, ижара шартномасини ҳақиқий эмас деб топишига шу асос бўлганки,



“Нефтеххиммаш” акциядорлик жамиятининг низоли бино-иншоотларга нисбатан ҳеч қандай ҳукуқи мавжуд бўлмасдан, ижара шартномаси тузган бир пайтда суд битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаб, мулкка ҳукуқи бўлмаган акциядорлик жамиятига яна ўша мулкларни қайтарган.[13]

Биз биламизки, фуқаролик қонун ҳужжатлари улар томонидан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартноманинг эркинлигига, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашishiга йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўқинликсиз амалга оширилишини, бузилган ҳуқуқлар тикланишини, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади. Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эрқларига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар. Улар шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар.[14]

Реституция кўринишидаги битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳам ушбу тамойилдан келиб чиқиб, тарафлар тенглигини эътироф этишга, бузилган ҳуқуқларнинг суд орқали тикланишига қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрь кунги “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 269-сонли қарорида тушунтирилишича, ҳақиқий бўлмаган битим, унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмаслигини инобатга олиб, судлар назарда тутишлари керакки, битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашда тарафлар битим тузишдан олдинги ҳолатга келтирилишлари, битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашда суд, қарорнинг ҳулоса қисмида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 180-моддасига мувофиқ пул маблағларининг ундирилишини, мол-мулкнинг олиб берилишини кўрсатишлари лозим.[15]

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда реституция кўринишидаги битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъволар бузилган ҳуқуқларни тиклаш ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш учун эмас, балки фуқаролик муомаласининг айрим инсофсиз иштирокчилари томонидан ўз мажбуриятларини бажаришдан қочиш, асоссиз бойлик орттириш, мулккий манфаат кўриш, тадбиркорлик фаолияти натижасида юзага келган зарарни бошқа тараф зиммасида қолдириш, бошқа шахсга зарар етказиш мақсадида қўзғатилмоқда. Судлар эса айрим ҳолларда бундай даъволарни кўриб чиқишда ва қонун нормаларини қўллашда расмий ёндашмоқдалар.

Битимлар билан боғлиқ низоларни судда кўриш амалиётини умумлаштириш шуни кўрсатадики, судлар битимларга оид муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини асосан тўғри татбиқ қилмоқдалар. Шу билан бирга суд амалиётида низоли ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган моддий қонун нормаларини нотўғри аниқлаш, моҳиятига кўра низоли битимга нисбатан бир-бирини истисно қилувчи даъво талабларини қабул қилиш ва кўриш, ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни ҳар томонлама текширмаслик каби хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. [16]

Масалан, “С” вилоятидаги туман марказида жойлашган Кинотеатр бинолари Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасининг 1996 йил 25 ноябрдаги 1028-П-сонли буйруғига асосан давлат тасарруфидан чиқарилиб, очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилган. Бошқарма томонидан “Туманкиновидео хизмати” ОАЖга 1996 йил 11 декабрда мулккий ҳуқуқни тасдиқловчи 006442-сонли Давлат ордери берилган. Очиқ акциядорлик жамиятининг 100 фоиз акциялари 2006 йилда бир нафар акциядор томонидан сотиб олинган ва “Вақт” депозитарийсида рўйхатдан ўтказилган. Жамият 2006 йилда таъсисчи қарори билан масъулияти чекланган жамият сифатида қайта давлат рўйхатидан ўтказилган. Туман ҳокимининг 2007 йил 27 мартдаги 761-Қ-сонли қарори билан жамиятга кинотеатр биноларига ва ерига эгалик ҳуқуқи берилган. Туман кадастр хизмати томонидан 2007 йил 30 майда мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилиб, SM 0003522-сонли гувоҳнома берилган.

Вилоят судининг 2011 йил 21 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ўзаро мажбуриятлар тўғрисидаги келишув шартномаси фаолият тури ўзбошимчалик билан ўзгартирилганлиги важи асосида ҳақиқий эмас деб топилган ва мулкларни давлат эгалигига қайтариш белгиланган. Суднинг мазкур қарори 2012 йил 23 май кун мажбурий ижро қилиниб, туман



ҳокимининг 2012 йил 27 декабрдаги 629-Қ-сонли қарори билан мулк ва ер майдони ҳокимлик ихтиёрига, кейинчалик туман ҳокимининг 2013 йил 4 октябрдаги 535-Қ-сонли қарори билан туман маданият ва спорт ишлари бўлими ихтиёрига тўловларсиз ўтказилган. Яъни, ушбу ҳолатда мулкдорнинг 17 йиллик мулклари баҳоланмасдан, қайта сотилмасдан, унинг қиймати тўлаб берилмасдан ёки бошқа зарарлари қопланмасдан олиб қўйилган.

Фикримизча суд даъво талабларини рад этиши керак эди. Чунки, судга киритилган даъво аризасида асос сифатида кўрсатилган ва шу пайтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 ноябрдаги “Хусусийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари фаолиятидаги тартиб бузилиши ҳоллари тўғрисида”ги 402-сонли қарорининг 3-бандига асосан “Хусусийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг фаолият йўналиши қарорнинг ушбу бандига белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ўзбошимчалик билан ўзгартирилган тақдирда, хусусийлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши ҳамда объект эгасига илгари хусусийлаштиришга қилинган харажатлар қайтарилган ҳолда объект қайта сотилиши кераклиги қайд қилинган.

Шу пайтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Рақобат Қўмитасининг 2003 йил 18 январдаги 01/07-80-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 7-бандига хусусийлаштириш шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда объектнинг баҳоси савдо ташкилотчиларининг харажатлари чегириб қолиниб, аввалги эгасига тўлаб берилиши қайд қилинган.[17]

Бундан ташқари, жамият томонидан фаолият тури ўзбошимчалик билан ўзгартирилган тақдирда ҳам бу қонунбузилиш ҳақида ваколатли давлат органи судга даъво ариза киритишдан камида уч ой олдин қонунбузилишни бартараф қилиш тўғрисида огоҳлантириши, қонунбузилиш шу муддат ичида бартараф қилинмаса кейин судга даъво аризаси киритилиши лозим бўлган.

Қайд этилган суд амалиётидан кўринадик, суд томонидан битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари ва низога тааллуқли қонун нормалари нотўғри қўлланилиб, 17 йил аввал давлат тасарруфидан чиқарилган мулклар яна давлат эгалигига қайтарилган. Ушбу ҳолатда туман ҳокимлиги тимсолида давлат асоссиз бойлик орттирган.

Рус олими Я.А.Куникнинг қайд этишича, ҳақиқий бўлмаган битим бўйича олинган нарсаларни шахслар ўзларида қолдириш мақсадга мувофиқ эмас. Акс ҳолда бу ҳақиқий бўлмаган битим иштирокчиларини рағбатлантиришга олиб келиши мумкин. [18]

Худди шу ўринда эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 116-моддасида қайд қилинишича, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Бундай битимга нисбатан ушбу Кодекс 114-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Ушбу ҳолатда қонун икки томонлама реституцияни, яъни битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари тўғрисидаги умумий қоида қўллашни назарда тутмоқда. Ҳолбуки, юқорида қайд қилинган битим мазмуни нафақат қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайди, балки унинг ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда онгли равишда, қасдан тузилганлигини билдиради. Яъни, бу норма қонун ҳужжатлари талабларини онгли равишда бузиб, Ўзбекистон Республикасида шаклланган ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда битим тузган шахсга у таваккал қилган мулкни ёки пулини ўзига қайтаришни назарда тутмоқда.

Бундай битимларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 114-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган қоидаларнинг қўлланилиши, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасидаги фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги принципи, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-моддасидаги фуқаролик қонун ҳужжатларининг асосий негизларига, ушбу Кодекснинг 9-моддасидаги фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги, ҳалоллик, оқилоналик ва адолатлилиқ тамойилларига, жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилиш, иш одоби қоидаларига риоя этиш тамойилларига, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмаслиги қоидага



номувофикдир.

Бу масала бўйича Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси 169-моддасида ва Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 158-моддасида баён қилинган қоидалар фикримизнинг тўғрилигини тасдиқлайди.[19]

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 116-моддасини қўйидаги иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир:

Агар қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим иштирокчининг қасддан қилган ҳаракатлари натижаси бўлса, суд бундай битим тузиш натижасида қасддан ҳаракат қилган тараф олган мол-мулкни, топширилган нарсани Ўзбекистон Республикаси давлат даромадига ундиришга ҳақли. Мол-мулкни асл ҳолида давлат даромадига ўтказиш мумкин бўлмаса, унинг қиймати пул билан ундириб олинади.

Бу охир-оқибатда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида белгиланганидек "...барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлашга, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсизлигини ва давлат ҳимоясида эканлигини, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлигини таъминлашга" хизмат қилади.[20]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ф.Мухиддинов, К.Мирзажонов. Юридик луғат. Тошкент "Ўқитувчи" 1983 й. 28 б.А.Б.Брахин. Юридическая энциклопедия. Москва. Книжный мир. 2010 г. С.730.
- 2.Ҳ.Раҳмонкулов. Битимлар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ. 2009. 211 бет. 73-бет
- 3.Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрь кунги "Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 269-сонли қарорининг 28-банди.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 11-моддаси.
- 5.Артемов В.А. Недействительность сделок и их последствия: отдельные аспекты // Хозяйство и право. 2002. N 9. С. 115.
- 6.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 114-моддаси.
- 7.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 123-моддаси.
- 8.Сарбаш С. Возврат уплаченного как последствие неисполнения договора. Хозяйство и право. 2002. N 8.
- 9.Т.И.Илларионова. Механизмы гражданско-правовой защиты. Свердловск. 1980. С.11.41
- 10.Степанов Д.И. Защита прав владельца ценных бумаг. М.Статут.2004.
- 11.Тузов Д.О. Теория недействительности сделок. Опыт российского права в контексте Европейской правовой традиции. Из-во. Статут 2007.
- 12.Тузов Д.О. Теория недействительности сделок. Опыт российского права в контексте Европейской правовой традиции. Из-во. Статут 2007.
- 13.Постановления Президиума ВАС РФ от 20.07.1999 г.№3202/99.
- 14.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1-моддаси.
15. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрь кунги "Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 269-сонли қарорининг 20, 26-банди.
- 16.Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрь кунги "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини тадбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида" ги 17-сон қарори кириш қисми.
17. "Ишонч" адвокатлик фирмаси архиви. Навоий ш. 2015 й.
- 18.Куник Я.А. Гражданско-правовая сделка. Представительство. М.Госторгиздать. 1960. С.18.
- 19.Гражданский кодекс РФ. Ст. 169. Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодекси 158-м.
- 20.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.53-модда.



YOSHLARNING HUQUQIY SAVODXONLIGINI OSHIRISH

Jamolova Mohigul Hamroyevna

Navoiy viloyat, Qiziltepa tuman 28-maktab

Davlat va huquq asoslari fani o'qituvchisi

Annotatsiya: ushbu maqolada yoshlarga berilayotgan imkoniyatlar va ularni qo'llab quvvatlayotgan Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida fikrpar yoritiladi.

Kalit so'zlari: yoshlarga oid davlat siyosati, harakatlar strategiyasi, Besh muhim tashabbus.

Har bir yosh borki, kelajak uchun harakatda bo'ladi, yangilik va innovatsiyalar yaratishga harakat qiladi. Mamlakatimizda yoshlar masalasi har doim davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Yoshlarga oid davlat siyosati – bu davlatning demokratik taraqqiyot yo'lida rivojlanishida yoshlarni muhim strategik kuch sifatida tan olishi, zamonaviy dunyoda yoshlarning ehtiyojlari, ularning mavjud demokratik muhitga to'g'ri moslashuviga yo'naltirilgan qonunchilik va ijro etish xususiyatining yig'indisi hamda o'zining yoshlarga nisbatan boshqaruv va ijtimoiy funksiyalarini demokratik siyosiy tizim, xalqaro yoxud milliy huquq normalari talabi darajasida to'liq bajarishidir. Yosh avlod vakillarining manfaatini, boshqa ko'pchilik qatlamlar vakillarining manfaatiga qarshi qo'ymasdan, umummilliy manfaat bilan uyg'unlashtirish – yoshlar siyosatining asosiy vazifasidir.

Bugungi kunda mamlakatimiz yoshlari uchun zamonaviy bilim olish, erkin kasb tanlash hamda o'z imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish uchun barcha sharoitlar yaratilgan. Mustaqillik yillarida mamlakatimizda yoshlarga oid davlat siyosati tubdan isloh etilib, ularning huquqiy va siyosiy madaniyatini yuksaltirishga alohida e'tibor qaratilib, qator maqsadli chora-tadbirlar amalga oshirildi. Ushbu soha muayyan darajada rivojlantirildi, jumladan, yoshlar huquqiy va siyosiy madaniyatini yuksaltirishning o'ziga xos xususiyatlarini e'tiborga olish, yoshlarning ijtimoiy-siyosiy tadbirlardagi ishtiroki orqali huquqiy-siyosiy madaniyatining shakllanishi, ularning huquqiy va siyosiy madaniyatini yuksaltirishda davlat va fuqarolik jamiyati institutlarining hamkorligiga zamin yaratuvchi huquqiy baza yaratildi.

Mamlakatimizda yoshlarga oid davlat siyosati sohasida keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. O'tgan vaqt ichida yoshlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularning huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, mamlakatimiz istiqboli uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir, tashabbuskor, shijoatli yoshlarni tarbiyalash borasida alohida tizim yaratildi.

O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi, Oliy Majlis palatalari huzurida Yoshlar parlamentlari, O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi qoshida Yoshlar akademiyasi tashkil qilindi. Hududlarda "Loyihalar fabrikasi" ish boshladi. Yosh avlodning sog'lom o'sishi, sifatli ta'lim olishi va barkamol shaxs bo'lib voyaga yetishini ta'minlash, shuningdek, yoshlarning madaniyat, san'at, sport, axborot texnologiyalari va kitob o'qishga bo'lgan qiziqishini har tomonlama qo'llab-quvvatlashga qaratilgan "Besh muhim tashabbus"ni joriy etish bo'yicha samarali ishlar amalga oshirilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Yoshlarga oid davlat siyosati 2016 Toshkent



FUQAROLIK SUD ISHLARINI YURITISHDA PROTSESSUAL MAJBURLOV CHORALARINI QO'LLASHDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR.

Sayfullayev Shavkat Abdisamat o'gli

Toshkent davlat yuridik universiteti 4-bosqich talabasi

Telefon: +998(90)3592847

sshavkatjon@list.ru

Anotatsiya. mazkur maqolada fuqarolik sud ishlarini yuritishda protsessual majburlov choralari qo'llashda erishilgan yutuqlar hamda ushbu institutda duch kelinayotgan ba'zi bir muammolar haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: protsessual majburlov choralari, majburiy keltirish; ogohlantirish; sud majlisi zalidan chiqarib yuborish; sud jarimasi

Fuqarolik sud ishlarini yuritishda protsessual majburlov choralari qo'llashda sud amaliyotida muayyan natijalarga erishildi.

Yutuqlar:

Fuqarolik ishlarini sudda ko'rishda tartib-intizomni mustahkamlashga xizmat qiladi.

O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik protsessual kodeksining 14-bobida keltirilgan ogohlantirish, sud zalidan chiqarib yuborish (145-modd), sud jarimalarini qo'llash (146-149-moddalar) hamdama'muriy javobgarlikka tortish (150-modd) asnosida amlaga oshiriladi. Mazkur moddalarda ko'rsatilgan va sanab o'tilgan majburlov choralari fuqarolik ishlarini sudda ko'rishda tartib intizomni mustahkamlashga xizmat qiladi. Chunki, ularning qo'llanilishidagi eng asosiy sabab sifatida sud majlisida tartib-qoidani buzganlikdir. Ushbu choralar sud majlisining protsessual qonun doirasida, qoidaga rioya qilgan holda ishning hal etilishiga yordam beradi.

Protsessual muddatlarga rioya qilishni ta'minlaydi.

Majburlov choralari qo'llashdagi mazkur yutuq ishning o'z vaqtida hal etilishiga yordam beradigan eng asosiy omillardan biri hisoblanadi. Protsessual muddatlarga rioya etilishi bu protsessual qonunchilikning birlamchi talabi hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik protsessual kodeksining 151-moddasida protsessual muddatlar haqida gap boradi hamda ushbu moddaga ko'ra, protsessual harakatlar qonunda belgilangan muddatlarda amalga oshiriladi, deb belgilab qo'yilgan. Majburlov choralardan biri bo'lgan sud majlisiga majburiy keltirish (FPK 144-modd.) chorasi protsessual muddatlarga rioya qilishni ta'minlaydigan vositalardan biri hisoblanadi. Chunki, ushbu majburlov chorasining qo'llanishidan ko'zlangan eng asosiy maqsad bu ishni o'z vaqtida hal etish va ishda ishtirok etishi zarur deb topilgan shaxsning sud majlisida ishtiroki orqali adolatli hal etishdir. Ishning o'z vaqtida hal etilishi deganda birinchi navbatda protsessual muddatlarga rioya etilish tushiniladi. Masalan, agar ishda ishtirok etishi lozim deb topilgan shaxsning sud majlisiga davomiy ishtirok etmasligi (sababsiz) sabab protsessual muddatlarga rioya etish maqsadida ushbu majburlov chorasi qo'llaniladi. Ya'ni, uy joyga kiritish bilan bog'liq bo'lgan nizolar, aliment undirish, uy-joydan ko'chirish, nikohdan ajratish, shaxsiy mulklarni o'zganing noqonuniy egaligidan olish to'g'risidagi ishlar bo'yicha taraf (javobgar) ni majburiy keltirish oraqali ish har tomonlama adolatli hal etilish uchun va har ikki tarafning fikrlarini eshitish orqali tenglik prinsipiga rioya qilishga zamin yaratadi.

Protsessual javobgarlikni kuchaytiradi.

Majburlov choralari qo'llash sud majlisi tartib-intizomini buzganlar uchun javobgarlikka tortish uchun sababchi omil hisoblanadi. Javobgarlikning kuchaytirish oraqali sudni hurmat qilishga hamda protsessual tartib qoidaga rioya qilishni ta'minlaydi. Fuqarolik protsessual kodeksda majburlov choralari alohida bob sifatida kiritilishi sud majlisi ishtirokchilarda majburiyatning kuchayishiga, agar majburiyatning o'z vaqtida, to'laqonli bajarilmasligi yuzasidan protsessual javobgarlikka sabab bo'lishini anglatadi. Bunday holda ishtirokchilarda javobgarlik hissi yanada kuchayishiga olib keladi. Masalan, sud majlisiga belgilangan vaqtda ishtirok etmaslik yuzasidan sud jarimasi, ma'muriy javobgarlikka tortish uchun asos bo'ladi, degan kayfiyat, o'y-fikr ishda ishtirok etuvchi shaxslarda paydo bo'ladi.

Bundan tashqari, sud majlisida tartibni buzgan yoki sudga boshqacha tarzda hurmatsizlik bildirgan shaxs sud tomonidan ma'muriy javobgarlikka tortilishi mumkinligi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik protsessual kodeksining 150-moddasida belgilab qo'yilgan. Ushbu



moddada belgilanganki, Sudga hurmatsizlik guvohning, da'vogarning, javobgarining, ishda ishtirok etuvchi boshqa shaxslarning sudga kelishdan qasddan bo'yin tovlashida yoki ushbu shaxslar va boshqa fuqarolarning raislik qiluvchining farmoyishiga bo'ysunmasligida yoxud sud majlisi vaqtida tartibni buzishida namoyon bo'ladi. Ushbu harakatlarning amalga oshirilishi javobgarlikka sabab bo'ladi. Javobgarlikka tortishning asosi O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksida o'rin egallagan.

Shuningdek, Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksning 180-moddasida sudga hurmatsizlik qilish yuzasidan javobgarlik masalalari yoritilgan bo'lib, unga ko'ra, guvoh, jabrlanuvchi, da'vogar, javobgar, ishda qatnashuvchi boshqa shaxslarning sudga kelishdan qasddan bo'yin tovlashida yoki mazkur shaxslarning va boshqa fuqarolarning raislik qiluvchi farmoyishiga bo'ysunmasligida yoxud sud majlisi paytida tartibni buzishda o'z ifodasini topgan sudga hurmatsizlik qilish bazaviy hisoblash miqdorining bir baravaridan uch baravarigacha miqdorda jarima solishga sabab bo'ladi.

Biroq sudlarda protsessual majburlov choralari qo'llashda hamda ushbu institutni ilmiy tadqiq etishda quyidagi muammolar ham ko'zga tashlanadi. Masalan, muammolar:

Sohadagi va qonunchilikdagi ayrim muammolar.

IIB bilan bog'liq bo'lgan ba'zi bir muammolarga duch kelinayotganligi.

Fuqarolik protsessual majburlov chorasi sifatida belgilab qo'yilgan majburiy keltirish chorasi yuzasidan amaliyotda bir qancha muammo va qiyinchiliklarga dech kelinmoqda. Ya'ni, muammolardan biri sifatida aytish joizki, aksariyat ichki ishlar bo'limlari tomonidan ijroni ta'minlash yoki ijroni ta'minlash imkoniyati yo'qligi yoxud ijroni vaqtida ta'minlashga to'sqinlik qiluvchi holatlar va sabablar haqida ma'lumot berilmaslik holatlari bilan bog'liq.

Bir vaqtning o'zida bir necha protsessual majburlov choralari qo'llash mumkinmi?

Mazkur holat amaliyotda duch kelinayotgan muammolardan biri hisoblanadi. Chunki, fuqarolik protsessual qonunchilikda belgilangan majburlov choralari bir vaqtning o'zida bir nechtasini qo'llash bilan bog'liq muammo mavjud.

Majburlov choralari bir paytda bir necha majburlov chorasini qo'llash tartibi belgilanmagan. Ya'ni, ogohlantirish bilan birga sud jarimasini yoki sud zalidan chiqarib yuborish majburlov choralari bir paytda qo'llash hollari kuzatilmaydi. Chunki, ular biri sodir etilganidan keyin ikkinchisini taqazo etadigan majburlov choralari hisoblanadi. Masalan, sud majlisida shovqin ko'targan, tartibni buzgan, sudga hurmatsizlik qilgan shaxsga nisbatan ogohlantirish qo'llaniladigan so'ng sud majlisidan chiqarib yuborish qo'llanishi amaliyotda kuzatiladi. Bundan tashqari, fuqarolik protsessual kodeksida belgilangan sudga kelmaganligi uchun majburiy keltirish bilan birga sud jarimasini birga qo'llash masalasi bilan bog'liq muammolar mavjud. Har ikklasini bir vaqtda qo'llash mumkin yoki mumkin emasligi aniq belgilab berilmagan.

Jarima nimaga ishlamaydi?

Fuqarolik protsessual kodeksida belgilab qo'yilgan, majburlov choralariga bag'ishlangan moddlar amaliyotda har doim faol qo'llanilmaydi. Fuqarolik sudlarida ushbu kodeksning 14-bobida belgilab qo'yilgan majburlov choralari qo'llash normalari qanchalik amaliyotga tatbiq etilayotganligi hamda sudyalarning tomonidan qaysi bir majburlov chorasi miqdor jihatidan tartib buzuvchilarga nisbatan ko'p ekanligiga oydinlik kiritish maqsadida tegishli mutaxassislar yuzlanildi. Ularning bergan ma'lumotiga ko'ra, fuqarolik protsessual majburlov choralarning amaliyotda qo'llanilganlik statistikasi yuritilmasligini bildirishdi. Ma'lumot sifatida keltirib o'tishdiki, 2018-yildan hozirgi kunga qadar (01.05.2021) majburlov joralarining eng kam qo'llanilgan turi sifatida amaliyotda sud majlisiga majburiy keltirish ekanligi ta'kidlandi.

Bundan tashqari, fuqarolik ishlari bo'yicha Shayhontohur tumanlararo sudida ko'rilgan ishlar doirasida ham 2018-yildan hozirgi kunga qadar majburlov choralari sifatida sud majlisiga majburiy keltirish eng kam foizlarda namoyon bo'lganligiga guvoh bo'lindi. Yuqorida fuqarolik ishlari bo'yicha Shayhontohur tumanlararo sudi arxividan olingan majburiy keltirish bilan majburlov chorasi qo'llanilganligi ma'lumot sifatida keltirib o'tilgan edi.

Shuningdek, majburlov choralarining qo'llanilgan miqdor bo'yicha ketma-ketlikda sanab o'tilganda, ular quyidagicha namoyon bo'ladi. Birinchi navbatda sud zalida tartibni buzganligi uchun qo'llaniladigan **ogohlantirish** o'rin egallaydi. chunki, ushbu majburlov chorasi sud amaliyotida eng ko'p qo'llaniladi. Ikkinchi o'rinni **sud zalidan chiqarib yuborish** egallaydi. Uchinchisi esa, protsessual sud majlisiga ogohlantirishlarga qaramasdan sababsiz ishtirok etmaslik uchun qo'llaniladigan **sud jarimasidir**.

O'rganilgan sud hujjatlari doirasida ogohlantirish (48%), sud majlisi zalidan chiqarib yuborish



(36%), jarima (13%), majburiy keltirish (3%)ni tashkil etadi¹.

Yuqoridagi ma'lumotlarga tayanga holda Fuqarolik protsessual kodeksning 144-moddasida belgilangan majburiy keltrish amaliyotda ishlamaydigan normalar qatorida o'rin olgan.

Bundan tashqari, amaliyotdan duch kelingan hamda to'plangan ma'lumotlarga ko'ra sud jarimasini qo'llash ham ancha past ko'rsatkichga ega. Ushbu holatlardan ikki xil xulosaga kelishimiz mumkin. Ya'ni, **birinchisi**, protsessual tartib qoidalarining to'la to'kis bajarilayotganligi yuzasidan raislik etuvchi tomonidan ehtiyoj sezilmaydi. **Ikkinchisi** esa, ushbu majburlov choralari qo'llash yuzasidan ma'lum bir muammolarga yoki tashkiliy-texnikaviy masalalarga borib taqaladi. Lekin, birinchi xulosamiz yoqorida keltirib o'tilgan ma'lumotlarga ziddir. Chunki, agar protsessual tartib-qoida buzilmaganda, raislik etuvchi majburlov choralari qo'llashga ehtiyoj sezmaganda ogohlantirish hamda sud zalidan chiqarib yuborish kabi majburlov choralari amaliyotda qo'llashga kamroq duch kelingan bo'lar edi. Aksincha, hozirgi kunda amaliyotda ogohlantirish va sud zalidan chiqarib yuborish har kuni qo'llaniladigan choralardir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 11.03.2020 й.,
2. О'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksi. Rasmiy nashr. O'zbekiston Respublikasining Adliya vazirligi. – Т.: "Adolat", 2021-y.
3. Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 15-dekabrdagi 1024-son qarori bilan tasdiqlangan "Surishtiruv, dastlabki tergov organlari yoki sudga uzrsiz sabablarga ko'ra kelishdan bosh tortgan shaxslarni majburiy keltirish bo'yicha topshiriqlarni ijro etish tartibi to'g'risida" nizom.
4. Egamberdiev E., Kamalov O.A., Tillaev T.N., Qo'ldashev N.A., Xolmuminov O.J. Fuqarolik protsessual huquqi: Darslik. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2018. – 296 b.
5. Mamasiddiqov M.M. Fuqarolik protsessi: o'quv qo'llanma / M. M. Mamasiddiqov. – Toshkent: Baktria press, 2014. – 424 b.
6. <https://scholar.google.com/citations?hl=en&user=Tv24oM0AAAAJ#>

1 Эсанова З. ФУ АРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОЦЕССУАЛ
МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ: АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ, БУ СО АДАГИ ЯНГИЛИКЛАР //
Review of law sciences. – 2018. – №. 4.



ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИГА ОИД ШАРТНОМАЛАРНИ ТУЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШДА МАВЖУД ҲОЛАТ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Абдуллаев Нурулла Абдулла ўғли
Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси
телефон: +99899-470-00-77

Аннотация: Мақолада давлат харидининг назарий асослари, бу борадаги шартномалар тузишда мавжуд ҳолат тадқиқ этилган ва мустақил муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, давлат харидини амалга оширишда йўл қўйилаётган тизимли камчиликлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: давлат хариди, шартнома, бюджет харажатлари, давлат буюртмачиси, етказиб берувчи.

Давлат иқтисодиёти негизида давлат харидини ташкил этиш, уни тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириб бориш, давлат харажатларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, харид жараёни очик ва шаффоф тарзда амалга оширилишини таъминлаш ва тадбиркорлик субъектлари иштирокини кенгайтириш муҳим восита ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат харидининг ҳажми ЯИМнинг 11 фоизини ташкил этгани ҳолда, уни иқтисодий ўсишга таъсир этувчи муҳим омил эканлиги, давлат харидлари тизимини таҳлил қилиш, унинг назарий асосларини ўрганишни тақозо этмоқда.

Бу жараён истиқболи эса давлат харидларини тизимли, манзилли, мақсадли ташкил этиш, харид босқичига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш, соҳада очиклик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда тизимли муаммоларни келиб чиқиш сабаб ва омилларини таҳлил қилиш орқали тартибга солувчи қонунчиликни мунтазам такомиллаштириб боришга бевосита алоқадор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида ҳам соҳадаги бўшлиқлар сабабли давлат харидларида атиги 4 фоиз тадбиркор қатнашаётганлиги таъкидланган эди.

Шу мақсадда, давлат хариди билан боғлиқ шартномаларни очик ва шаффоф тарзда амалга оширилишини таъминлаш ва тадбиркорлик субъектлари иштирокини кенгайтириш муҳим восита ҳисобланади.

Мазкур босқичда давлат буюртмачиси билан харид жараёнида иштирок этувчи тадбиркорлик субъекти ўртасида тузиладиган шартномаларнинг қонунийлиги ва махсус шартларга риоя этилганлиги муҳим шарт бўлсада, бироқ, харид жараёни билан боғлиқ айрим шартномалар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя этилмасдан тузилишига йўл қўйилмоқда.

Қайд этилган қонун талабига мувофиқ, харид жараёни билан боғлиқ шартномаларда шартнома предметини етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортимент ва баҳоси, шартноманинг бажарилиш муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг мажбуриятларини, тарафларнинг жавобгарлигига оид муҳим шарт ва талабларга риоя этилмаяпти.

Харид жараёнида юзага келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш, қайд этилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, соҳани тартибга солиш тизимини такомиллаштириш зарурати боис, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси соҳада шаффофликни таъминлаш, шартномалар тузиш ва иштирокчиларга кенг имконият яратишга хизмат қилувчи нормалар билан тўлдирилиб, мазмун-моҳияти очиб берилмаган, коррупцияга шароит яратиши мумкин бўлган қоидалар чиқарилди.

Биринчидан: давлат харидларини амалга оширишнинг алоҳида тартиби белгиланган стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарни корпоратив буюртмачилар сифатида давлат харидларида иштироки таъминланади, натижада 24 та йирик давлат



корхонасига давлат хариди бўйича очик-ошкора талаблар жорий этилиб, маҳаллий тадбиркорлар томонидан ҳар йили камида 10 триллион сўмлик шартномалар тузиш имконияти пайдо бўлди.

Иккинчидан: давлат харидларини қисқа муддатларда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида шартномалар тузиш ва жиро этиш муддатлар қисқартирилди.

Электрон бозор - бир иш куни, (*амалдаги таҳрирда қирқ саккиз соат*),

аукцион - камида беш иш куни (*амалдаги таҳрирда камида ўн кун*),

танлаш - камида беш иш куни (*амалдаги таҳрирда танлов камида ўн кун*)

тендер - камида ўн беш иш куни (*амалдаги таҳрирда тендер камида ўттиз кун*) этиб белгиланди.

Бу тизим давлат буюртмачиларининг товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишда вақтини тежашга, инвестиция дастурлари доирасидаги лойиҳаларнинг муддатида бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Учинчидан: электрон давлат харидлари тизими такомиллаштирилиб, янги тартиб ва миқдор таклиф этилди. Хусусан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бюджет буюртмачилар учун олти минг бараваригача), *эски таҳрирда бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз эллик бараваридан (бюджет буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан)* ошмайдиган товарлар билан боғлиқ шартномаларга электрон давлат хариди қўлланилиши белгиланди.

Ушбу норма келгусида соҳадаги қуйидаги каби жиддий қонун бузилиши ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади. Хусусан, давлат харидларини электрон дўкон орқали амалга ошириш тартибига ва чекловларга риоя этилмаганлиги оқибатида 2018-2020 йиллар давомида 278 та давлат ташкилоти томонидан 100 миллиард сўмлик шартномалар электрон дўкон орқали тузилиб, чекловлардан ортиқча харидлар амалга оширилган.

Тўртинчидан: шартномалар тузиш жараёнида давлат харидлари тартиб-таомиллари иштирокчилари ва давлат харидлари иштирокчиларига ўзларининг таъсисчилари ва бенефициар мулкдорларини очиқлаш мажбурияти қайд этилди.

Бешинчидан: давлат хариди билан шартномалар тузишда иштирокчиларнинг яқин қариндошлари ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда иштирокчини давлат харидларида иштирок этишига йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ чеклов белгиланмоқда.

Мазкур нормани қонунчиликда мавжуд эмаслиги давлат хариди соҳасининг айниқса қурилиши тармоғида жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатди ва қурилиш соҳасидаги объектлар Андижон, Қашқадарё, Навоий, Жиззах вилоятларида мансабдорларнинг қариндош-уруғлари ўртасида шартномалар тузиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган.

Олтинчидан: давлат харидлари доирасида тузилган барча шартномалар тўғрисида маълумотларни жамлаш ягона реестр орқали амалга оширилиши ҳақидаги тартиб ҳам белгиланмоқда. Шунингдек, тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборот давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилмаган бўлса, ушбу шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди. Бу ўз навбатида, шартномаларни очиқлигини таъминлайди ва жамоатчилик мониторингини ўтказишга имкон яратади.

Тадқиқот давомида айрим етакчи давлатларнинг давлат хариди билан боғлиқ шартномалар тузишнинг ўзига хослиги ҳам кўриб чиқилди.

Хусусан, Туркияда давлат харидларининг асосий тамойилларидан бири сифатида харидларнинг рақобатлилиги (давлат эҳтиёжлари учун шартномалар тузилаётганда харидларнинг рақобатли усулларида фойдаланиш керак) асосий қоидалардан бўлиб, чинакам рақобат муҳитини яратиш учун хорижий компанияларга ҳам тендерларда иштирок этишга рухсат этилган.

Шунингдек, давлат хариди шартномаларини тузиш ва расмийлаштириш жараёнлари айрим давлатларда махсус қонунлар билан тартибга солинади, яъни АҚШда махсус қонун қабул қилинган бўлиб, унга кўра давлат эҳтиёжлари учун харидлар молия ва мудофаа вазирликлари ваколатли этиб белгиланган.

Хулоса сифатида қайд этиш жоизки, давлат харидлари билан боғлиқ ҳужжатларнинг намунавий шакллари тизимлаштириш буюртмачи ва етказиб берувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил этишга имкон беради. Шунингдек, давлат буюртмачилари томонидан тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш улар-



ни мониторинг қилишга шарт-шароит яратиб беради. Бу маълумотлар базаси ўз навбатида харид билан боғлиқ шартномаларни қариндош уруғ ва манфаатлар тўқнашуви доирасида тузишни олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Брагинский М.И., Витрянский В.В. “Договорное право. Договоры о передаче имущества” (книга 2) (4-е издание, стереотипное) М.: Издательство “Статут”, 2002
2. <http://oak.uz/userfiles/>
3. <http://www.dissercat.com/>
4. <http://www.consultant.ru/>
5. <https://lex.uz/>
6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни
7. Т.Атамуродов “Давлат харидлари ташкил этилишини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020 yil
8. Тошпўлатов О. Давлат харидлари ва кичик бизнес субъектларининг самарали фаолияти / Иқтисодиётда молиявий барқарорликни таъминлашда давлат харидларининг ролини ошириш мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТМИ, 2014
9. Юлдашев Н.В. Актуальные вопросы совершенствования нормативно-правовой базы государственных закупок в Республике Узбекистан. –Т.: ТМИ. 2014.
10. Смотрицкая И.И. Контрактная система закупок в Российской экономике: перспективы и ограничения развития. – М.: 2019. – С.65.
11. Муминов Н. “Туркия Республикасида давлат харидларини ташкил этиш хусусиятлари” Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2018, 1.



ПОЙАФЗАЛ ВА ОЁҚ ИЗЛАРИ ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАЛАРИ.

Отавалиев Хикматулла Хошимжон

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
кундузги таълим 3-ўқув курсининг “Эксперт-криминалистик
фаолият” мутахассислиги йўналишида таълим олувчи курсант
Телефон: +998994343107

Аннотация: Мақолада эксперт криминалистик фаолият таркибида олиб бориладиган трасологик экспертизаларнинг аҳамиятли томонлари ва ундаги пойафзал излари орқали жиноятларни очиш методикаларини муҳим жиҳатлари очиб берилган.

Калит сўзлар: эксперт, тадқиқот, ҳодиса жойи, объект, эксперт хулосаси, трасология, батафсил тадқиқот, таққослаш тадқиқоти, эксперимент.

Жиноятчиликка қарши курашиш амалиётида эксперт топшириқ оларкан ва тадқиқот вазифасини аниқлаштириб оларкан, экспертизага берилган объектларни кўздан кечиришга киришади. Кўздан кечириш жараёнида у экспертиза объектларининг ҳолатини қайд этади. Сўнгра пойафзал изларининг ҳосил бўлиш, топилиш ва қайд этиш шарт шароитларини аниқлайди (қайси объектдан топилган қайси ашё билан шаклланган уларнинг ҳодиса жойидаги нарсалар билан ўзаро жойлашуви ва боғлиқлиги, жиноятчиларнинг қайси ҳатти ҳаракатлари билан ҳосил бўлган, қайси усуллар билан аниқланган ва мустаҳкамланган, ҳодиса жойида қандай ўзгаришларга дучор бўлган, қандай шароитда сақланган).

Эксперт иш материалларидан гумон қилинувчининг пойафзал жиноят содир этилгандан сўнг қанча муддат кийилганини, бу вақт ичида у қандай ўзгаришларга дучор бўлганини, уни бошқа шахслар кийган киймаганлигини, унинг таъмирланган ёки таъмирланмаганлигини; тажриба нусхаси ким томонидан олинганлигини қайси материаллар ва предметлар ёрдамида қўлланилган усул ва воситалар олинадиган нусхаларнинг юқори сифатга эга бўлишини таъминлай олишини аниқлаши мумкин. Тадқиқотга тақдим этилган материаллар етарли бўлмаганда эксперт хулоса бериш учун зарур бўлган қўшимча материалларни сўраб олишга ҳақлидир. Сўнгра экспертиза объектларининг нимадан иборатлигани ва қандай хусусиятларга эгаллигини аниқлаш учун уларни кўздан кечирилади. Буларнинг бари кейинчалик оёқ кийимлари излари экспертизаси объектларининг алоҳида ва таққослаш тадқиқотини тўғри олиб бориш имконини беради.

Оёқ кийимлари изларининг алоҳида тадқиқоти жараёнида эксперт излардаги пойафзал тагчармининг ташқи тузилиши белгиларининг аксини ўрганади, экспертиза олдида қўйилган саволларни ҳал этиш учун ҳар бир из аксининг аҳамиятини аниқлайди ва ушбу белгилар аксининг қўшилишининг индивидуаллигини аниқлайди.

Алоҳида тадқиқот жараёнида эксперт излардаги ёки уларнинг нусхаларидаги идентификацион белгиларнинг акслари мавжуд эмаслигини аниқлаши мумкин, шунинг учун у тадқиқотга тортилган объектлар экспертиза олдида қўйилган саволларни ҳал этиш учун яроқсиз деган хулосага келиши мумкин. Бундай ҳолларда экспертиза тадқиқотлари шу билан тугалланади.

Таққослаш тадқиқотларида пойафзалнинг тагчарми идентификацион белгилари ва уларнинг излардаги акслари ўртасидаги ўхшашлик ёки фарқлар аниқланади. Сўнгра пойафзалнинг идентификацион белгилари излардаги худди шундай белгиларнинг тегишли акси билан таққосланади. Таққослаш умумий белгилардан бошланади: тагчарм қисмларининг тегишли шакли ва ўлчамлари аниқланади ёки пойафзал тагчармининг алоҳида бўлаклари изнинг тегишли қисми билан солиштирилади. Умумий белгиларнинг мос келиши экспертнинг хусусий белгиларни таққослашни бажаришига хизмат қилади.

Хусусий идентификацион белгилар ва уларнинг излардаги аксини таққослашда қуйидаги изчилликка риоя қилинади. Аввало, изда нисбатан аниқ бўлган бирор-бир белгининг акси аниқланади. Ушбу акс ва пойафзал тагчармидаги ўхшаш белги шакли, ўлчами ва майда тафсилотларига кўра ўзаро таққосланади. Сўнгра изда биринчи аксга қараб бошқа белгининг акси қидирилади ва шу асосда унинг пойафзал тагчармидаги тегишли белгига мос келиш-келмаслиги аниқланади.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 18 июнь кунги “Эксперт-криминалистика бўлинмалари иш фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 108-сонли буйруғи.
2. *Аверьянова Т.В., Белкин Р.С., Корухов Ю.Г., Россинская Е.Р.* Криминалистика. Учебник для вузов. Под ред. Заслуженного деятеля науки Российской Федерации, профессора Р. С. Белкина. –М.: Издательство НОРМА- 2018.http://vuzirossii.ru/index/uchebnik_dlja_vuzov_kriminalistika_averjanova_t_v_belkin_r_s_korukhov_ju_g_rossijskaja_e_r/0-4
3. Судебная экспертиза: российский и международный опыт : материалы IV Междунар. науч.-практ. конф., г. Волгоград, 2018 г. <http://www.volsu.ru>
4. *Антропов А.В., Бахтеев Д.В., Катанов А.В.* Криминалистическая экспертиза: Учебное пособие-М.:Юрайт, 2018 <https://books.google.co>
5. <http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси).



ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Сайидов Рустамбек Абдурасулович,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил тадқиқотчиси
Телефон: +99897 762-97-70
rustam.sayidov@yandex.com

Аннотация: Ушбу тезисда ҳуқуқий мониторинг институтининг назарий-ҳуқуқий асослари ҳуқуқшунос олимларнинг фиклари ва бу борадаги турли илмий қарашлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳуқуқий мониторинг тушунчаси ва уни амалга ошириш механизми борасида муваққат фикрлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқ, мониторинг, қонун, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, қонун ижодкорлиги.

Ҳозирги вақтда “мониторинг” тушунчаси турли соҳаларда, хусусан, экология, педагогика, социология, иқтисод, тиббиёт ва психологияда кенг қамровли атама сифатида қўлланилмоқда.

“Мониторинг” деганда одатда жараёни мунтазам кузатиб бориш, бирор нарса ҳақида маълумот тўплаш ва қайта ишлаш ва тузатишлар киритиш учун тавсиялар тайёрлаш тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам ҳуқуқий мониторинг самарали институтлардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан замонавий қонун ижодкорлиги шароитида ҳуқуқий мониторингнинг ўзига хос хусусиятларини илмий тушуниш ва назарий-ҳуқуқий тадқиқ этишга объектив эҳтиёж мавжуд.

Биз қўриб чиқаётган мавзунинг долзарблиги аввало, қонунчиликдаги бўшлиқларни, зиддиятларни бартараф этиш, ҳуқуқий назорат самарадорлигини оширишнинг асосий воситаларидан бири бўлган ҳуқуқий мониторинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши билан белгиланади.

Дарҳақиқат, шу нуқтаи назардан ҳуқуқий мониторинг институти тўғрисидаги илмий-ҳуқуқий доирада мавжуд бўлган фикрларга эътибор бериш муҳимдир.

Хусусан, профессор Ю.А.Тихомиров ҳуқуқий мониторингни қонун вужудга келиши ва бошқарув фаолиятининг барча босқичларида намоён бўладиган ва ҳаракатланадиган, ахборот-баҳоловчи характердаги динамик ташкилий-ҳуқуқий институт сифатида баҳолайди [1].

Ҳуқуқшунос олимлар Ю.Г.Арзамасов ва Я.Е.Наконечный норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мониторингини уларнинг шакллари, мазмуни ва амалга оширилишини ҳар томонлама баҳоловчи илмий асосланган тизим сифатида баҳолаб, мазкур институт ёрдамида ҳуқуқий жараёндаги турли маълумотларни (нормалар яратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилиш) олиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар самарадорлигини ошириш мақсадида таҳлиллар, тренинглар, прогнозлар ва бошқа функцияларни амалга ошириш мумкинлигини таъкидлашади [2].

Л.А.Иванова ўзининг илмий тадқиқотлари марказига ҳуқуқий мониторинг жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарадорлигини аниқлашни қўйиб, ҳуқуқий мониторингни ваколатли субъектларнинг юридик меъёрларни кузатиш, таҳлил қилиш, баҳолаш бўйича услубий асосланган комплекс тизимли фаолияти сифатида белгилайди [3].

Бошқа бир гуруҳ рус ҳуқуқшунос олимларининг фикрича, ҳуқуқий мониторинг бу ахборотни кузатиш тизими бўлиб, бу қуйидагиларни таҳлил қилиш ва баҳолашга имкон беради: қонунчилик фаолияти натижалари; у ёки бу қонунчилик ташаббуси субъекти томонидан қонун ижодкорлиги ваколатига мувофиқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати; уларнинг амалий ҳаракатлари самарадорлиги, амалга оширилиши (ҳуқуқни қўллаш жараёни) [4].

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда ҳуқуқий мониторинг тўғрисида турли хил таърифларни бирлаштирган ҳолда қуйидаги умумий хулосага келиш мумкин: қисқача қилиб айтганда, ҳуқуқий мониторинг – қонунчилик тизими тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун доимий



равишда режалаштирилган асосда олиб бориладиган фаолиятдир. Ушбу фаолият ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлиш учун эса ҳуқуқий мониторинг ва қонунчилик мониторинги ўртасидаги фарқни аниқлаб олиш лозим бўлади.

Масалан, А.А.Невеселовнинг таъкидлашича, ҳуқуқий мониторинг – бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимининг ҳолатини ва ривожланишини, унинг ҳар бир элементи-нинг мазмуни ва амалга оширилишини баҳолаш, унинг хусусиятларини тавсифловчи услублар ва усулларни баҳолаш бўйича фаолият тизимидир. Қонунчилик мониторингни эса, қонунчилик тизими ва унинг қисмларини мониторинг қилиш, ҳолати ва ривожланишини баҳолаш, уни амалга ошириш технологиясининг хусусиятларини тавсифловчи техникалар, усулларни ифодаловчи юридик технология ҳисобланади [5].

В.Л.Негробовнинг фикрига кўра, қонунчилик мониторинги – амалдаги қонунчилик тўғрисидаги маълумотларни олдиндан белгиланган параметрлар (кўрсаткичлар) бўйича тизимли равишда тўплаш ва уни турли хил илмий билим усулларида фойдаланган ҳолда ўрганиш, шунингдек, ахборотнинг ўзи ва ундан олинган маълумотларга баҳо бериш бўйича тизимли фаолият ҳисобланади ва у қонунчиликнинг (ёки унинг айрим қисмларининг) ҳолати ва ривожланиши тўғрисидаги хулосаларга асосланади [6].

Фикримизча, бугунги кунда ҳуқуқий мониторингнинг асосий мақсади норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини ошириш, уларнинг самарали ижро этилишини таъминлашдан иборат бўлиб, пировардида қонунчиликни такомиллаштиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиши керак. Бошқача айтганда ҳуқуқий мониторинг орқали ҳуқуқий тизимни оптималлаштириш мумкин.

Демак, ҳуқуқий мониторинг ва унинг механизмларини кенгайтириш муаммоси ҳозирги пайтда унинг нафақат қонунчиликда ҳал қилинишини талаб қиладиган муаммо, балки илмий-назарий жиҳатдан ҳам унинг ривожланишидаги камчиликларни аниқлашни тақозо этади.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий мониторинг орқали қонун ҳужжатларини қўллаш самардорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек унинг истикболини белгилаш мумкин. Норма ижодкорлиги жараёнида ҳам, ҳуқуқий мониторинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш ва қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш босқичлари орасидаги ўзига хос кўприк вазифасини бажаради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий мониторинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш даражасини доимий кузатиш, ҳуқуқий тизимнинг ҳолатини танқидий баҳолаш натижасида уни мақбул ҳолатга келтириш усул ва услубларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тихомиров Ю.А. Организация и проведение правового мониторинга // Право и экономика. 2006, № 10.
2. Арзамасов Ю.Г., Наконечный Я.Е. Концепция мониторинга нормативных правовых актов. М.: Юрлитинформ, 2011. С. 10.
3. Иванова Л.А. Определение эффективности нормативных актов в процессе правового мониторинга: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2011. С. 8-9.
4. Горохов Д.Б., Спектор Е.И., Глазкова М.Е. Правовой мониторинг: концепция и организация // Журнал российского права. 2007, № 5. С.30.
5. Невеселов А.А. Правовой мониторинг и государственная политика: теоретико-правовые основы взаимодействия: автореф. дис... канд. Юрид. Наук. Ростов н/Д, 2009. С.8.
6. Негробов В.Л. Мониторинг российского законодательства как элемент правовой политики: общетеоретический аспект: автореф. дис. ... канд.юрид.наук. Владимир, 2008. С. 6-7.



KELAJAKDA DUAL TA'LIM TIZIMI

Azimov Asliddin Karimovich

O'zbekiston Respublikasi

Adliya vazirligi Buxoro viloyati

Yuridik texnikumi DHF 1/20 talabasi

Annotatsiya: Dual ta'lim – ta'lim dasturining nazariy, o'quv-amaliy qismi professional ta'lim muassasasida, malaka hamda kompetensiyalarni shakllantirish bo'yicha ishlab chiqarish bilan bog'liq amaliy qism korxona (tashkilot)da tashkil etiladigan o'qitish turi; Dual ta'lim bitiruvchilari o'z xohish istaklari bo'yicha kelgusida mehnat faoliyati bilan shug'ullanishlari mumkinligini ifodalashdan iboratdir.

Glossariy: dual ta'lim, professional ta'lim, mehnat munosabatlari, halqaro tajribalar, ishlab chiqarish amaliyoti.

Vazirlar Mahkamasi tomonidan 29.03.2021 yildagi «Professional ta'lim tizimida dual ta'limni tashkil etish chora-tadbirlari haqida»gi 163-son qarori qabul qilindi. Unga ko'ra «Ta'lim to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga muvofiq yoshlarning kasblar va mutaxassisliklarni egallashga bo'lgan qiziqishlarini qo'llab-quvvatlash uchun keng imkoniyatlar yaratish hamda professional ta'lim tizimida dual ta'limni tashkil etish maqsadida Vazirlar Mahkamasi qarorida shunday deyilgan O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi hamda Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligining 2021/2022 o'quv yilidan boshlab professional ta'lim tizimida dual ta'limni tashkil etish to'g'risidagi taklifga rozilik berilmoqdi. Quyidagilarni nazarda tutuvchi Professional ta'lim tizimida dual ta'limni tashkil etish tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlandi dual ta'limni tashkil etish va uning bosqichlarini dual ta'limda o'quv jarayoni va ishlab chiqarish amaliyotini olib borish tartibini dual ta'lim ishtirokchilarining vazifalari, huquq va majburiyatlarini belgilanmoqda qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari, manfaatdor vazirliklar va idoralar har yili 1-martga qadar iqtisodiyot tarmoqlarida tegishli kasblar va mutaxassisliklar bo'yicha o'rta bo'g'in kadrlariga bo'lgan ehtiyojni muntazam o'rganib, dual ta'lim tizimini tashkil etish hamda bitiruvchilar bandligini ta'minlash yuzasidan tegishli chora-tadbirlarni belgilanmoqda. Har yili 1-aprelga qadar dual ta'lim tashkil etiladigan tashkilotlar bo'yicha Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligiga takliflar kiritib borilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tizimida professional ta'lim muassasalari bo'lgan vazirliklar va idoralar har yili tasdiqlangan reja asosida o'quvchilarni dual ta'lim dasturlari asosida o'qishga jalb etish bo'yicha kasbga yo'naltirish ishlarini tashkil etildi dual ta'lim tashkil etiladigan tashkilot va professional ta'lim muassasasida ta'lim jarayonini tashkil etish yuzasidan hamkorlikni yo'lga qo'yildi hamda kelishilgan o'quv rejasi va o'quv jarayoni grafigini tasdiqlandi. O'quvchilarni haftada kamida ikki kun professional ta'lim muassasalaridagi o'quv jarayonlarida ishtirok etishlarini va qolgan ish kunlarida tegishli tashkilotlarda amaliy mashg'ulotlar bilan birga mehnat faoliyati olib borishlarini ta'minlanmoqda professional ta'lim muassasalarida dual ta'lim jarayonini tashkil etilishi ustidan tizimli nazorat o'rnatilmoqda. dual ta'limni takomillashtirish va metodik ta'minotini mustahkamlash yuzasidan ilg'or xalqaro tajribalarni tizimli o'rganish ishlarini tashkil etilmoqda.

Xususan, Buxoro viloyat yuridik texnikumida xam dual ta'lim tizimiga o'tish bo'yicha chora tadbirlar ko'rila boshlandi 2021-sentyabr oyidan boshlab, professional ta'limni dual ta'lim tizimiga o'tqirish talabalarga juda katta qulayliklar taqdim qiladi. Talabalar ham ishlab ham o'qib, dars vaqtida olgan nazariy bilimlarini amaliyotda qo'llab ko'rish imkoniyatini beradi. Bu juda oson va qulay. Birinchi dual ta'lim tizimi Germaniyada joriy etilgan. Uning tajribasi endi butun Yevropa Ittifoqi uchun model hisoblanadi. Germaniyada dual ta'lim korxonalarining faol ishtiroki bilan ifodalanadi, juda yaxshi rivojlangan murabbiylikni o'z ichiga oladi.

Foydalanilgan Adabiyotlar:

1. Vazirlar mahkamasining 29.03.2021 yildagi 163-son qarori.



АЙБ FUQAROLIK-HUQUQIY JAVOBGARLIKNING SHARTI SIFATIDA

Imomniyozov Doniyorbek Baxtiyor o'g'li,

Toshkent davlat yuridik universiteti

Biznes huquqi mutaxassisligi magistanti

E-mail: d.imomniyozov@gmail.com.

Annotatsiya: Ushbu tezisda shartnoma majburiyatlarini bajarmaganlik uchun qarzdorni fuqarolik-huquqiy javobgarlikka tortish asoslaridan bir bo'lgan ayb haqida fikr yuritiladi. Unda ayb tushunchasi, turlari, qarzdorni javobgarlikka tortishda tutgan o'rni, shuningdek, ayb to'g'risidagi nemis va fransuz huquqidagi nazariyalar va qonunchilik qiyosiy tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: shartnoma, majburiyat, kreditor, qarzdor, konragent, ayb, qasd, beparvolik, fuqarolik-huquqiy javobgarlik.

Ayb qarzdorni fuqarolik huquqiy javobgarlikka tortishning asosiy shartlaridan biridir. Boshqacha aytganda qarzdor shartnomaviy majburiyatlarni bajarmaslikda aybor bo'lgan taqdirdagina kreditor undan o'ziga yetkazilgan zararni talab qilish huquqiga ega bo'ladi. I.B.Zokirov shartnomalardan kelib chiqadigan majburiyatlarga nisbatan ayb deganda shaxsning majburiyatini bajarishga talab qilingan tarzda munosabatda bo'lmaganligi, qonun va axloq talablariga muvofiq rioya qilmaganligi va natijada majburiyatning butunlay bajarilmasligi yoki lozim darajada bajarilmasligi tushunilishi kerakligini ta'kidlaydi[1]. Bizningcha, ushbu ta'rif shartnomaviy aybning mazmunini ochib bera olgan. Boshqacha aytganda, o'z zimmasiga shartnomaviy majburiyat olgan subyektning ushbu majburiyatni bajarmaslikka qaratilgan harakati yoki harakatsizligi aybdir.

Shuni ham aytish kerakki, fuqarolik huquqida ayb masalasidagi umumiy yondashuv shundan iboratki, qarzdor o'zining aybsizligini isbotlab berishi lozim. Bunday isbotlashda ruhiy-psixik munosabat emas, balki qarzdorning amaliy harakatlari birinchi o'ringa chiqadi. Masalan, FKning 333-moddasiga ko'ra agarda qarzdor majburiyatni lozim darajada bajarish uchun o'ziga bog'liq bo'lgan hamma choralarni ko'rganligini isbotlasa, u aybsiz deb topiladi [2]. Aynan shu holat shartnomaviy munosabatlardan kelib chiqadigan aybni repressiv huquqdagi aybdan farqlaydi.

Nemis huquqida bo'lgani kabi milliy huquqda ham aybning ikkiga bo'linishi haqida nazariyalar mavjud. Ularning mazmuniga ko'ra shartnomaviy aybning qasd va beparvolik kabi ko'rinishlari farqlanadi[3]. Aybning qasd shaklida huquqbuzar o'z zimmasiga olgan shartnomaviy majburiyatlarni bajarishni ongli ravishda rad etadi. Uning oqibati qanday bo'lishini bilgan holda, o'z majburiyatini atayin bajarmaydi.

Ta'kidlash kerakki, yuridik shaxslarda shartnomalar shu subyektning nomi bilan tuziladi. Bunda shartnomani ijro etish ham, undan kelib chiqadigan majburiyatlarni bajarish ham, ushbu majburiyatlar bajarilmaganda uning uchun javobgarlik ham shu subyektga yuklatiladi. Tushunarli bo'lishi uchun quyidagi misolni keltiramiz. Aytaylik, "BEST" MCHJ "Alpha" xususiy korxonasi bilan mahsulot yetkazib berish bo'yicha shartnoma tuzdi. Bunda shartnomaning tomonlari shu yuridik shaxslarning o'zi hisoblanadi. Mabodo "BEST" MCHJ o'z majburiyatini bajarmasa, sud ushbu majburiyatni bajarishni, shuningdek, yetkazilgan zararni qoplashni "BEST" MCHJga yuklaydi. Yuridik shaxs haqidagi "fiksiya" nazariyasidan[4] kelib chiqsak, ushbu subyektning o'z majburiyatini qasddan bajarmasligi haqidagi qarashlar o'zini oqlamaydi. Shuning uchun bunday vaziyatda ayblilik masalasi ushbu yuridik shaxsning irodasini ifodalaydigan shaxsning (rahbar, direktor, boshqaruv raisi) harakatlariga bog'liq bo'ladi. Shu tufayli yuridik shaxslarda shartnomaviy majburiyatlarni qasddan bajarmaslik ya'ni aybning qasd ko'rinishi bir jihatdan repressiv huquq bilan o'zaro aloqaga kirishadi. Boshqacha so'z bilan aytganda yuridik shaxsning shartnomaviy majburiyatini qasddan bajarmasligida ushbu yuridik shaxs rahbarining jinoiy yoki ma'muriy huquq normalari buzishi yotadi. Shunga ko'ra ayrim holatlarda yuridik shaxsni fuqarolik-huquqiy javobgarlikka tortish, shu yuridik shaxs rahbarining jinoiy yoki ma'muriy javobgarlikka tortilishiga olib keladi. Xususan, Ma'muriy javobgarlik kodeksi 176¹-moddasiga ko'ra Shartnoma majburiyatlarni bajarmaslik yoki lozim darajada bajarmaslik oqibatida xo'jalik yurituvchi subyektlarga mulkiy zarar yetkazish —mansabdor shaxslarga bazaviy hisoblash miqdorining o'n baravaridan o'n besh baravarigacha miqdorda jarima solishga sabab bo'ladi.

Shartnomaviy majburiyatlarni beparvolik tufayli bajarmaslikda qarzdor majburiyatni bajarishga intilmaydi, harakat qilmaydi, buning uchun barcha kuch va qobiliyatini yetarli darajada safarbar



qilmaydi, ishni bajarishda diqqatsizlikka, e'tiborsizlikka yo'l qo'yadi[5]. Milliy adabiyotlarni o'rganish natijasida shuni guvohi bo'ldikki, aybning beparvolik shakli haqida ilmiy qarashlar juda kam uchraydi. Shu nuqtayi nazardan qaraganda, milliy huquqimizda aybning shakllarini chuqurroq tahlil qilish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Kontinental Yevropa mamlakatlari huquqida qarzdorning aybi shartnoma majburiyatini bajarmaslik uchun javobgarlikning zarur sharti sifatida e'tirof etiladi. Fuqarolik qonunchiligi qarzdorning aybdorlik prezumptsiyasidan kelib chiqadi (masalan, Fransuz fuqarolik kodeksining 1147-moddasi[6]; Germaniya fuqarolik kodeksi 276-moddasi[7]). Germaniya va Fransiya qonunchiligida ayb tushunchasining aniq ta'rif mavjud emas, shu sababli bu masala huquqiy doktrinalarning ixtiyoriga topshirilgan. Masalan, L. Ennekcerus aybni "irodaning buzilishi, buning natijasida shaxs sodir etilgan harakati uchun javobgar bo'lishi mumkin" deb ta'riflaydi [8].

Ayb tushunchasining qonuniy ta'rif yo'qligiga qaramay, qonunchilik uning qasd va beparvolik kabi shakllarini aniq tartibga soladi. GFK 276-moddasiga muvofiq "agar shartnomada yengilroq javobgarlik chorasi belgilanmagan yoki majburiyatning mohiyatidan boshqacha qoida kelib chiqmasa, qarzdor qasd va beparvolik uchun javobgardir". Aybning turli shakllarini farqlash mezoni sifatida qarzdor majburiyatni bajarishda ko'rsatishi kerak bo'lgan ehtiyotkorlik darajasidan foydalaniladi.

Aybdorlik shakllari bo'yicha mezonlarni belgilash masalasiga fransuz fuqarolik kodeksi bu masalaga nemis qonunchiligiga o'xshash tarzda yondashadi. Fransiya fuqarolik kodeksi 1383-moddasiga muvofiq fuqarolik-huquqiy munosabat ishtirokchisi "culpa levis abstracto" prinsipiga ko'ra o'zining ayblilik darajasidan qat'iy nazara javobgar bo'ladi. E'tiborli jihati shundaki, fransuz fuqarolik qonunchiligida ayblilik darajasi nemis qonunchiligidagi kabi darajaga bo'linmagan. Ya'ni aybdorlikni qasd va beparvolik darajasiga bo'lish prinsipi mavjud emas. Unda shaxs o'zining aybidan qat'iy nazar javobgar bo'ladi.

Yuqoridagilardan ko'rinib turibdiki, qarzdorni fuqarolik-huquqiy javobgarlikka tortishda aybning ahamiyati muhim sanaladi. Milliy huquqdagi ayb haqidagi nazariyalar Germaniya va Fransiyaning fuqarolik huquqidagi nazariyalarga o'xshab ketadi va bu o'xshashlik ushbu davlatlarning barchasi romano-german huquqiy oilasiga mansubligi bilan bog'lanadi. Biroq har bir davlatda aybning o'ziga xos xususiyatlari mavjudligi bilan farqlanadi. Xulosa o'laroq shuni aytish kerakki, milliy huquq tizimida fuqarolik-huquqiy javobgarlikka tortishning shartlaridan biri bo'lgan ayb haqida ilmiy nazariyalar kam uchraydi. Mazkur kichik institutning yuridik soha vakillari tomonidan o'rganiladigan, tadqiq etiladigan jihatlari anchagina. Shu nuqtayi nazardan, yuridik soha olimlari tomonidan shu institutning mohiyati, o'ziga xos jihatlari o'rganishga qaratilgan ilmiy ishlar qilinishi kelajakda sohaning rivojlanishiga, milliy qonunchiligimizning takomillashishiga o'zining ijobiy ta'sirini ko'rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Fuqarolik huquqi: Darslik. I qism. I.B.Zokirov; Qayta ishlangan va to'ldirilgan beshinchi nashr. –T.: TDYuI nashriyoti, 2009. 541-bet.
2. Fuqarolik huquqi: Darslik. I qism/ Mualliflar jamoasi –T.: TDYU nashriyoti, 2016. 255-bet.
3. Fuqarolik huquqi: Darslik. I qism. I.B.Zokirov; Qayta ishlangan va to'ldirilgan beshinchi nashr. –T.: TDYuI nashriyoti, 2009. 541-bet.
4. THEORIES OF JURISTIC PERSONALITY (legalbites.in)
5. Fuqarolik huquqi: Darslik. I qism. I.B.Zokirov; Qayta ishlangan va to'ldirilgan beshinchi nashr. –T.: TDYuI nashriyoti, 2009. 542-bet.
6. Гражданский кодекс (Кодекс Наполеона) 1804 г | Контент-платформа Pandia.ru.
7. Германское гражданское уложение/Книга 2/Раздел 1 — Викитека (wikisource.org).
8. Л.Эннекцерус. Курс германского гражданского права. Москва : Изд-во иностр. лит., 1949-1950 (Л. : тип. «Печат. двор»). С 245.



PRE-TRIAL SETTLEMENT OF LEGAL DISPUTES AS A FORM OF PROTECTION OF THE RIGHTS AND LEGITIMATE INTERESTS OF ECONOMIC ENTITIES

Saitdinov Firdavs,

Master's student of Tashkent State University of Law

E-mail: a.b.records@mail.ru

Annotation: Pre-trial settlement of economic disputes is one of the most pressing problems today. Pre-trial settlement of disputes is one of the most effective ways to protect the rights and interests of a person. The article examines the features of pre-trial settlement of economic disputes as a form of protection of the legal rights and interests of a person

Keywords: legal rights, interest, pre-trial settlement, economic dispute, subject, law.

The genesis of the development of law has led to the fact that in any civilized society and rule of law various forms of protection of the rights and legitimate interests of all subjects involved in the "life" of this society and state are recognized.

Running a little ahead, we note that one of the traditional legal institutions for domestic legislation is pre-trial settlement of disputes, which, like other forms of protection (judicial, etc.), is primarily designed to assist the subjects of legal relations in the operational protection of their rights and legitimate interests.

As noted by T.A. Grigorieva [1], Russia and other countries, in particular Great Britain and Ireland, Japan and the United States, have retained the pre-trial procedure for resolving disputes.

First of all, in order to determine the legal position of pre-trial settlement in the system of various forms of protection of rights and interests protected by law, we need to turn to the "core" of this system - the term "protection", which is one of the most controversial in the theory of law.

Some authors mean by the protection of law a system of legal norms aimed at preventing offenses and eliminating the consequences of offenses, or a system of norms defining the forms, methods and terms of restoring violated rights and interests, protecting them from violations in the future [2].

A number of researchers under the protection of law understand the activities of authorized persons and bodies for the implementation of subjective rights and interests protected by law in the event that these rights and interests are disputed or violated by someone.

The analysis of the existing definitions of the concept we are investigating allows us to generalize that the term "protection" can be viewed in two ways: as the activity of authorized subjects aimed at eliminating obstacles in the normal functioning of legal relations, and as the goal of such activity.

In this aspect, protection is treated as a static (goal) or as a dynamic (action) category. But the consideration of one and the same phenomenon as an end and a means of achieving it, in our opinion, is controversial.

If defense is an activity, then it turns out that such an activity is directed at itself. Protection, as a set of legal means, functions to ensure their own protection. With this approach, the defense loses its social and legal purpose.

Private law is an area in which direct interference with the regulatory activities of the state is limited. It provides a certain scope for the autonomy of individuals: a person is free to defend or not defend his property, is free to sue or not to sue; the content of the contract is determined by the agreement of the parties - and the contract is protected by the state authorities only in the event of a claim by a person who has suffered from non-performance of the contract.

Thus, the protection of the violated (disputed) right (legitimate interest) can be carried out independently. A person who is deprived of the opportunity to independently defend his right can turn to the authorities. That is, it is initially assumed that the possibility of state protection is only one of the constitutional guarantees. Note that the allocation of two main forms of protection: self-defense and state protection is rooted in Roman private law.

In the legal literature, there is no consensus on the classification of forms of protection. The existing classifications are based on different criteria. The most common is the opinion about the division of forms of protection depending on the subject carrying out the protection.

Particular attention to proving the independence of the pre-trial form of protection of the right have the target setting of this form of protection. Here, the parties to the dispute pursue two goals



- to resolve a legal conflict (for example, as a result of a claim (making a demand), a violated or contested right can receive legal protection without going to court or to simplify the legal process), and in case of its unsettledness, to be able to apply to the court or another jurisdictional body for the resolution of this dispute and, accordingly, for the protection of the violated right.

It should be noted that many authors, exploring the essence of one or another type of non-jurisdictional form of protection of rights, use the concepts of "permission" and "settlement" as synonyms. We, in turn, will try to resolve the issue of the existence of legal links between these categories and their attribution to a specific legal entity, based on logical methods and generally accepted approaches in word formation.

M.A.Rozhkova points out that the resolution of the dispute is the prerogative of a person empowered to make a decision binding on the parties, who is not a party to the conflict, is independent of the parties and considers the dispute from the position of an impartial judge, and the settlement of the dispute is the end of the dispute by reaching a mutually beneficial consensus that satisfies both disputing parties [3]. The settlement of a dispute, as you know, is achieved by the disputing parties themselves, including with the help of other persons.

That is, if the participants in one or another alternative procedure have the right to perform certain actions (in particular, to make decisions binding on the parties) or to make a decision (legal document) certifying or confirming the right, then we are talking about resolving the dispute. For example, a decision made by an arbitration or arbitration court brings clarity and certainty to the legal relationship of the parties by awarding, recognizing or confirming certain legal facts. Both arbitration and state (arbitration) courts, according to one of the judges of the judiciary in Russia, are linked by one main function - this is to smooth out (correct) all kinds of functional failures in the processes of formation and implementation of a huge set of interrelationships between subjects of economic activity. On our own, we add that the fulfillment of such functions is achieved precisely by resolving disputes from the point of view of law.

The purpose of the court amicable agreement is also the final liquidation of the dispute between the parties, which is associated with the requirements for clarity of its content, complete certainty and unconditionalness of the rights and obligations of the parties established by the agreement.

At the same time, the procedural law takes an absolute position that a decision taken in a dispute between the same persons, on the same dispute and on the same grounds, the ruling on the approval of the settlement agreement is final and excludes the re-examination and resolution of the case.

And most importantly, the resolution of the conflict in favor of one of the parties entails the right to demand compulsory execution (the only exception can be an out-of-court settlement agreement).

The general scientific problem of forms of protection of rights allows us to conclude that pre-trial settlement of legal disputes is an independent legitimate form of protection of the rights and legitimate interests of legal entities, aimed at settling private law and, in cases directly provided for by law, public law conflicts, the classification of which is possible on two grounds: industry affiliation and the nature of the subjects' activities.

References:

1. Grigorieva T.A. Arbitration jurisdiction in modern Russia. Saratov, 2002. p. 93.
2. Abova T.E. Protection of economic rights and interests. M., 1983. p. 261.
3. Rozhkova M.A. Resolution and settlement of commercial disputes // Appendix to the magazine "Economy and Law". 2005. No. 1. p. 8.



ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ОЛИШГА БЎЛГАН ҲУҚУҚИ

Байназарова Гулмира Жумамуратовна
Судьялар Олий мактаби тингловчиси
тел (99) 944 19 77
baynazarovagulmira77@gmail.com

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси ҳукукий-демократик ривожланишининг бугунги кундаги асосий йўналиши ва тамойиллари негизида аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатлари ҳамда халқнинг фаровонлиги ётади.

Калит сўзлар: Конституция ва қонун, давлат дастури, халқ манфаати, давлат таминоти, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий сиёсат, пенсия жамғармаси.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати – давлат ички сиёсатининг йўналишларидан бири сифатида инсонлар учун муносиб турмуш даражасини шакллантириш, инсон капитали, ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш, муҳтож фуқароларга ижтимоий инфратузилмаларни яратиш ва уларнинг доимий нормал фаолият юритишинг бош мезони тушунилади. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириши ижтимоий сиёсат туфайлидир. Бунда давлат ижтимоий сиёсат тараққиёти учун кенг усуллардан фойдаланади, турли ижтимоий дастурларни амалга оширади, молиялаштириш стандартлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларни ишлаб чиқади, қонунлар қабул қилади.

Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш тушунчасининг кенг маъноси давлатнинг ижтимоий йўналиши давлат ва жамият таъминоти орқали жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож шахсларни муносиб қўллаб қувватлашни англатади.

Бугунги кунда «аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» атамаси республика норматив - ҳукукий ҳужжатларини ишлаб чиқишда тобора кўпроқ фойдаланиладиган терминга айланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 14.04.2015 йилги. ПФ-4715 “Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни кўчайтириш ва кўшимча чора тадбирлар ишлаб чиқиш тўғрисида»ги ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.08.2015 й. 237-сонли “Кексаларни, ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаш» қарорларини айтиб утсак бўлади.

Республикада давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири - аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш деб эътироф этилади. Бу соҳани мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришда ижтимоий қўллаб қувватлаш ва пенсия хавфсизлик тизимида дахлдор масалаларга қаратилган давлат дастурлари мунтазам қабул қилиниб борилмоқда.

Дастлаб Ўзбекистонда Пенсия жамғармаси 1991 йил 14 январда собиқ СССР Пенсия жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси бўлинмаси мақомида тузилган. 1993 йил 4 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасига айлантирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996-йил 27-декабрда «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида ташкил этилди. 2001 йил 1 январдан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди.

Пенсия жамғармасининг асосий вазифалари:

- фуқароларнинг ижтимоий таъминотга ва ижтимоий суғуртага бўлган давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш;
- давлат ижтимоий суғуртасига бадал ва ажратмаларни йиғиш ва жамлаш;
- «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» қонунга мувофиқ пенсияларнинг ўз вақтида тўланишига, шунингдек, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тўлаш харажатларини маблағ билан таъминлаш ва пенсия жамғармаси маблағларидан ижтимоий таъминот органлари томонидан тайинладиган пенсиялар;
- болаликдан ногиронларга, давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар;
- вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, шу жумладан, ҳомиладорлик ва туғиш



нафақаси;

- бола туғилганда бериладиган нафақалар;
- дафн маросими нафақалари;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ, Пенсия жамғармасидан маблағ билан таъминланадиган бошқа тўловлар берилади.

Пенсия лотинча «PENSIO» сўзидан олинган бўлиб «тўлов» деган маънони англатади. Шундай қилиб, пенсия таъминоти моддий хавфсизликнинг пул шакли бўлиб, ишга лаёқатсиз бўлиб қолган одамлар учун ёши, ногиронлиги ёки боқувчисини йўқотганлиги туфайли берилади.

Бугунги кунда пенсия ёши Ўзбекистон Республикасида нафақат Европа, Америка, Осиё мамлакатлари орасида, балки МДХ давлатлари ичида ҳам энг кичик ҳисобланиб, муддатидан аввал пенсияга чиқиш ҳукукини ҳисобга олган ҳолда, ўртача эракларда 58 ёшни, аёлларда эса 53 ёшни ташкил этади. Муддатидан аввал пенсияга чиқиш ҳукуки ҳисобга олинмаганда эса, эраклар 60 ёшда, аёллар 55 ёшда пенсияга чиқиши мумкин бўлади.

Президентимизнинг жорий йилги давлат дастурига оид фармони билан қатор соҳалар каби пенсия таъминоти ҳам ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони билан давлат Дастури тасдиқланди.

Фармонда пандемия шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ижтимоий адолатни таъминлаш, талаб юқори бўлган касблар бўйича иқтидорли мутахассисларни нуфузли хорижий таълим муассасаларида тайёрлаш каби вазифаларни амалга ошириш белгиланган.

Биргина пенсия тайинлашни оладиган бўлсак, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида бир қатор тартиблар белгиланмоқда. Таъкидлаш лозим, пенсия таъминоти тизими меҳнатга лаёқатсиз ва камбағал фуқароларнинг турмушини яхшилашга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилишини назарда тутди. Шу маънода, фармоннинг 10-бандига асосан пенсиялар тайинлаш ва тўлашда 2021 йил 1 июндан бошлаб қуйидаги тартиб жорий қилинади:

- пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр – 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар асосида ҳеч қандай тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади;

- пенсия ҳисоблашда иш стажини ҳисоблаш учун пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган шахснинг 2005 йилгача бўлган меҳнат стажини тасдиқлайдиган қўшимча ҳужжатларни (давлат архивидан олинadиган маълумотнома, тегишли вазирлик ва идоралардан олинган ишга киргани, ишдан бўшагани ҳақидаги буйруқлар ва бошқа ҳужжатлар) талаб қилиш тартиби бекор қилинади;

- уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади; ишловчиларга ишламайдиган турмуш ўртоғи келгусида пенсия таъминотига эга бўлиши учун ўз даромадидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳукуки берилади;

- пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади.

Бу билан фуқароларимизга бир қанча қулайликлар яратилади. Жумладан, фуқаро вилоятда доимий яшаётган (прописка), бироқ Тошкент шаҳрида вақтинча рўйхатдан ўтган бўлса пенсия тайинлаш ёки тўлаш учун вилоятга бориш билан боғлиқ оворагарчилиги бартараф этилади.

Пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида пластик карта очиш жараёнида ёки банк мобил иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади.

Фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳукуки йўқолганини вазирлик ва идоралар тақдим эта-



диган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали тўловларни нақд пулсиз олувчилар учун ҳар олти ойда пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ёки жойига чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади. Бу билан ҳар ойда 192-200 мингдан ортиқ фуқаро оворагарчилигининг олди олинади.

Фармоннинг 11-бандига кўра пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида 2021 йил 1 февралгача аниқланган ортиқча тўлов қарзи ҳисобдан чиқарилади.

«Конституциямизда аҳолининг муҳим ижтимоий ҳуқуқи сифатида кафолатланган пенсия таъминоти келгуси йилларда ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолади», - дея таъкидлаб ўтганди давлат раҳбари.

Хулоса қилиб айтганда, дастурда белгиланган бу каби қулайликлар аҳоли сарсон бўлишининг олдини олишга, давлатдан розилик ҳиссини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 14.04.2015 йилги ПФ-4715 “Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни кўчайтириш ва қўшимча чора тadbирлар ишлаб чиқиш тўғрисида»ги Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.08.2015 й. 237-сонли “Кексаларни, ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаш» қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури



ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРИ

Бахромова Нилуфар Хошимовна

Тошкент давлат юридик
университети магистри
+998977369779

Аннотация. Мақолада электрон тижоратнинг ривожланиш жараёнлари, электрон тижорат тушунчаси ҳамда унинг ўзига хос белги ва хусусиятлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: электрон тижорат тушунчаси, электрон тижоратни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш, электрон тижоратнинг C2C, B2C, B2B, B2G, C2G, B2E моделлари.

Ҳозирги вақтда Интернет жамиятнинг кундалик ҳаётига юқори тезлик билан кириб, унинг ажралмас қисмига айланмоқда. Интернет муносабатлари эса ҳозирги кунга қадар тўлиқ тартибга солинмаган ва ўз навбатида бу муносабатлар ривожланиб, янги кўринишларда намоён бўлмоқда, жумладан электрон тижорат, электрон рақамли имзо, ахборот олиш ва тарқатиш, спам, домен номларига бўлган ҳуқуқлар, электрон пуллар ва бошқа муносабатлар мисол бўла олади.

Бугунги кунда электрон тижорат билан шуғулланувчи компанияларни сони дунёда кундан кунга ошиб бормоқда. Чунки, электрон тижорат давлатга ҳам, тадбиркорларга ҳам ҳатто харидорларга ҳам жуда қулай ҳисобланади. Электрон тижорат дастлаб 1960 йилларда АҚШда вужудга келган бўлиб, унинг биринчи кўринишлари АҚШнинг транспорт логистик компаниялари чипталар сотувида ва маълумотлар алмашинувида фойдаланилган. Электрон тижоратни яна бир кўриниши 1970 йилларда Буюк Британияда савдо соҳасида қўлланилган¹.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб кўпгина компаниялар, асосан Америка Қўшма Штатларида автоматлаштириш тизимларини яратишга киришди ва автоматлаштиришни ривожлантириш устида иш бошланди ва 1960-йилларнинг ўрталарида кредит карталари ҳам пайдо бўлди ва кенг тарқала бошлади, бу кейинчалик ёпиқ электрон тармоқларида миқдорларнинг банк операцияларини ўтказиш тизимлари пайдо бўлишига олиб келди.

Ушбу даврда ARPA (Advanced Research Project Agency) компьютер тармоғини яратиш устида иш бошланди. Мазкур тармоқ 1980 йилда ахборотни узатиш TCP/IP протокоliga тўлиқ ўтди ва бу Интернет тармоғининг пайдо бўлишига замин яратди. 1980-йилларнинг ўрталарида EDIFACT (Electronic Data Interchange for Administration, Commerce and Transport – бошқарув, тижорат ва транспортда электрон маълумотларни айирбошлаш) халқаро стандарти пайдо бўлди ва ISO томонидан қабул қилинди (ISO 9735).

Ушбу стандартдан фойдаланиш электрон телекоммуникация воситалари ёрдамида тижорат фаолиятини олиб бориш жараёнларини сезиларли даражада соддалаштирди ва интернетда электрон тижоратни ривожлантиришнинг афзалликларини англаб етган EDI таҳлилчилари томонидан EDIINT (EDIFACT over Internet) стандарти яратилди². 1989 йилда Тим Бернерс-Ли (Tim Berners-Lee) Женевадаги Европа элементар зарралар физикаси маркази (CERN)да ишлаш жараёнида глобал гиперматн тизими – World Wide Web (WWW) стандартини ишлаб чиқди. Ушбу йўналишда ишлаш Интернет тармоғининг асосий транспорт протокоliga айланган http протоколи яратилишига олиб келди.

1990 йилда Интернетни Америка Қўшма Штатлари ҳарбий идораси ва олимларнинг эҳтиёжларини кондириш учун мўлжалланган тармоқдан очиқ глобал тармоққа ва жаҳон иқтисодиётининг таркибий қисмига айлантириш жараёни бошланади. 1990 йилгача Интернетдан тижорат мақсадларида фойдаланиш АҚШ Миллий илмий жамғармаси (National Science Foundation, NSF)нинг тегишли регламенти билан тақиқланган эди, аммо 1990 йилда Интернетни қўллаб-қувватлаш ва ундан фойдаланишга йирик хусусий корпорациялар қўйилди. Кейинчалик Америка Қўшма Штатлари ҳукумати федерал тузилмалар ихтиёрида

¹ Дик В.В., Лужецкий М.Г., Родионов А.Э. Электронная коммерция. – Москва, 2005. С.25-28.

² Ревина С.Ю. Становление и тенденции развития электронной коммерции: на примере США. Дис. ... канд. эконом. наук. – М., 2004. –С.89-91.



бўлган Интернетни маъмурий бошқариш функцияларини хусусий шахслар қўлига топширди. Бу Интернетни тижорат шартларида етказиб берувчилар ва ундан фойдаланувчилар доирасининг кенгайишига имконият яратди, ушбу глобал тармоқ тез орада бутун дунёдаги миллионлаб компьютерлар юз миллионлаб одамларни бир-бири билан боғлади¹.

Хусусан, 1960-йилларнинг ўрталарида бошланган корхона ресурсларини бошқариш тизимларини ривожлантириш жараёни 1990-йилларнинг бошида ўз давомини топади (MRP, MRP II). Дастлабки ERP-тизимлар – корхона ресурсларини режалаштириш тизимлари пайдо бўлади. Тизимларнинг олдинги туркумлари ишлаб чиқариш корхоналари учун мўлжалланган бўлса, ERP-тизимлар ҳар қандай соҳада қўлланилиши мумкин, молиявий таҳлил, бизнес-интеллект қобилятларига эга эди, яъни 90-йилларда Netscape, Yahoo!, Amazon, интернет-трейдинг, электрон тўлов тизимларининг вужудга келиши билан ҳам тавсифланса, 90-йилларнинг охирида электрон тўлов тизимлари ва интернет хизматлари фаол ривожлана бошлайди ҳамда 2000-йилларнинг бошида электрон тижорат тизими ишга туширилди ва у бугунги кунда жадал ривожланмоқда.

Электрон тижоратнинг ривожланиш жараёни тарихини ўрганиш бу электрон тижорат соҳаларининг аксариятида инқилобий технологик ўзгаришлар босқичидир, деган хулосага келиш имконини беради. Кейинги босқичда янги технологияларни амалга кенг жорий этиш, улардан фойдаланишдан барқарор иқтисодий самара олиш бошланади. Яна шуни қайд этиш мумкинки, мазкур босқичда фаннинг роли мавжуд техник-иқтисодий ва ҳуқуқий воситаларни тизимлаштириш ҳамда улардан биргаликда фойдаланиш комплекс тизимларини яратишдан иборат.

Ҳозирги вақтда электрон тижорат чет эл мамлакатларида жадал суръатларда ривожланмоқда. Чет эллик сотувчилар ва истеъмолчилар Интернет савдо майдончаларида товарлар билан олиш-сотиш ва хизматлар кўрсатиш битимларини тузиш орқали бир-бирлари билан фаол ўзаро алоқа қилмоқдалар. Европа ва Америка Қўшма Штатлари аҳолиси Интернет-дўконлардан айниқса кенг фойдаланмоқда. 2009–2010 йилларда В2С ўзаро алоқа модели доирасида электрон тижоратнинг даромаддорлик даражаси сезиларли даражада кўпайди.

Электрон тижорат соҳасида товар айланмаси айниқса кенг бўлган мамлакатлар бешлигига Буюк Британия, Германия, Франция, Испания ва Россия киритилди. Бугунги кунда Хитойда электрон савдо иқтисодиёт соҳаси бўлиш билан бир қаторда, иқтисодий ўсиш омилига ҳам айланган.

“Электрон тижорат” атамаси – бу тахминан 1993 йилдан эътиборан компьютер тармоқлари ёрдамида амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятни ифodalаш учун аввал оммавий ахборот воситаларида, кейинчалик эса махсус адабиётларда ҳам қўлланила бошланган бўлиб, инглизча «electronic commerce» иборасининг сўзма-сўз таржимасига эътибор қаратадиган бўлсак, бу ерда гап қандай компьютер тармоқлари ҳақида бориши ва улар мазкур жараёнда қай тарзда иштирок этиши хусусида тадқиқотчилар бир тўхтамга келганлари йўқ. Айни вақтда, компьютер тармоқларининг тури ва уларнинг тижоратдаги иштироки хусусида ягона нуқтаи назар мавжуд эмас². Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, электрон тижорат атамаси анча олдин, йирик ташкилотлар ўзаро транзакцияларда электрон маълумотларни айирбошлаш (electronic data interchange) технологияларидан, банклар эса – пул маблағлари электрон ўтказмаси (electronic funds transfer)дан фойдалана бошлаган, аммо юридик тадқиқотларда «electronic commerce» атамаси фақат 90-йилларнинг ўрталаридан эътиборан қўлланила бошлаган, айнан шу даврда мазкур ҳодисадан фойдаланиш истисно ҳолатдан меъёрга айланган ва бу тегишли ҳуқуқий базани яратишни талаб қилган.

Аммо шу нарса шак-шубҳасизки, юридик тадқиқотларда «electronic commerce» атамаси ва унинг таржималари фақат электрон тижоратга Интернет тармоғи жалб этилгандан кейин, яъни 1990-йилларнинг ўрталаридан эътиборан фаол қўлланила бошлади, чунки айни шу даврдан бошлаб мазкур ҳодиса истисно ҳолатдан қоидага айланди ва тегишли ҳуқуқий

¹ Новомлинский Л. Электронная Коммерция. Тенденции развития в мире и в России. // http://www.tops.ru/publishing/pub_007.html.

² Попов В.М., Маршавин Р.А., Ляпунов С.И. Глобальный бизнес и информационные технологии. Современная практика и рекомендации / Под ред. В.М. Попова. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 55-б.



тартибга солишни талаб қилди¹.

Электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солишни бирхиллаштириш ва мазкур соҳада ягона атамаларни ишлаб чиқишда халқаро ташкилотларнинг хизмати катта. Бу ерда гап энг аввало Итқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ), Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) ҳақида боради, аммо ҳар бир ташкилот ўз тадқиқотларини мустақил равишда олиб боргани боис, улар таклиф қилган таърифлар ўртасида фарқлар мавжуд:

– ИХРТнинг “OECD Policy Brief No. 1-1997: Electronic Commerce” ҳужжатида мувофиқ, электрон тижорат – бу “ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган, рақамли маълумотларга, шу жумладан матнли, аудио ёки видеоахборотга ишлов бериш ва уларни очиқ тармоқ (Интернетга ўхшаш) ёки очиқ тармоққа уланиши мумкин бўлган ёпиқ тармоқлар (America Online ёки Minitel сингари) орқали узатишга асосланган тижорат операцияларидир”. БСТнинг Бош Ассамблея томонидан 1998 йил 25 сентябрда қабул қилинган Электрон тижорат бўйича ишчи дастурига мувофиқ, электрон тижорат – бу “товарлар ва хизматларни электрон алоқа воситалари ёрдамида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, маркетинг, сотиш ёки етказиб бериш”².

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси томонидан ишлаб чиқилган 1996 йилги “Электрон тижорат тўғрисида”ги Намунавий қонун (“Model Law on Electronic Commerce”)да мазкур атамани кенг талкин қилиш, у ҳам шартномавий, ҳам шартномадан ташқари савдо муносабатларининг барчасидан келиб чиқадиган масалаларни қамраб олишига эришиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Намунавий қонунга мувофиқ, электрон тижорат олди-сотди доираси билан чекланмаслиги керак, чунки у электрон воситалар ёрдамида Интернет ёки электрон тармоқлар орқали тузиладиган бир қатор фуқаролик-ҳуқуқий тижорат битимларини қамраб олади³.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1996 йил 16 декабрдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) томонидан қабул қилинган “Электрон савдо тўғрисидаги Намунавий қонун” ва Қабул қилиш бўйича қўлланма” А/51/628-сон Резолюциясида электрон тижорат “электрон маълумотларни айирбошлаш ҳамда ахборотни узатиш ва сақлашнинг қоғозли шаклларига муқобил усуллардан фойдаланишни назарда тутадиган бошқа маълумотларни узатиш воситалари ёрдамида тузиладиган битимлар” сифатида таърифланган⁴.

Европа комиссияси электрон тижоратни одатда ҳақ эвазига электрон усулда ва хизматларни олувчининг алоҳида талабига биноан кўрсатиладиган дистанцион хизматлар сифатида таърифлайди. Шунга кўра, халқаро ҳуқуқда “электрон тижорат” атамасига таъриф беришга нисбатан турли хил ёндашувлар мавжуд, шунингдек мазкур тушунчанинг бир хиллаштирилган таърифи мамлакатимиз амалиётида ҳам, хорижий амалиётда ҳам ҳали-ҳануз мавжуд эмас.

Шундай қилиб, электрон тижорат – бу тижорат фаолиятини олиб бориш ва битимлар тузиш, шу жумладан ким ошди савдосини ўтказишнинг ҳамкорлар, банк, товарларни етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасида ўзаро алоқа воситаси сифатидаги электрон тизимлар ва Интернет тармоғи ёрдамида амалга ошириладиган техник ва ташкилий шакллари йиғиндисидир.

Битим жараёнида ўрнатиладиган бизнес-муносабатларнинг турига кўра электрон тижо-

¹ Васильева Н.М. Электронная коммерция как правовая категория [Электронный ресурс] Электронный портал «E-commerce law» – Режим доступа: <http://ecommercelaw.ru/elektronnaya-kommerciya-kak-pravovaya-kategoriya.html>.

² OECD Policy Brief No. 1-1997: Electronic Commerce. Organization for Economic Co-operation and Development. Retrieved March 7, 2000 on the World Wide Web: [Электронный ресурс] Official site «Organization for Economic Co-operation and Development» – Режим доступа: http://www.oecd.org/publications/Pol_brief/9701_Pol.htm.

³ WT/MIN(98)/DEC/2, 25 May 1998, (98-2148), Ministerial Conference, Second Session, Geneva, 18 and 20 May 1998, Declaration on Global Electronic Commerce, Adopted on 20 May 1998 // [Электронный ресурс] Official site «World Trade Organization» – Режим доступа: http://www.wto.org/english/tratop_e/ecom_e/wkprog_e.htm.

⁴ Типовой закон об электронной коммерции Комиссии ООН по праву международной торговли 1996 г., утвержденный резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН № 51/162 от 16.12.1996 // Издание Организации Объединенных Наций. – 2006. – Ст.75.



ратнинг куйидаги типлари фаркланади: Consumer-to-consumer (C2C) – турли хусусий шахслар ўртасида электрон тижорат. Одатдаги мисол – электрон ким ошди савдоси: унда айрим хусусий шахслар бошқа хусусий шахслар сотиб олишлари учун мўлжалланган товарлар ва буюмлар (антиквариат, коллекцион буюмлар ва ш.к.)ни сотувга қўйишлари мумкин.

Business-to-consumer (B2C) – харидорлар сифатида асосан хусусий шахслар амал қиладиган электрон тижоратдир. Масалан, китоблар, рўзғор электрон жихозлари ва ҳоказолар билан савдо қиладиган Интернет-дўкон, Business-to-business (B2B) – корхоналар ўртасидаги электрон тижорат бўлиб, бундай тизимлардан одатда корхоналарни таъминлашни ташкил этиш ва тайёр маҳсулотни сотиш (procurement) учун фойдаланилади. Business-to-government (B2G) – корхоналар билан давлат муассасалари ўртасидаги электрон тижоратдир. Давлат электрон тизимлари (e-government) корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларга давлат (ҳукумат) ахборотини Интернет орқали бериш учун мўлжалланган. Бундай тизимлар амалда давлат тузилмалари ва идоралари фаолиятининг “интернетлашуви”ни ўзида ифодалайди. Масалан, иммиграция ва солиқ хизматларининг Интернет-сайтлари, consumer-to-government (C2G) – бу йўналиш ҳали унча ривожланмаган, лекин кенг имкониятларга эга: ундан ҳукумат ва истеъмолчининг ўзаро алоқасини ташкил этиш учун фойдаланилиши мумкин.

Business-to-employee (B2E) – бу корпорацияларнинг ички электрон бизнес тизимлари бўлиб, улар компания ходимлари ишини ташкил этиш ва ходимлар, айрим тузилмалар ёки бўлинмаларнинг қўшма бизнес-фаолиятини олиб бориш имконини беради. Одатда, бундай тизимлар корпорациянинг ички тармоғи – Интернетда фаолият кўрсатади, лекин уларга сиртдан Интернет орқали уланиш мумкин. Электрон тижоратнинг икки тури – B2B ва B2C айниқса кенг тарқалган.

Интернет компаниялар ўртасидаги электрон тижорат (B2B модели)га айниқса кучли таъсир кўрсатади. Forrester Research таҳлил фирмаси маълумотларига кўра, бизнес учун on-line режимидаги савдо (B2B) ҳажми B2C сектори учун шундай кўрсаткичдан тахминан 10 барабар кўп. B2B модели бўйича электрон тижорат билан шуғулланадиган корхоналар турли йўллар билан даромад оладилар: улар товарлар ва хизматларни сотиш учун сайтларни ташкил этишда бошқа корхоналарга ёрдам кўрсатишлари, ким ошди савдоларида маклерлик қилишлари ва ҳар бир сотувдан фоизлар олишлари, шунингдек бошқа ташкилотларга рекламани жойлаштириш учун ўз Web-сайтларида жой беришлари мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кирар экан ва ўзининг жадал ривожланиш босқичида ахборот технологияларини ривожлантириш, ахборотлаштирилган жамиятни қуриш, ахборот ва ахборотлаштириш хавфсизлигини таъминлаш, ахборотлаштиришни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнига ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда.

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиёти тизимида интеграциялашуви тегишли технологияларни нафақат ташқи бозорда, балки ички бозорда ҳам амалга жорий этилишини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ревина С.Ю. Становление и тенденции развития электронной коммерции: на примере США. Дис. ... канд. эконом. наук. – М., 2004. – С.291.
2. Дик В.В., Лужецкий М.Г., Родионов А.Э. Электронная коммерция. – Москва, 2005. С.258.
3. Новомлинский Л. Электронная Коммерция. Тенденции развития в мире и в России. // http://www.tops.ru/publishing/pub_007.html.
4. Попов В.М., Маршавин Р.А., Ляпунов С.И. Глобальный бизнес и информационные технологии. Современная практика и рекомендации / Под ред. В.М. Попова. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 155-б
5. Васильева Н.М. Электронная коммерция как правовая категория [Электронный ресурс] Электронный портал «E-commerce law» – Режим доступа: <http://ecommercelaw.ru/elektronnaya-kommerciya-kak-pravovaya-kategoriya.html>.
6. Медведева В.А. “Электронная коммерция предпринимательской деятельности, Автореферат. – Москва, 2004. – 28 б.
7. Копачев А.А. “Электронная коммерция как фактор инновационного развития деятельности предприятия, Автореферат. – Санкт Петербург, 2009. – 39 б.



КУРИЛИШ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ ВА УНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Мамирова Алломахон Уразалиевна
Судьялар Олий мактабининг тингловчиси

Аннотация: Ушбу тезисда курилиш пудрат ишларини тўғри амалга ошириш масалалари, пудрат шартномаси талабларини нотўғри бажариш ва уни бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари баён қилинган.

Калит сўзлар: пудрат шартномаси, буюртмачи, пудратчи, хўжалик судлари.

Давлатимиз тараққиётида улкан ўзгаришларни амалга оширишда бозор иқтисодиётининг асосларини яратиш ва унинг ҳимоясини таъминлашга катта эътибор қаратди. Бунда тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатлар ҳимояси юзасидан қонунчилик базасини шакллантириш асосий вазифалардан бири эканлиги яққол кўринди.

Маълумки, курилиш пудрати ишларини бажариш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Шаҳарсозлик кодекслари, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Курилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тартибга солинади.

Курилиш пудрати ишларини бажаришда инвестицияларнинг киритилишига таянган ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларини яратиш, асосан курилиш соҳаларига инновацион технологиялар орқали курилиш мажмуини бошқариш тизимини янгилаш ва ривожлантириш ҳозирги даврнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланмоқда.

Айни пайтда курилиш пудрати ишларини бажариш шартномаси унда иштирок этувчи шахсларнинг ишларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, уларни бажариш усулларини аниқлаш, томонларнинг шартнома юзасидан масъуллигини ошириш, давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш, томонларга ишончли кафиллик яратишнинг ҳуқуқий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Курилиш пудрати билан боғлиқ шартномавий муносабатларни амалга ошириш ва тартибга солиш учун қонунчилик базаси яратилган. Унга биноан мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар («буюртмачилар») ва пудратчи ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириши, қонун ва шартнома шартлари асосида ўз зиммаларига юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши зарур.

Курилиш пудратига оид шартнома муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг хўжалик судлари томонидан амалиётга татбиқ этилишини такомиллаштириш, курилиш пудрати соҳасида келиб чиқаётган низоларни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини татбиқ этишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Курилиш пудрати ишларини бажаришга қаратилган шартномаларни тузиш ва ижро қилишда шартноманинг ўзига хос хусусияти ва курилиш пудрати ёки бошқа турдаги пудрат шартномаларининг белгиларини ҳисобга олиш лозим. Бу ҳолатлар шартнома субъектларининг курилиш пудрати билан боғлиқ барча масалаларини жиддий ва чуқур билишни талаб этади. Бу эса хўжалик судлари томонидан курилиш пудрати билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишдаги муаммоларни бартараф этиш ва уни қўллашнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Буюртмачи ва пудратчи бир-бири билан ўртада юзага келган бир низоли моддий-ҳуқуқий муносабат бўйича боғлиқ бўлиб, улар низоли ҳолатни суднинг аралашувисиз мустақил ҳал қила оладилар, масалан, талабнома юбориш орқали. Шунда ҳам низо ўз ечимини топмаса, у ҳолда ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган деб ҳисоблаган шахс суд органига мурожаат этишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 12-сентябрдаги 395-сон қарорига асосан шартномани



бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Хўжалик судларида қурилиш пудрати ишларини бажариш билан боғлиқ шартномалар юзасидан даъво қўзғатиш ҳуқуқи буюртмачи ва пудратчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини биринчи инстанция судида ҳимоя қилишнинг процессуал воситаси сифатида кўрилади. Даъво қўзғатувчи шахс судга мурожаат қилишдан олдин ўз талабини ихтиёрий равишда қаноатлантирилиши тўғрисида мажбурият субъектига талабнома билан мурожаат қилади, ташкилотларнинг талаби қаноатлантирилмаса ёки қисман қаноатлантирилган бўлса ёхуд талабга жавоб бермаса, манфаатдор шахс (буюртмачи ёки пудратчи) бузилган ёки низоли ҳуқуқнинг ёхуд қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатнинг кўриқланиши тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилади.

Суд иш юритувида буюртмачи ёки пудратчи субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи воситалардан бири сифатида даъво тан олинади. Даъво ишида муайян ҳуқуқ тўғрисидаги низо ҳал қилинади ва шу муносабат билан даъвогарнинг талаблари ҳамда жавобгарнинг эътирозлари қанчалик қонуний ва асослиги эканлиги текширилади. Оқибатда суд даъвони (даъвогарнинг жавобгарга бўлган талабини) бутунлай ёки қисман қаноатлантиради ёинки даъвони рад этади (даъвогарнинг талаби қайтарилади).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси.
3. М.Насуллаев Айрим туркумдаги хўжалик ишларини судда кўриб чиқиши.
4. М.Насуллаев Хўжалик ишларини тааллуқлиги ва судловлиги.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Хамроев Элдор Отамуродович
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси
мустақил изланувчиси
eldor7101@gmail.com

Аннотация: Мақолада тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳрида давлат бошқарувини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Муаллиф томонидан Республиканинг бошқа маъмурий ҳудудий бирликларига нисбатан Тошкент шаҳри давлат ҳокимияти ва бошқарувини амалга оширишда ўзига хос функцияларга эга эканлиги тўғрисида хулосага келинган.

Калит сўзлар: давлат ҳокимияти, давлат бошқаруви, олий орган, марказий орган, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Тошкент шаҳри, пойтахт, ҳуқуқий мақом.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ва бошқарувининг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар билан белгиланади.

Гарчи қонунчиликда расман белгилаб қўйилган бўлмаса-да, уларда белгиланган нормалардан Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиш шаклига кўра таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси мавжуд бўлган унитар давлат эканлиги англашилади. Шунга кўра Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти оргаларининг икки поғонали тизими мавжуд: 1) давлат ҳокимиятининг олий ва марказий органлари; 2) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари. Албатта, мазкур таснифлашни фақат назарий жиҳатдан тўғри деб ҳисоблаш мумкин бўлиб, қонунчиликда айтилган шу мазмундаги норма тўғридан-тўғри назарда тутилмаган.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд ва Олий судни **Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органлари**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сонли Фармонида мувофиқ[1] вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар ва инспекциялар, шунингдек Конституция ва бошқа қонунлар асосида фаолият юритадиган Марказий сайлов комиссияси, Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура, Марказий банк, Давлат хавфсизлик хизмати, Судьялар олий кенгаши, Миллий гвардия, Олий аттестация комиссияси каби органларни **Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг марказий органлари** деб ҳисоблашимиз мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам 2 гуруҳга бўлинади: маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари[2].

Республика давлат бошқаруви органларининг аксарияти ўзининг ҳудудий бўлинмаларига эга (баъзилари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, айримлари туман ва шаҳарларда). Шунингдек, бир неча ҳудудий тузилмаларни ўз ичига олувчи округлар, туманлараро тузилмалар ҳам мавжуд. Ушбу тузилмалар, қоида тариқасида, икки томонлама (юқори ва вертикал) бўйсунувга эга бўлиб, ҳоким бошчилик қиладиган **маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари** тизимига киради.

Халқ депутатлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари эса **маҳаллий вакиллик органларини** ташкил қилади.

Умуман, давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этишда умумий қоида сифатида Тошкент шаҳрининг вилоятларга тенглаштирилганлигини кўриш мумкин. Бироқ, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқорида кўрсатилган тизими Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳрида айрим ўзига хос хусусиятларга эгаллигини кўриш мумкин.

Биринчидан, айрим давлат бошқаруви органларининг Тошкент шаҳридаги тузилмалари бошқа ҳудудлардаги тузилмалардан фарқ қилади.



Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ–5050-сон қарорига мувофиқ[3], Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ушбу ҳудудлардаги ички ишлар ва бошқа ваколатли органларнинг мавжуд куч ва воситаларини ягона “пойтахт минтақаси” тамойили асосида сафарбар қилишга қаратилган тизим яратилган.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш каби вазирликларда уларнинг Тошкент шаҳридаги бўлинмалари вилоят бошқармаларидан фарқ қилган ҳолда “бош бошқарма” мақомига эга.

Иккинчидан, айрим давлат бошқаруви органларининг Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмаси бошлиғига бошқа ҳудудий бўлинмалар раҳбарларида бўлмаган алоҳида мақом берилади.

Масалан, бугунги кунда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи бир вақтнинг ўзида Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари[4], Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи бир вақтнинг ўзида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари[5] ҳисобланади.

Учинчидан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Тошкент шаҳар ҳокимига бошқа ҳудудлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларига нисбатан кўшимча вазифа, функция ва топшириқлар берилади.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 июлдаги 550-сон қарорининг 8-бандида[6] Тошкент шаҳар ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг буюртманомалари бўйича янги очиладиган дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш учун кўшимча зарур бинолар ва хизмат хоналари ажратилишини таъминлаш топширилган.

Тўртинчидан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг тузилмаси бошқа ҳудудлардаги ҳокимликлар тузилмасидан фарқ қилади.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 606-сон қарорига асосан[7], Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Мустақиллик майдонини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва сақлаш департаменти ташкил этилган.

Бешинчидан, айрим давлат бошқаруви органлари тизимида вазифалар тақсимооти Тошкент шаҳрида бошқа ҳудудларга нисбатан фарқ қилади.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 7-банди “а” кичик бандига кўра[8], объектларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсатномалар бериш бўйича ваколатли орган – барча ҳудудларда туман (шаҳар) қурилиш бўлимлари, Тошкент шаҳрида эса Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ҳисобланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар Тошкент шаҳрида давлат ҳокимияти ва бошқарувини амалга оширишда айрим функцияларнинг вилоятларга нисбатан бошқачароқ тартибда тақсимланганлигини кўрсатади.

Бу эса, Тошкент шаҳрининг Ўзбекистон Республикаси пойтахти сифатида ўзига хос хусусиятларга эгалигидан далолат берувчи яна бир муҳим омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни, www.lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ–5050-сон “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратининг ташкилий тузилмаси, www.lex.uz

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги ПФ-5515-сон Фармони билан тасдиқланган Тошкент шаҳар ижро ҳокимияти органларининг намунавий



тузилмаси, www.lex.uz

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 июлдаги 550-сон “Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотларга хизмат кўрсатишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, www.lex.uz

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 606-сон “Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Мустақиллик майдонини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва сақлаш департаментини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, www.lex.uz

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сон “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, www.lex.uz.



ДАЪВО МУДДАТИ ТУШУНЧАСИ ВА ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТИ

Юлдашев Фазлиддин Эшқувватович,
Судьялар олий мактаби Иқтисодий
ҳуқуқий фаолият йўналиши тингловчиси
Телефон: +998881877600

Аннотация: мақолада даъво муддатини тушунчаси, турлари, процессуал оқибати ҳамда соҳага оид халқаро ҳужжатлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: муддатлар, даъво муддати, умумий ва махсус даъво муддати, даъво муддати узилиши, тўхтатилиши ва халқаро конвенция.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига бағишланган бобида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги, аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва **муддатлар**да кўриб чиқилиши шартлиги қайд этилиб, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муддатларининг бир тури даъво муддати ҳисобланиб, шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўладиган муддатга даъво муддати деб эътироф этилади.

Муддатнинг қонун нормаси билан қатъий белгилаб қўйилиши шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя этиши учун шахсга бериладиган имконият бўлиб, ушбу муддат давомида ҳуқуқларининг амалга оширилишини талаб қилмаса, ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш имкони йўқотилиши тўғрисида огоҳлантиради.

Шахс ҳуқуқларини тўлақонли ва ўз вақтида ҳимоя қилиш мақсадида даъво муддати умумий ва махсус кўринишга эга.

Умумий даъво муддати – қонун ҳужжатларида олдиндан белгилаб қўйилган ва алоҳида тартибни назарда тутувчи муддатлар қўлланилмайдиган, иштирокчиларининг барчаси учун уч йил қилиб белгиланган муддат.

Махсус даъво муддати эса қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри кўрсатилган талабларга нисбатан қўлланилади.

Хусусан, юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган (ФКнинг 724-моддаси), низолар бўйича бир йил, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддаси), низолар бўйича икки ой, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни ҳақиқий эмас деб топиш, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш («Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддаси), ҳақидаги низолар бўйича бир йил, махсус даъво ишга тиклаш низолари бўйича ходим меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб **бир ой**, ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича зарар етказилгани иш берувчига маълум бўлган кундан **бир йил** этиб белгиланган.

Бугунги кунда амалиётда меҳнат низолари бўйича дастлабки мурожаат прокуратура, меҳнат бўлимлари ёхуд бошқа ваколатли идораларга келиб тушмоқда, ушбу органларда мурожаатларнинг ўрганилиши даъво муддатини тўхтатиб турмаслиги қонун ҳужжатларидаги муддатни ўтишига олиб келиб, кейинчалик судга киритган даъвосини рад этилишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, махсус даъво муддатида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу ҳуқуқларни ўз вақтида амалга оширишига шароит яратиш мақсадида қисқартирилган муддатлар ҳам белгиланиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган



шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда жойлаштириш тўғрисидаги ариза ушбу муассаса тиббий комиссиясининг тиббий текширувдан бўйин товлаётган шахсни ғайриихтиёрий тартибда жойлаштириш зарурлиги ҳақидаги хулосаси қабул қилинган кундан эътиборан **бир сутка ичида, янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарор**, ажрим ёки қарорни қайта кўриш ҳақидаги ариза қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан **3 ой муддат ичида** берилиши қайд этилган.

Мазкур даъво муддатлари ўтказиб юборилган тақдирда суд тарафларнинг даъво муддатини қўллаш ҳақидаги талабига мувофиқ аризани рад этиши мумкин.

Даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқларини бузилганини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб ўтишни бошлайди. Даъво муддатини қўллашга фақатгина судлар ҳақлидир. Бироқ, бу судлар ўз ташаббуси билан даъво муддатини қўллайди деган эмас. Суд фақатгина тарафлардан бирининг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги талаби (илтимоси) бўйича ушбу қоида қўллайди.

Фаол инвестицион сиёсат, давлатлар ўртасида тобора интеграциялашув ҳамда экспорт жараёнлари муддат масаласида ҳам халқаро ҳужжат ишлаб чиқишни тақозо этиб, «Товарлар халқаро олди-сотдиси бўйича даъво муддати тўғрисида»ги конвенция муҳим халқаро ҳужжат сифатида фойдаланилмоқда.

Ушбу Конвенция товарлар халқаро олди-сотди шартномалари, товарлар халқаро савдони бошқариш, ҳамда халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги қоидалар билан боғлиқ муддатларни тартибга солади. Мазкур Конвенцияни Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 30 августда ратификация қилган.

Ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси билан мурожаат қилаётган томон даъво муддатларига қатъий риоя этиши, акс ҳолда ушбу муддатларга риоя этилмаган ҳолда берилган аризалар бўйича давлат божлари қайтарилмаслигига саваб бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида тарафларни моддий жихатдан ҳам ортиқча чиқим қилишига олиб келади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, даъво муддатларининг белгиланиши юридик шахслар ва фуқароларнинг, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини кўриқлашга, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга, судлар томонидан эса низоларни қонуний ва адолатли ҳал этиш, иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш, холисликни таъминлаш ҳамда асосли қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади.



АЙРИМ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ-ИЖРО ҚОНУНЧИЛИГИДА МАҲКУМЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Матчанов Фахриддин Курамбой ўғли,
Тошкент давлат юридик университети ходими,
E-mail: matchanovfaxriddin@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада маҳкумларни жазони ижро этиш ва ўташ тартибига доир ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибалари ёритилган. Хусусан, жазони ижро этиш ва ўташ тартибини белгилайдиган қонун ҳужжатлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиниб, уларнинг ўзига хос жиҳатлари акс эттирилган. Шунингдек, ушбу соҳадаги ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари ҳамда соҳага оид статистик маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: жазони ижро этиш, жазони ижро этиш муассасалари, жазони ўташ режими, рағбатлантириш, мажбурий меҳнат, жазолаш функцияси.

Айрим ривожланган давлатлар Жиноят-ижро қонунчилигида маҳкумларни рағбатлантириш масалаларига тўхталиб ўтарканмиз масалан, Польша турмаларида маҳкумлар учун халқаро стандартларга мувофиқ яхши маиший шароитлар яратилган. Польшада жазони ўтаётган маҳкумларга рағбатлантирувчи чораларни кўриш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси ЖИҚда маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг принципи даражасида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖИҚда қатор рағбатлантирувчи нормалар мустаҳкамланган бўлса-да, Кодексда ва қонунни қўллаш амалиётида мазкур институтнинг имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмоқда, деб айтиб бўлмайди.

Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганганимизда, уларнинг пенитенциар муассасаларида қўлланиладиган рағбатлантириш чоралари ва қўллаш механизмлари миллий тажрибадан фарқли равишда ижобий ва салбий хусусиятларга эга эканлигини кузатдик.

Хорижий мамлакатларнинг жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси учун диққатга сазовор бўлган, маҳкумларни сақлаш шароитларини ўзгартирмайдиган рағбатлантириш чораларига: а) омма олдида миннатдорчилик билдириш ёки мақташ (Болгария); б) умумий йиғилишда маҳкумнинг хулқ-атворини маъқуллаш (Лаос); в) назоратсиз ёки пенитенциар муассасадан ташқарида учрашувга рухсат бериш (Польша); г) фуқаролик кийимида учрашувга рухсат бериш (ГФР, Польша); д) қариндошлари билан учрашувлар муддатини кўпайтириш (Венгрия); е) алоҳида стол ортида учрашува рухсат бериш (Польша, ГФР); ж) фуқаролик кийимида юришга рухсат бериш (АҚШ, ГФР, Япония); з) газеталар, журналлар, китоблар (детектив асарлардан ташқари) сотиб олишга рухсат бериш; и) ўзи учун ишлашга рухсат бериш (Франция); к) яқин қариндошига совға бериш (Польша); л) маданий-маърифий тадбирларда кўпроқ иштирок этишга рухсат бериш (Финляндия); м) ички тартиб қоидаларида ёки режим нормаларида назарда тутилмаган буюмлар: соат, авторучка ва бошқаларга эга бўлиш ҳуқуқини бериш (Польша, Франция); н) вояга етмаганлар учун колонияда магнитофон ва бошқа электрон аппаратурадан фойдаланиш (Хитой); о) биргаликда овқатланиш учун озиқ-овқат маҳсулотлари келтиришга рухсат берган ҳолда қўшимча қисқа муддатли учрашув бериш (Куба); п) ўртак кўрсатганларни рағбатлантирувчи рамз-нишонлар: боғичлар, кўкрак нишонлари ва шу кабилар билан мукофотлаш (Хитой, Япония); р) чек тарзидаги пуллар билан мукофотлаш (Лаос); с) вояга етмаганларни махсус гувоҳнома, нишон билан мукофотлаш, шунингдек уларга турмадан ташқарига чиқишга бир марта рухсат бериш (Япония) ва ҳ.к. [1].

Ҳозирги вақтда хорижий мамлакатлар пенитенциар муассасаларининг барчасида маҳкумларнинг қайта ижтимоийлашувини рағбатлантириш мақсадида меҳнат таътиллари тизими аллақачон қонунда белгиланган ва турмалар амалиётида маҳкумларнинг турли тоифаларига татбиқан кенг қўлланилади.

Мисол учун, **Данияда** очик турдаги жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга жазонинг беш ойини ўтагандан кейин ўз оиласини бориб кўриш учун қисқа муддатли таътиллار олиш ҳуқуқи берилади. Таътиллارнинг мазкур турини қўллашга қариндошлари, дўстларининг ўлими, касаллиги муносабати билан ҳам рухсат этилади. Даниянинг очик



турдаги жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўташнинг якунловчи босқичида ахлоқи тузалганини исботлаган шахсларга ҳар учинчи ҳафтада ўз оиласига ташриф буюриш учун қисқа муддатли таътил беришга рухсат этилади.

ГФР Жазоларни ижро этиш тўғрисидаги қонунига мувофиқ ҳуқ-атвори ижобий бўлган шахсларга ҳар йили 21 календарь кунгача таътиллار берилади, шунингдек маҳкумларнинг алоҳида шахсий ҳолатлари муносабати билан қисқа муддатли сафарларга рухсат этилади. Мазкур таътиллارга, қоида тариқасида, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва белгиланган жазо муддати миқдоридан қатъи назар рухсат этилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган маҳкумларга таътил улар жазонинг камида ўн йил муддатни ўтагандан кейин, шунингдек мазкур шахслар жазони ўташ режимининг очиқ турига ўтказилгандан сўнг рухсат этилиши мумкин.

Жазони ўташнинг якунловчи босқичида рағбатлантирилган шахсларга пенитенциар муассаса доирасидан ташқарига эркин чиқишга рухсат этилиши мумкин. Бу ҳолда маҳкумлар турмани эрта тонгда тарк этадилар ва кечи билан соат 15 да қайтиб келишлари шарт. Ҳафта охирида озодликка чиқишга тайёргарлик кўраётган маҳкумларга шанба куни соат 9 дан якшанба куни соат 20 гача жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини тарк этишга рухсат берилади.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, озодликка чиқишга тайёргарлик кўраётган маҳкумларга меҳнат ва маиший масалаларни ҳал этиш учун махсус таътиллار берилади. Шу мақсадда ёпиқ турма режимида сақланаётган маҳкумга озодликка чиқишидан уч ой олдин етти кунлик таътилга рухсат этилади [2].

Швейцария Ахлоқ тузатиш муассасалари тўғрисидаги қонуннинг

32-моддасида, агар рағбатлантирилаётган маҳкум томонидан ишончли суиистеъ-мол қилиши хавфи мавжуд бўлмаса, унга турма муассасасини қисқа муддатга тарк этиш ҳуқуқини бериш назарда тутилган.

Швейцариянинг турма муассасаларида таътиллار нафақат озодликдан маҳрум қилиш жазосини биринчи марта ўтаётган шахсларга, балки жазо муддатининг камида ярмини ўтаганларидан кейин рецидивистларга ҳам берилади. Рецидивистлар учун таътиллار муддати ҳар уч ойда бир марта икки кунгача белгиланади. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга биринчи рағбатлантирувчи таътил озодликдан маҳрум қилиш жойларида 6-8 йил сақлангандан кейин берилиши мумкин [3].

Хулоса қиладиган бўлсак, хорижий мамлакатлар пенитенциар қонун ҳужжатлари қонунни қўллаш тажрибаси ўрганиш, мазкур муаммо бўйича халқаро ҳужжатларда баён этилган тавсияларнинг қиёсий таҳлилига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия қонунига рағбатлантирувчи таътиллار, қоида тариқасида, барча тоифадаги маҳкумларга, уларга тайинланган жазо муддати, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасидан қатъи назар, аммо қонуний ҳуқ-атвори, даражада ахлоқи ижобий ва жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан маҳкум жазони ижро этиш муассасасидан ташқарида бирон-бир ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этмаслигига қатъий ишонч мавжуд бўлган ҳолда қўлланилиши лозимлиги белгилаб қўйилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Elwin U. Den forsta stegen Studiebok i Kriminalpolitik. Stockholm, 2001.–P. 134-138.; Cnubb U. The mafia and politics: The Italian state under Siege. Uthaca (N.Y.): Cornell Univ. press, 2002 (3). – P. 31-34.
2. Уголовно-исполнительное законодательство (США, Англия, Германия, Франция). Вып. 7. – М., 2013. – С. 28.
3. Городецкий Д.И., Алферов Ю.А. и др. Исполнение уголовных наказаний преступников по законодательству зарубежных стран / Под ред. В.А.Соколова. – Домодедово, 2010. – С. 4.



СУБСИДИАРНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ КОНТРОЛИРУЮЩИХ ЛИЦ В РАМКАХ БАНКРОТСТВА В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ

Холмирзаев Ўткирбек Пахлавонович,
Преподаватель кафедры
Бизнес право ТГЮУ
E-mail: utkirpahlavon@gmail.com

Аннотация: В данном тезисе рассматриваются общие основы и критерии ответственности контролирующих лиц в рамках банкротства в законодательстве Российской Федерации. Обсуждается проблема объема ответственности и стандарты доказывания. Также, в статье затрагивается тема причинно-следственной связи между неправомерными действиями контролирующих лиц и несостоятельности.

Ключевые слова: контролирующее лицо, доктрина «снятие корпоративного покрыва», акционер, участник, субсидиарная ответственность, банкротство.

В российском праве ответственность контролирующих лиц по долгам хозяйственных обществ возможна в рамках банкротства (кроме ответственности основного общества по долгам дочерних обществ). Она преследует такую же цель, как «снятие корпоративного покрыва» в англо-американском праве или пронизывающая и деликтная ответственность в германском праве. Федеральный закон Российской Федерации от 26.10.2002 № 127-ФЗ «О несостоятельности (банкротстве)» [1] (далее в рамках данного параграфа – Закон) установил порядок и основания ответственности контролирующих лиц (участник, руководитель и других контролирующих лиц) должника по следующим видам ответственности в рамках банкротства:

субсидиарная ответственность контролирующих лиц за невозможность полного удовлетворения требований кредиторов (ст. 61.11 Закона);

субсидиарная ответственность директора за несвоевременную подачу (или неподачу) заявления о возбуждении дела о банкротстве должника (ст. 61.12 Закона о банкротстве);

ответственность за нарушение законодательство о банкротстве (ст. 61.13 Закона о банкротстве);

ответственность за убытки, причиненные должнику (ответственность контролирующих лиц перед должником) (ст. 61.20 Закона о банкротстве).

Как следует из п. 1 Постановление Пленума Верховного Суда РФ от 21.12.2017 г. № 53 «О некоторых вопросах, связанных с привлечением контролирующих должника лиц к ответственности при банкротстве» привлечение контролирующих лиц к субсидиарной ответственности по обязательствам юридического лица **является исключительным механизмом** восстановления нарушенных прав кредиторов. Данный механизм ответственности предназначен для противостояния злоупотреблению корпоративной формой и причинению вреда имущественным правам кредиторам, при этом имея в виду имущественную обособленность, самостоятельную личность корпораций и ограниченную ответственность участников (акционеров).

Уклонение от уплаты налогов, исполнения гражданско-правовых обязательств и другие рассматриваются как недобросовестные цели, которые используются против юридических лиц. Именно поэтому противодействие злоупотреблениям корпоративной формой является основной целью субсидиарной ответственности по делам о банкротстве. Юридические конструкции в форме института «пронзание ответственности» (Германия) и концепции «прокалывание корпоративной вуали» (Англия) широко применяются в развитых странах для предотвращения злоупотреблением корпоративной формой.

Контролирующим должника лицом (далее – КДЛ) признается физическое или юридическое лицо, обладающее либо обладавшее в пределах 3 лет до возникновения признаков банкротства, либо после возникновения указанных признаков и до принятия арбитражным судом заявления о признании должника банкротом, правом предписывать должнику указания, обязательные для исполнения или возможностью устанавливать его действия, совершение сделок и определение их условий [2].

Наличие у лица фактической возможности предписывать должнику указания,



обязательные для исполнения либо другими способами устанавливать его действия является главным условием определения данного лица, как контролирующего должника.

При наличии нижеследующих оснований можно говорить о наличии возможности установления действий должника:

нахождение с должником (руководитель, члены органов управления должника) в отношениях родства или свойства, должностного положения;

полномочие на совершение сделок от имени должника, которые основаны на доверенности, нормативно-правовом акте или другом специальном полномочии;

должностное положение (замещение должности главного бухгалтера, финансового директора, иной должности, которая предоставляет возможность определения действий должника);

другие способы, в частности принуждение руководителя или членов органов управления, оказание определяющего влияния на руководителя либо членов органов управления должника.

Независимо от наличия либо отсутствия формально-юридических признаков аффилированности (родство или свойство с членами органов должника, непосредственное либо опосредованное участие в капитале или в управлении и др.) допускается реализация фактического контроля над должником [3-6]. Суд, в ходе судебного разбирательства изучает уровень участия субсидиарно-ответственного лица, при управлении должником, проверяет степень влияния данного лица при принятии должником важных деловых решений.

В случаях, когда лицо, осуществляло деятельность руководителя, ликвидатора, управления над организацией, выступало как член исполнительного органа либо ликвидационной комиссии, уместно говорить о действии опровержимой презумпции наличия статуса КДЛ.

Субсидиарная ответственность при невозможности погашения требований кредиторов в полном объеме

Неправомерные действия (бездействие) КДЛ, приведшие к невозможности погашения требований кредиторов.

Нарушение принципа добросовестности и принципа разумности при принятии основных решений, рассматриваются как неправомерные действия (бездействия) КДЛ, которые выражаются в следующем:

осуществление деятельности по согласованию, заключению либо одобрению договоров на невыгодных условиях или с лицом, которое не может исполнить обязательство в должной мере (однодневные фирмы);

распоряжения по заключению убыточных договоров;

предоставление лицам, действия которых не соответствуют деятельности управляемой организации, должности по руководству данной организацией;

организация и поддержка системы администрирования должника, целью которой является постоянное получение прибыли другим лицом, что причиняет вред должнику и кредитору.

Причинно-следственная связь между невозможностью погашения требований кредиторов в полном объеме и действиями (бездействиями) КДЛ.

В случаях, когда имеется хотя бы одно из нижеприведенных обстоятельств можно говорить о действии опровержимой презумпции существования причинно-следственной связи между невозможностью погашения требований кредиторов в полном объеме и действиями (бездействиями) КДЛ:

причинение существенного вреда имущественным правам кредиторов путем осуществления данным лицом, в пользу данного лица, одобрения данным лицом одного или нескольких договоров должника (заключение таких договоров по предписанию данного лица), а также договоры, предусмотренные статьями 61.2 и 61.3 Закона о банкротстве (подозрительные сделки и сделки с предпочтением).

документы бухгалтерского учета и (или) отчетности, которые установлены законодательством РФ как обязательные для ведения (составления) и хранения, до момента вынесения судом определения о введении наблюдения либо до принятия решения о банкротстве должника отсутствуют либо в них нет информации об объектах, предусмотренных законодательством РФ, которая на основании законодательства РФ является обязательной для формирования, или при искажении информации, что повлекло



существенное затруднение проведения процедур по банкротству, а также при формировании и реализации конкурсной массы;

превышение требований кредиторов, входящих в третью очередь по основной сумме задолженности, включенных в реестр требований, пятидесяти процентов от общего размера требований кредиторов, входящих в третью очередь, возникшие в связи с правонарушением, за которое вступило в законную силу решение о привлечении к ответственности за налоговые правонарушения, уголовной либо административной ответственности, а также требования по взысканию задолженности при производстве дел по таким правонарушениям, должника либо его должностных лиц, которые осуществляют либо осуществляли деятельность как единоличный исполнительный орган;

отсутствие либо искажение документов, которые должны были храниться в обязательном порядке на основании законодательства РФ об акционерных обществах, о рынке ценных бумаг, об инвестиционных фондах, об обществах с ограниченной ответственностью, о государственных и муниципальных унитарных предприятиях, до вынесения судом определения о введении наблюдения либо признания должника банкротом;

в ЕРГЮЛ (представленные юридическим лицом документы) либо в Единый федеральный реестр сведений о фактах деятельности юридических лиц (по части внесения сведений юридическим лицом) в момент возбуждения дела о банкротстве внесены фальсифицированные данные о юридическом лице, либо не внесены сведения, которые обязательны для внесения на основании федерального закона.

Презумпция применяется к лицам, которые обязаны вести бухгалтерский учет и хранить документы бухгалтерского учета и (или) бухгалтерской (финансовой) отчетности должника, а также к лицам, которые организывают данный вид учета, хранения, отчетности.

Список использованной литературы

1. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_39331/ (Stand: 01.02.2021).
2. Лотфуллин Р.К. Субсидиарная и иная ответственность контролирующих лиц при банкротстве. 2021. С. 18.
3. Покровский С.С. Ответственность контролирующих должника лиц за доведение до банкротства. 2016. С. 135.
4. Егоров А. В., Усачева К. А. Субсидиарная ответственность за доведение до банкротства — неудачный эквивалент западной доктрины снятия корпоративного покрова. «Вестник ВАС РФ», 2013, N 12. <https://center-bereg.ru/b592.html> (stand: 08.10.2020 у.)
5. Кулагин М.И. Избранные труды по акционерному и торговому праву. С. 160.
6. Vandekerckhove K. Piercing the Corporate Veil. N.Y., 2007. P. 11, 79.



YOSHLARDA SIYOSIY BILIMLARNI SHAKLLANTIRISHNING HUQUQIY ASOSLARI

Xoshimov Ravshan Raimjonovich
Mirzajonov Sharif Zufarovich

Farg'ona viloyati Yuridik texnikum o'qituvchilari

Annotatsiya: Maqolada yoshlarning siyosiy bilimlarining shakllantirishning huquqiy asoslariga oid fikrlar berilgan.

Kalit so'zlari: yoshlar siyosati, konstitutsiya, demokratik jamiyat, huquqiy ong.

Yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasini shakllanishi mamlakatni modernizatsiyalash jarayoni bilan birga kechmoqda. Jamiyatni demokratiyalashuvi jarayonida aholining asosiy qatlamini tashkil etuvchi yoshlarda sotsial-siyosiy yetuklikning shakllanishi-bu rivojlangan bozor iqtisodiyotiga asoslangan chinakkam demokratik, huquqiy davlat va erkin fuqarolik jamiyati qurishning nafaqat maqsadi balki, uning vositasi, eng muhim sharti hisoblanadi.

Bugungi kunda yoshlar manfaatining siyosatda aks etishi tor iqtisodiy darajadan, ya'ni yoshlarni ijtimoiy ishlab chiqarishga jalb etilganligini ifodalovchi ijtimoiy-iqtisodiy kategoriyadan siyosiy muammo darajasiga ko'tarildi. Bu degani shundan iboratki, yoshlarning ijtimoiy-siyosiy jarayonlarda qanchalik faol ishtiroki, g'oyaviy-mafkuraviy dunyoqarashni takomillashtirganligi, ya'ni ularning siyosiy ongi va madaniyati, eng avvalo manfaati va qiziqishlari, qarashlari va intilishlarini namoyon etadigan sotsial-siyosiy qiyofasidagi o'zgarishlar mamlakat taraqqiyotini belgilab beruvchi muhim omilga aylandi. Yoshlarda siyosiy yetuklikni shakllanishida asosiy qonunimiz Konstitutsiyaning ahamiyati katta. Chunki yoshlar huquqiy-siyosiy ongi va madaniyati bevosita Konstitutsiyada belgilangan huquq, erkinliklar hamda majburiyatlar orqali amalga oshiriladi. Konstitutsiyamiz bir vaqtda iqtisodiy huquqlarni ham o'zida mujassamlashtirgan hujjat hisoblanadi. Unda mulkiy va shaxsiy huquqlar, iqtisodiy-ijtimoiy huquqlar kafolatlangan. Yoshlar mehnat qilish huquqi orqali jamiyatning iqtisodiy sohasini rivojlantirishga o'z hissasini qo'shishi, o'zining ijtimoiy ovozigga ega bo'lishi, o'ziga va idrokiga ishonchining ortishi, o'z kamolotini jamiyat taraqqiyoti bilan bog'lashi, bunyodkorlik ishlarida faol ishtirok etishi mumkin.

Xalq hokimiyatchiligi yoshlarning siyosiy huquq va erkinliklarini ta'minlashni, ularning siyosiy faolliklarini oshirishni talab etadi. Bu jarayon shaxs, jamiyat va davlatning o'zaro munosabatida ham namoyon bo'ladi. Shaxs, jamiyat va davlatning o'zaro bir-biriga bog'liqligi, ular o'rnasidagi o'zaro mas'uliyat ham yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasining shakllanishida o'z ta'sir doirasiga ega. Yoshlar o'zlariga yaratilgan imkoniyatlardan samarali foydalanish bilan birga jamiyat va davlat oldidagi mas'uliyatini unutmasliklari lozim. Shu o'rinda mamlakatimiz birinchi prezidentining *"Demokratik jamiyat qurish uchun demokratik tamoyillarni to'la qaror toptirish uchun, avvalo, shu mo'tabar zaminda tavallud va tarbiya topgan shaxs o'zini aynan shu yurt farzandi deb biluvchi inson o'z davlati, o'z halqi oldidagi, uni katta umidlar bilan tarbiya etgan, voyaga yetkazgan jamiyat oldidagi burchini ado etishi kerak"* -degan dono so'zlarini yodga olishning o'zi kifoya. Yuqorida keltirilgan huquqiy asoslar asosida keltirilgan fikrlar yoshlar davlatning olib borilayotgan siyosati ob'ektini tashkil etishini yana bir bor isbotlaydi. Davlatning taraqqiyoti munosib vorislarni kamol topishi bilan chambarchas bog'liq. Negaki, demokratik davlat yoshlarning ijtimoiy-siyosiy munosabatlardagi faol ishtirokidani manfaatdordir. Buning uchun esa, tabiiyki davlat yoshlarning siyosiy faolligini oshirish borasida qayg'uradi. Chunki sotsial-siyosiy yetuk yoshlar salohiyati jamiyatni demokratiyalashuvi jarayonini tezlashtiradi.

Har bir yosh avlod huquqiy savodxon bo'lsa, konstitutsiya va qonunlardagi huquqlari, erkinliklari bilsa va majburiyatlarini qanchalik yuqori darajada amalga oshirsa, davlatimiz oldiga qo'ygan maqsadiga erishishi shunchalik oson kechadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T.: 2020
2. Sotsiologiya. – T.: 2002



БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тошпулотов Мансур Акрамович

Судьялар олий мактаб

тингловчиси

телефон: +998995939745

t1983mansur@mail.ru

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий-демократик ривожланишининг бугунги кундаги асосий йўналиши ва тамойиллари негизида аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатлари ҳамда халқнинг фаровонлиги ётади. Мазкур мақола биринчи инстанция судида маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларини кўриб чиқишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини очиб беради.

Калит сўзлар: Суд-ҳуқуқ ислохотлари, инсон манфаатларини таъминлаш, очиқлик ва шаффофлик, суд тузилмасини такомиллаштириш, ҳал қилув қарори, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари, судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари ўтган 2020 йилда ҳам жадал амалга оширилиб, суд тузилмасида бир қатор янгиликлар амалга оширилди, шунингдек, инсон манфаатларини таъминлаш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш юзасидан ҳам Мухтарам Президентимизнинг қарор ва фармонлари қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Фармонга мувофиқ 2021 йилнинг 1 январдан бошлаб, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этилди, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатилиб, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши белгиланган, шунингдек 2021 йил 1 январдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мутақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сонли Фармони билан мамлакатимизда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрларни танлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январдаги ЎРҚ-462-сон “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги қонуни билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси тасдиқланди ҳамда 2018 йил 1 апрелдан қонуний кучга киритилди. Мазкур кодекснинг иккинчи бўлими биринчи инстанция судида иш юритишга бағишланган бўлиб, кодекснинг 16-бобида иш қўзғатиш қоидалари баён қилинган. 127-моддада иш қўзғатиш асослари кўрсатилган бўлиб, унга кўра суд: 1) манфаатдор шахсларнинг, 2) прокурорнинг ва 3) давлат органлари ва бошқа шахслар юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, шу давлат органларининг ва бошқа шахсларининг аризалари бўйича иш қўзғатиши белгиланган. Кодекснинг 17-боби ишни суд муҳокамасига тайёрлаш қоидалари баён қилинган, ишни суд муҳокамасига таёрлаш жараёнида судья томонидан асосий процессуал ҳужжатлардан бири бўлган ишни суд



муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим қабул қилинишини кўришимиз мумкин, ажримнинг шакли ва мазмунига нисбатан процессуал қонун ҳужжатларида қўйиладиган талабларга риоя қилмаслик уни қабул қилишда хато ва камчиликларга йўл қўйилишига, тарафлар томонидан шикоят аризаларининг кўпайишига, турлича талқин қилинишига, юқори инстанция судларида ҳам баҳсли мунозаралар келиб чиқишига ва охир оқибат фуқароларнинг, тадбиркорлик субъектларининг ҳамда судга мурожаат қилувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлади. Кодекснинг 18-боби суд муҳокамаси қоидалари баён қилинган бўлиб, суд муҳокамаси деганда - маъмурий ишни кўриб чиқиш ва мазмунан ҳал қилишдан иборат бўлган суд жараёнидир. Суд ишга оид далилларни ҳар томонлама ва ҳолисона ўрганиш асосида маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий ҳолатларни аниқлайди, муайян ҳуқуқий муносабатлар доирасида томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди ҳамда давлат номидан низонинг моҳияти юзасидан суд қарорини қабул қилади. Маъмурий ишлар судда ишни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда мазмунан кўриб чиқилиши лозим. Кодексда алоҳида ҳолларда, суд муҳокамасининг муддати суд раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Лекин қонунчилик алоҳида ҳолларга тушунтириш бермаган. Умумий тушунчалардан келиб чиқиб алоҳида ҳолатлар, яъни маъмурий иш муҳокамасини мураккаблаштирадиган ҳолатларни тушуниш мумкин. Булар жумласига, аризачи, жавобгар ва ишда иштирок этадиган шахсларнинг сони, бир қанча гувоҳларни сўроқ қилиш, чет давлатларга сўровнома юбориш ёки ҳужжатлар олиш, чет эл фуқароларининг қатнашиши, далил ёки ишга оид ҳужжатлар ҳажмининг кўплигини мисол қилиш мумкин.

Биринчи инстанция судида ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича Кодекснинг 19-бобида белгиланган қоидалар асосида суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилади. Ҳал қилув қарори – моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари талабларига аниқ риоя қилинган ҳолда, қонуний, асосли ва адолатли тарзда чиқарилиши керак, бироқ ҳал қилув қарорларини қабул қилишда ушбу талабларга жавоб бермаслик, ҳал қилув қарорларида далилларни таҳлил қилмасдан, уларга ва билдирилган вазиятнинг барчасига ҳуқуқий баҳо берилмаган ҳолатларда, шунингдек, аниқланган ҳолатлар юзасидан судьянинг муносабати фикри баён қилинмасдан, низо бўйича суднинг ҳулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмаганда, моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри талқин қилинганда, иш бўйича суд томонидан аниқланган ҳолатларни кўрсатмасдан, ариза (шикоят)ни қаноатлантириш ёки рад этиш сабабларини батафсил кўрсатмаслик каби хато ва камчиликлар бўлганда қабул қилинган ҳал қилув қарорининг юқори инстанция судлари томонидан бекор қилинишига ёки ўзгартирилишига олиб келади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сонли Қарори қабул қилиниши билан судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга, бугунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш мақсадида, қуйидагилар суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгиланди ва булар биринчи инстанция судида маъмурий ишларни кўришда ва қонунийликни таъминлашда алоҳида ўрин тутади:

-фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;

-судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик



билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш;

-суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш;

-суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш. 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш тартиблари жорий этилди;

-2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш;

-2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш;

-2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш;

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади аввало қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент шаҳри.
2. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс Тошкент шаҳри 2021.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сонли Қарори.
4. В.В.Ярков Административное судопроизводство (Учебник для студентов высших учебных заведений), 2015.
5. Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации. 8 марта 2015 г. N 21-ФЗ.



АХОЛИ HUQUQIY ONGI O'SISH DINAMIKASI

Babajanova Zamira Alimovna

Xorazm viloyati Urganch shahar
11-son umumiy ta'lim maktabining
huquq va tarbiya fani o'qituvchisi
+998 97 456 43 60

Annotatsiya: ushbu maqolada huquq o'zi nima, aholining huquqiy ongi va uning o'sish dinamikasi tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: huquq, davlat, huquqiy ong, dinamika, aholi, fuqaro, tuzilma.

Ma'lumki, huquq – davlat irodasini ifodalaydigan va uni kuch bilan himoya qiladigan umumiy majburiy normalar majmui (tizimi). Huquq avvalo fe'l-atvor normalari yoki qoidalari majmuasi, aniqroq qilib aytganda tuzilmasidir. SHu ma'noda, huquq erkinlik me'yorini belgilab yoki chegaralab, majburiyat yuklab va aniqlab, kishilar faoliyatini ijobiy yo'naltirish uchun ularning fe'l-atvoriga faol ta'sir ko'rsatadi.

Ayni vaqtda huquqiy madaniyat saviyasi qabul qilingan qonunlar soni bilan emas, balki ularning barcha darajalarda ijro etilishi bilan belgilanishini nazarda tutib, qonunlarimizni muvaffaqiyat bilan hayotga tatbiq etishga, normativhuquqiy hujjatlar bajarilishining monitoringini kuchaytirishga ustuvor ahamiyat berilmoqda. Hozirgi kunda eng dolzarb muammolardan biri – aholi huquqiy ongi o'sishi dinamikasini monitoring qilishni ta'minlashdir. Huquqiy ong esa huquqiy madaniyatga asoslanadi. Huquqiy ong va huquqiy madaniyat tushunchalari, yuqorida ta'kidlaganimizdek, o'zaro uzviy bog'liq tushunchalardir. Huquqiy ong deganda, kishilarning huquq haqida tushuncha va bilimlarga ega bo'lishi, shuningdek, huquq borasidagi tasavvurlarning inson ongida aks etishi tushuniladi. Huquqiy mafkura – har xil huquqiy hodisalar haqidagi nuqtai nazar, tushuncha, g'oya va qarashlarning ilmiy umumlashtirilgan tizimidan iborat. Huquqiy madaniyat bo'lmasa, huquqiy ong ham bo'lmaydi. Huquqiy ong degani bu – qonunlarni faqat bilishgina emas, balki ularni izchil ijro etish hamdir. Prezidentimiz uqtirganidek, “Qonunlar so'zsiz bajarilgandagina biz huquqiy davlat qurishimiz mumkin”. SHu ma'noda, “huquqiy ong” tushunchasi “huquqiy savodxonlik” tushunchasidan kengroqdir. Huquqiy ong qonunlarning ijrosini ham o'z ichiga oladi. Demokratik jamiyatda qonunlarning ijro etilishi bilan birga, qonunlarga hurmat ko'rsatilishini ham ta'minlash taqozo etiladi.

Tarbiya - shaxsni maqsadga muvofiq takomillashtirish uchun uyushtirilgan pedagogik jarayon bo'lib, tarbiyalanuvchining shaxsiga muntazam va tizimli ta'sir etish imkonini beradi. Tarbiya jarayoni o'qituvchi va o'quvchi (tarbiyachi va tarbiyalanuvchi)lar o'rtasida tashkil etiluvchi hamda aniq maqsadga yo'naltirilgan hamkorlik jarayonidir. Tarbiya jarayonida tarbiyalanuvchining ongi shakllana boradi, histuyg'ulari rivojlanadi, ijtimoiy hayot uchun zarur bo'lgan ijtimoiy aloqalarni tashkil etishga xizmat qiladigan xulqiy odatlar hosil bo'ladi. Mustaqil O'zbekiston Respublikasida shakllanayotgan milliy istiqlol g'oyalari fuqarolarni Respublika Konstitutsiyasida e'tirof etilgan insonparvar, demokratik, huquqiy davlat va huquqiy jamiyatni barpo etishdek ezgu maqsad atrofida birlashtirishga xizmat qiladi. Har bir fuqaroning ijtimoiy-siyosiy, huquqiy faolligini yuzaga keltirish, huquqiy madaniyatini qaror toptirish – fuqarolik (huquqiy) jamiyatning asosiy talabi sanaladi. Jamiyat tomonidan qonunchilik yo'li bilan belgilangan talablar fuqaro xulqini baholash, xatti-harakatlari mohiyatini tahlil qilish uchun mezon bo'lib xizmat qiladi. Ana shu talablarga muvofiq fuqaroning xulq-atvoridagi ayrim ko'rinishlar, harakatlar yoki odatlar ma'qullanadi yoki qoralanadi. O'zbekiston Respublikasi fuqarolarining maqsadi erkin, demokratik, insonparvar huquqiy davlat va jamiyatni qurishdir. Bu jamiyatni bunyod etish jarayonida yangi ijtimoiy fuqarolik tarbiyasini tashkil etish vazifalarini yanada murakkablashtiradi. Zero, demokratik, huquqiy jamiyat barpo etilishining muvaffaqiyati fuqarolarning ijtimoiy-siyosiy ongliklik darajasi, fuqarolik fazilatlarining qaror topganligi va ijtimoiy faollik ko'rsatkichlariga bog'liq. Fuqarolikning ijtimoiy asosi yangi ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar bo'lib, unda fuqarolarning shaxsiy manfaati jamiyat manfaati bilan qo'shib, uyg'unlashib ketadi.

Adabiyotlar:

1. V. A. Kostetskiy. DAVLAT VA HUQUQ ASOSLARI. Toshkent «Yangi yo'l Poligraf Servis» 2017



“XALQARO TASHKILOTLAR HUQUQI” TUSHUNCHASI, XALQARO TASHKILOTLARNING PAYDO BO’LISHI.

Ergasheva Durdona Normuhammadovna

Navoiy viloyat Nurota tumani

57 -umumiy o’rta ta’lim maktabining

Davlat va huquq asoslari fani o’qituvchisi

Annotatsiya. XIX asrning yarmidan boshlab dunyo xaritasida birinchi nosiyosiy xalqaro tashkilotlar tuzilgan. Masalan, 1865 yili Xalqaro telegraf ittifoqi, 1874 yili Xalqaro pochta ittifoqi, 1865 yili Yer o’lchash xalqaro ittifoqi, 1890 yili Bojxona tariflarini nashr qilish xalqaro ittifoqi tuzilgan.

Kalit so’zlar. Millatlar Ligasi, diplomatik imtiyoz, YUNESKO, Vena konvensiyasi, shartnoma, BMT, Xalqaro Sud.

Birinchi universal siyosiy xalqaro tashkilot - Millatlar Ligasi - 1919 yilda tuzilgan. Uning Statuti Parij tinchlik konferensiyasida qabul qilingan bo’lib, Versal shartnomasining tarkibiy qismi bo’lgan. Millatlar Ligasi o’z faoliyatini amalda 1940 yilda, rasman 1946 yilda tugatgan. 1939 yilda dunyoda 48 ta hukumatlararo xalqaro tashkilot bo’lgan. Xalqaro tashkilotlar tarrahiyotining tarixida burilish nuqtasi 1945 yili Birlashgan Millatlar Tashkilotining tuzilishi hisoblanadi. XX asrning ikkinchi yarmida xalqaro tashkilotlarning soni juda tez o’sgan va yangidan-yangi xalqaro tashkilotlar paydo bo’lgan. Xalqaro tashkilotlarning o’ziga xos yuridik xususiyatlari quyidagilardan iborat: 1) xalqaro tashkilotni davlatlar ko’p tomonlama shartnoma negizida tuzadi va shu shartnomalar (ustavlar) asosida faoliyat ko’rsatadi; 2) xalqaro tashkilot ma’lum maqsadlarda tuziladi; 3) xalqaro tashkilot muayyan tashkiliy tuzilishga ega bo’ladi; 4) xalqaro tashkilotlar o’z ustaviga ko’ra, ma’lum xalqaro huquq layoqatiga, ya’ni mustaqil huquq va majburiyatlarga ega bo’ladi; 5) xalqaro tashkilotlar xalqaro huquq normalariga asosan tuziladi va xalqaro huquqning ikkilamchi sub’yekti hisoblanadi. Ular suverenitetga ega emas; 6) davlatlar xalqaro huquqning sub’yekti sifatida xalqaro tashkilotlar faoliyatida davlatlarning suveren tengligi prinsipi asosida qatnashadilar va xalqaro tashkilotga a’zolikdan ixtiyoriy ravishda chiqish huquqiga ega; 7) xalqaro tashkilotlarning qarorlari tavsiyaviy xususiyatga ega; 8) xalqaro tashkilotlar hudud va aholiga ega emas; 9) xalqaro tashkilotlar BMT Xalqaro sudida tomonlar bo’la olmaydi va ularning vakilligi doimo bir tomonlama bo’ladi; 10) xalqaro tashkilotlar va ularning mansabdor shaxslari diplomatik imtiyoz va immunitetga egadirlar; 11) xalqaro tashkilotlarda ularning a’zolarini doimiy vakillari bo’ladi (BMT, YUNESKO huzurida); 12) xalqaro tashkilotlar xalqaro shartnomalar tuzish huquqiga ega; 13) xalqaro tashkilotlar xalqaro-huquqiy javobgarlikning sub’yekti bo’la oladi. Shunday qilib, xalqaro tashkilot maxsus xalqaro shartnoma (ustav) asosida tuzilgan, xalqaro-huquqiy layoqatga va muayyan tashkiliy tuzilishga ega bo’lgan hamda xalqaro huquq normalari asosida faoliyat ko’rsatadigan xalqaro huquq sub’yektidir. Xalqaro tashkilot a’zo davlatlar shartnomasi asosida ta’sis etilgan va xalqaro tashkilot maqomini olgan tashkilotdir. Davlatlararo tashkilotlar bilan nohukumat xalqaro tashkilotlarni o’rtasida katta farq mavjud bo’lib, nohukumat xalqaro tashkilotlarni turli mamlakatlarning jismoniy va yuridik shaxslari tuzadi va davlat ichki huquqiga muvofiq ravishda bitta yoki bir nechta davlatlarda yuridik shaxs sifatida ro’yxatga olinadi. Bunday tashkilotlar xalqaro huquq sub’yekti hisoblanmaydi. Xalqaro tashkilotlar tashkilot, ittifoq, jamg’arma, bank, agentlik, markaz va shu kabi boshqa nomlar bilan ataladi. Ma’lumki, BMT ayrim tillarda «Birlashgan Millatlar» deb yuritiladi. Bularning barchasi tashkilot maqomiga ta’sir qilmaydi. Xalqaro tashkilot xalqaro huquqning ikkilamchi sub’yekti hisoblanadi, ya’ni u mustaqil ravishda yuzaga kelmaydi va shu bois uning xalqaro munosabatlardagi maqomi va ichki huquqiy tartiboti to’lig’icha tashkil etuvchi davlatlar ixtiyorida bo’ladi. Ta’kidlash joizki, xalqaro tashkilotlar davlatlardan butunlay farq qiladi. Xalqaro tashkilotlarning huquqiy asosi «tashkilotlar to’g’risidagi qoidalar»dan iboratdir. 1986 yil 21 martdagi Davlatlar va xalqaro tashkilotlar yoki xalqaro tashkilotlar o’rtasidagi shartnomalar to’g’risidagi Vena konvensiyasining 2-moddasiga muvofiq, ular, xususan, tashkilotning ta’sis hujjatlari (ustavi), shu asosda qabul qilingan qarorlar va rezolyutsiyalar, shuningdek tashkilotning tegishli amaliyotidan tashkil topadi. Xalqaro tashkilotlarning ta’sis hujjatlari ham aslida shartnomalar hisoblanadi, ammo ular o’ziga xosligi bilan farqlanib turadi. Bu, avvalo, shartnomada ishtirok etish va ishtirok etishni to’xtatish bo’yicha belgilangan



alohida tartibga taalluqlidir. Masalan, xalqaro tashkilotga faqat qabul qilish protsedurasi asosidagina a'zo bo'lish mumkin. Xalqaro tashkilot qarori bo'yicha a'zolik to'xtatilishi ham mumkin. Ularning ustavlari boshqa shartnomalarga nisbatan mazmunan anchagina o'zgaruvchan bo'ladi. Xalqaro tashkilot ustavi uning o'z vazifasini bajarish borasidagi talablardan kelib chiqib kengayib boradi. O'zgarishlar a'zo davlatlar e'tirof etadigan amaliyot asosida kiritib boriladi. Shunday yo'l bilan yuzaga keladigan odatiy normalar har bir tashkilot huquqining uzviy qismini tashkil etadi. Misol uchun BMT Xavfsizlik Kengashi 1994 yili BMT Ustavining «Tinchlikka tahdid, tinchlik-osoyishtalikning buzilishi va agressiya aktlariga nisbatan harakatlar» nomli VII bobini asos qilib, o'zining 955-rezolyutsiyasi bilan Ruanda uchun xalqaro jinoiy tribunalni ta'sis etdi. Ammo aslida ushbu bobda bunday xalqaro tashkilot ta'sis etish mumkinligi haqida ishorat ham qilinmagan. Shunga qaramay, BMT Xavfsizlik Kengashi qarori davlatlarning qo'llab-quvatlashi yoki sukut saqlab tan olishi natijasida huquqiy normativ mazmun kasb etdi. Xalqaro tashkilotlarning vazifalari va vakolatlari ularning ustavlarida mustahkamlab qo'yiladi. Shu bilan birga, ustav bu holatlarni tegishli ko'lamlarda va xalqaro hayotning barcha rang-barangliklarini to'lig'icha qamrab ololmasligi mumkin. Shu bois, «anglashiladigan vakolatlar» nazariyasini e'tirof etishga to'g'ri keldi. 1996 yili Xalqaro Sud joriy xalqaro amaliyotga tayangan holda belgilab qo'yganki: «Xalqaro hayot talablari tashkilotlar o'z maqsadlariga erishishi borasida ularning faoliyatini tartibga solib turadigan asosiy hujjatlarda bevosita nazarda tutilmagan qo'shimcha vakolatlarga ham ega bo'lishi zarurligini taqozo etishi mumkin».

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. A.A.Azizxo'jayev, D.Q.Ahmedov. Xorijiy mamlakatlar konstitutsiyaviy huquqi. TDYUI.2010-yil.
2. A.X.Saidov, G.Z.Inomdjanova, A. Mamatkulov. Xalqaro ommaviy huquq bo'yicha uquv dasturi. Xalqaro huquqshunosga yordam. III-nashr . Toshkent 2000 y
3. www.ziyouz.com



“RAQAMLI HUQUQ” TUSHUNCHASINING VUJUDGA KELISHI, UNING YURISPRUDENSIYADA TUTGAN O‘RNI.

Safarov Bahodir O‘tkir o‘g‘li
TDYU, Davlat boshqaruvi huquqi
yo‘nalishi magistratura talabasi
bahodir_utkirovich@mail.ru
+998914031035

Annotatsiya: Ushbu maqolada barcha sohalaridagi kabi raqamlashtirish jarayoni huquq sohasida qanday ro‘y berayotgani, “raqamli huquq”ning klassik shakldagi huquqdan qanday farq qilishi, qanday sohalarini qamrab olishi kabi muammolar tahlil etilgan. “Raqaqli huquq” shaxs, davlat va jamiyat manfaatlarini, ularning huquq va majburiyatlarni qanday shaklda tartibga solishi haqida fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar: “raqamli huquq”, raqamlashtirish, kibermaydon, data markazlari, huquqiy tartibga solish.

Dunyoning yangi texnologik tartibi nafaqat odamlarning odatiy turmush tarzini, balki huquqiy tartibga solish xususiyatini ham o‘zgartiradi. Texnologik inqilob, axborot asrini tizimli huquqiy talqin qilish muammosi paydo bo‘ldi. Raqaqli maikon nafaqat Internetdagi ma‘lumotlarni almashish va olish uchun axborot maydoniga aylanib qolmoqda, balki iqtisodiyot, huquq va siyosatni tartibga solish vositasiga aylanib bormoqda. Shunga asoslanib, ular raqaqli iqtisodiyot, raqaqli huquq va ehtimol, yaqin kelajakda “raqamli siyosat” kabi terminlar keng tarzda qo‘llanilishi mumkin. Davom etayotgan ijtimoiy va texnik o‘zgarishlarni tizimli huquqiy talqin qilish muammosi tobora dolzarblashib bormoqda. Yangi texnologiyalarning rivojlanishi an‘anaviy huquqiy tartibga solishning mexanizm va usullarini o‘zgartirish kerakligini namoyon etmoqda. Klassik shakldagi yuridik protseduralar ko‘plab sohalarida yangiliklarni joriy etishni qiyin va qimmat jarayonga aylantirdi. Huquqiy tartibga solishda mavjud vaziyatning mohiyati inson munosabatlarining tubdan o‘zgaruvchan tabiatida yotadi, inson va jamiyatning mavjud aloqalarida axborot almashish jarayonining tezlashgani, moddiy dunyoning virtuallashib borayotganligi uni yangi bir shaklda namoyon etadi¹. Raqaqli huquq - normalar, huquqiy va texnik tuzilmalar, axborotni huquqiy ta’sir qilish vositalari va davlat tomonidan tan olingan virtual aloqaning boshqa elementlaridir. Huquq subyektlarining o‘zaro virtual aloqaga kirishishi orqali raqaqli huquq chegaralarini belgilaydilar. Shu ma’noda, raqaqli huquq an‘anaviy huquq tarmoqlari va ularning qonunchilik kodifikatsiyalarining rasmiy doirasidan chiqib ketadi. Raqaqli huquqiy munosabatlar chegaralarini klassik yurisprudentsiya vositalari bilan belgilash qiyin. Raqaqli huquq tarmoqlararo va fanlararo texnik va huquqiy o‘lchovlarda qurilgan. Aynan raqaqli huquqning obyekt bo‘lgan data markazlari orqali raqaqli huquqni vujudga keltiruvchi jarayonlar yuz beradi. Data markazlari - bu osonlik bilan kirish, boshqarish va yangilashga imkon beradigan tarzda tashkil etilgan ma‘lumotlar to‘plamidir². Data markazlarida yagona material bu data – ma‘lumotdir. Raqamlashtirish qonuniylilikning yangi turini yaratadi. Raqaqli huquq shu paytgacha huquq uchun tushunarsiz bo‘lgan sohalarida, birinchi navbatda, texnik-axborot va tabiiy-texnik sohalarida huquqiy sifatni shakllantiradi. Raqaqli huquq yuridik xususiyatga ega. Raqaqli huquq, axborot jamiyati sharoitlariga moslashtirilgan insonning universal huquqlari, xususan, shaxsiy hayotga daxldorlik, ma‘lumot almashish huquqi, Internetda so‘z erkinligi, elektron tarmoqqa kirish huquqi kabi sohalar tushuniladi³. Shunday bo‘lsada raqaqli huquq haqida turli olimlar turlicha fikr yutitishadi va uning qamrov maydoni haqida turli xil farazlarni ilgari surishadi. Masalan rus olimi Karsxiya A. A. raqaqli huquqni quyidagicha ifodalaydi: “Raqaqli huquq subyektiv fuqarolik huquqlari toifasiga kiradi va raqaqli obyektlarning huquqiy xususiyatiga va raqaqli texnologiyalarni qo‘llash (ulardan foydalanish) jarayonida yuzaga keladigan mulkiy huquqiy munosabatlarining xususiyatiga qarab korporativ, majburiy, intellektual

¹ Синюков В. Н. Цифровое право и проблемы этапной трансформации российской правовой системы //Lex russica. – 2019. – №. 9 (154).

² <https://searchdatamanagement.techtarget.com/definition/database#:~:>

³ Ситдикова Р. И., Ситдилов Р. Б. Цифровые права как новый вид имущественных прав //Имущественные отношения в Российской Федерации. – 2018. – №. 9 (204).



va boshqa fuqarolik huquqlari sifatida malakali bo'lishi mumkin"¹. Raqamli huquq qamrov doirasi nisbiy tushunchadir. Bugungi globallashtirish va raqamlashtirilib borilayotgan kunda raqamli huquqning qamrov doirasi ham toboro kengayib bormoqda.

Aynan shularga asoslanib quyidagilarni taklif qilishimiz mumkin :

Birinchidan, raqamli huquqqa berilgan ta'riflarni yagonalashtirish, yangi huquq sohasi sifatida e'tirof etish;

Ikkinchidan, data markazlarini saqlash borasida milliy qonunchilik tizimini shakllantirish;

Uchinchidan, raqamli huquqda jazo choralari mexanizmini ishlab chiqish.

Xulosa o'rinda aytish joizki, bugungi raqamli huquqda aksariyat hollarda axloq normalari ustunlik qilmoqda. Aksariyat hollarda davlatlarning milliy qonunchilik tizimida xalqaro normalarning "raqamli huquq"ga doir normalari implementatsiya qilinmoqda. Shularni hisobga olgan holda O'zbekiston Respublikasida "raqamli huquq" ni joriy etishga doir milliy dastur joriy etish va ilmiy izlanishlar olib borish, mamlakatimizni raqamlashtirish jarayonining murakkab masalalariga tizimli tahlil asosida yechim topish imkonini yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar :

1. Синюков В. Н. Цифровое право и проблемы этапной трансформации российской правовой системы //Lex russica. – 2019. – №. 9 (154).
2. Ситдикова Р. И., Ситдилов Р. Б. Цифровые права как новый вид имущественных прав //Имущественные отношения в Российской Федерации. – 2018. – №. 9 (204).
3. Карцхия А. А. Цифровые права и правоприменение //Мониторинг правоприменения. – 2019. – №. 2 (31).
4. <https://searchdatamanagement.techtarget.com>

¹ Карцхия А. А. Цифровые права и правоприменение //Мониторинг правоприменения. – 2019. – №. 2 (31).



HUQUQIY ONG VA HUQUQIY MADANIYAT

Toshova Zamira Nuriddinovna

Navoiy viloyati Karmana tumani

13- maktab tarbiya va huquq fan o'qituvchisi

Telefon: +998(93) 148 52 25

zamira-toshova@gmail.ru

Annotatsiya: Ushbu maqolada shuni aytish mumkinki, inson huquqlari taraqqiyoti uzluksiz davom etuvchi, harakatdagi jarayon bo'lib, doimo takomillashib boradi. Inson huquqlariga oid norma va qoidalarni har bir shaxs qalbi va ongiga singdirish o'z navbatida, milliy o'zini anglashga hamda huquqiy faol jamiyat a'zosini tarbiyalashga xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: Inson huquqi, fuqorolik, inson, erkinlik, davlat, siyosiy huquq, Konstitutsiya, vijdon erkinligi, dinga e'tiqod, totalitar tuzum.

Huquqiy ongni rivojlantirishda huquqiy madaniyat va huquqiy tarbiyaning roli. Huquqiy ong bu jamiyatda kishilarning huquq to'risidagi qarashlaridir, chunki huquqiy normalar jamiyatning iqtisodiy, siyosiy va madaniy hayotida kishilar o'rtasida turli ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda muhim rol o'ynaydi. Huquq normalari bilan ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda huquqiy ong ya'ni kishilarning huquqni bilishligi, huquq normalarini bajarishligin katta ahamiyatga egadir. Huquqiy ong jamiyatda ijtimoiy ongning boshqa shakllaridan – falsafa, siyosat, din, axloqdan farq qiladi. U jamiyatda ijtimoiy ongning maxsus shakli bo'lib hisoblanadi, chunki huquqiy ong keng tushuncha bo'lib, jamiyatda huquqiy normalarni qabul qilish, ularni turmushda qo'llash, huquq to'g'risida bilimlarning, ya'ni huquqiy madaniyat va huquqiy tarbiya to'g'risidagi murakkab ijtimoiy vazifalarni o'z ichiga oladi. Huquqiy ong huquq bilan uzviy ravishda bog'liq. Huquqiy ong va huquqning munosabatlari uning quyidagi xususiyatlarida namoyon bo'ladi:

- Jamiyatda huquqiy ong qonun va boshqa huquq normalarini qabul qilishda turli g'oyalarni rivojlantirishda, ularni qabul qilishda muhim rol o'ynaydi.
- Jamiyatda huquqiy ong barcha fuqarolarning, davlat organlarini, ayniqsa huquqni muhofaza qiluvchi idoralar, sud, prokuratura, ichki ishlar idoralari, milliy xavfsizlik xizmati, adliya organlari va mansabdor shaxslarni huquqni hayotda to'g'ri qo'llash uchun ular bilan turli ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda muhim ahamiyatga ega.
- Jamiyatda huquqiy ong amaldagi davlatning harakatda bo'lgan huquqning huquqiy me'yorlarini tartibga solishda, kodifikatsiya qilishda muhim rol o'ynaydi.
- Jamiyatda huquqiy ong boshqa ijtimoiy ong shakllaridan huquq, majburiyat, burch, huquqbuzarlik va unga qo'llaniladigan jazo choralari bilan farq qiladi.

Huquqiy ong davlatning huquqiy normalarni qabul qilish, huquqiy tashabbuskorlik faoliyatini amalga oshirishda, huquqiy normalarni turmushda qo'llashda ular bilan kishilar o'rtasidagi turli ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda katta ahamiyatga ega. Chunki davlat miyosidagi har qanday qonun va boshqa huquqiy normalar qabul qilishdan oldin huquqshunos mutaxassislar tomonidan o'rganilib chiqiladi. Shuning uchun huquqshunoslar siyosat va amaliyotni yaxshi bilsa, qabul qilinadigan huquq me'yorlari shunchalik mustahkam bo'ladi. O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so'ng fuqarolarning huquqiy ongliligi natijasida, huquqshunos olimlarning faol ishtirokida bozor iqtisodiyotining huquqiy asosini yaratuvchi ko'pgina qonunlar, Kodekslar qabul qilindi. Huquqiy ong huquq to'risidagi kishilarning qarashlarini o'rgatar ekan, u o'zining tuzilishiga egadir, ya'ni huquqiy mafkura va huquqiy psixologiyadan iborat.

Huquqiy mafkura deganda, jamiyatdagi turli sinflarning, tabaqa millat va elatlarning huquq to'risidagi qarashlari tushuniladi. Jamiyatda qabul qilinadigan davlatning asosiy qonuni Konstitutsiya va boshqa qonunlar, huquqiy normalar jamiyatdagi millatlar va elatlar manfaati nuqtai nazaridan qabul qilinadi. Huquqiy mafkura har bir davlatda huquqdan tashqari, huquqshunoslik fanlarini ham o'z ichiga oladi.

Huquqiy psixologiya deb jamiyatdagi har bir kishining huquq to'risidagi qarashlari, bilimlari tushuniladi. Uning paydo bo'lishi va rivojlanishida jamiyatdagi barcha ijtimoiy guruhlar va kishilar qatnashadi. Shuning uchun huquqiy mafkura va huquqiy psixologiya bir biri bilan bog'liqdir.

Jamiyatda huquqiy ongni rivojlantirishda, huquqiy normalarni qabul qilishda huquqiy mafkura asosiy hal qiluvchi rol o'ynaydi. Chunki huquqiy mafkurajamiyatdagi huquqiy ustqarmaning



mavjudligini, talabga javob berishini, huquqiy normalarning kishilar o'rtasidagi turli ijtimoiy munosabatlarni tartibga solib mustahkamlashga va rivojlantirishga katta yordam beradi.

Huquqiy psixologiya huquqiy mafkurani ta'minlab turuvchi ozuqadir. CHunki u huquq to'g'risida alohida shaxslarni va jamoatchilikning huquqiy ongidan tashkil topgan.

Huquqiy madaniyat kishilarning huquq to'g'risidagi bilimiga, qonunga bo'lgan hurmati, huquqiy me'yorlarni bajarishi, ularga amal qilmaganda huquqbuzarliklar sodir qilinsa, tegishli jazo choralari olishiga aytiladi.

O'zbekistonda demokratik huquqiy davlatni shakllantirish jamiyat, mansabdor shaxslar va fuqarolarning huquqiy madaniyatini oshirishni talab qiladi. SHuning uchun huquqiy davlatning muhim beligsi- bu huquqiy madaniyatdir. O'zbekistonning bozor iqtisodiyotiga o'tishi turli demokratik islohotlarni o'tkazishlarni talab qiladi. Bu esa fuqarolarning huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini rivojlantirishni talab qiladi. Huquqiy madaniyat umuminsoniy madaniyatning bir qismi hisoblanadi. Unda kishilar qanchalik madaniyatli bo'lsa, qanchalik huquq normalari va qonunlarni bilsa, yuridik adabiyotlarni bilib ularga amal qilsa, shunchalik huquq buzilishi kam bo'ladi. SHuning uchun respublikamizda kishilarning huquqiy madaniyatini oshirishga katta e'tibor berilmoqda.

Foydanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi.
2. Konstitsiya va qonunlar ustunligi- O'zbekiston taraqqiyotining kafolati. (1999 yil 17 noyabr ilmiy amaliy konferentsiya materiallari) T., "Adolat" 2000 y.



ФУҚОРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Беғамов Мухриддин Камолiddин ўғли

Тошкент давлат юридик университети магистранти

Телефон: +998(94) 269 51 99

uzmaster.com@gmail.com

Анотация: мазкур мақолада “фуқоролик процессуал ишлари”, “прокурорнинг фуқоролик процессига таъсири”, “прокурор ва фуқоролик суди ўртасидаги боғлиқликлар” каби тушунчаларни, прокурорнинг фуқоролик суд ишларида тегишли ваколатларга эга бўлишини махсус қонун ҳужжати билан белгилаб қўйилиши каби масалаларни хорижий мамлакатлар тажрибасида таҳлил этишга бағишланган.

Калит сўзлар: Фуқоролик процесси, Германия тажрибаси, Франция фуқоролик юрисдикцияси, Länder constitutions, Суд ҳокимияти тўғрисида, магистратлар.

Фуқоролик ишларида прокурор иштироки ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш жоизки, фуқоролик процесси суд ишларида прокурор иштироки деярли барча давлатларнинг, хусусан, АҚШ, Германия, Франция, Испания, Италия ва Япония каби ривожланган давлатларнинг қонунчилик тажрибасида ҳам мавжуд. Мисол учун, Италияда прокуратура фарзандликка оид ишларда, шахсни муомала лаёқатига эга эмас деб топиш ҳақидаги ва судда кўрилатган бошқа бир қатор фуқоролик ишларини биринчи инстанция, апелляция ҳамда кассация судида кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Францияда прокурор, агар “жамият манфаатлари” талаб этса, ҳар қандай босқичдаги судларда расман иштирок этади. Ҳатто, айрим давлатларда, масалан Бразилияда, прокурорнинг фуқоролик ишларида иштирок этиши ушбу институтнинг функцияларидан бири сифатида Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Судлар томонидан жиноят доирасидан ташқаридаги ишларни кўриб чиқишда прокурорларнинг иштирокидаги муҳим муаммолар (иштирок этиш асослари, ваколатлари доираси ва хусусияти, ижро ишларида тутган ўрни ва ҳк). Шу ўринда савол туғилиши мумкин: Ўзбекистон Республикасида Европа мамлакатларида прокурорнинг фуқоролик процессида иштирок этишини ҳуқуқий тартибга солишнинг қайси хусусиятлари қўлланилиши мумкин?

Ушбу соҳага доир илмий ишлар муаллифлари таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикасининг роман-герман юридик оиласига мансублиги ривожланган фуқоролик юрисдикциясига эга давлатлар, хусусан, Германия тажрибасини ўрганиш аҳамиятини белгилайди. Германия Федератив Республикаси прокуратураси фаолияти 1949 йилги Конституция билан тартибга солинмаган ва тегишли федерал қонун қабул қилинмаган. 1877 йил 30 январда қабул қилинган ва ҳозирда амалда бўлган Германия Федератив Республикасининг Фуқоролик процессуал кодекси (ФПК) прокурорларга фуқоролик процессида қонун ва тартибни назорат қилиш ҳуқуқини бермайди. Прокуратура фаолияти федерал штатлар конституциялари (Länder constitutions), Суд ҳокимияти тўғрисида Федерал қонун (Прокуратура тўғрисида 10-бобнинг 141-152-бандлари), Ландер қонунлари, шунингдек, Федерал Адлия вазири ва Ландер Адлия вазирларининг низомлари, Федерал Бош прокурор ва штатлар бош прокурорларининг буйруқлари билан тартибга солинади. Бундан ташқари, суд амалиёти аниқлаштириш учун Конституциявий суд, федерал ва штат судларининг қарорлари қўлланилади.

Германияда прокуратура Адлия вазирлигининг таркибига киради. Фаолиятни умумий режимда бошқариш Германия Федератив Республикаси Адлия вазирига ҳамда штатлар адлия вазирлари зиммасига юклатилган. Прокурорлар судлар таркибига кириб, тегишли судларга бириктирилган, аммо улардан мустақил саналади (Суд тизими тўғрисидаги қонуннинг 150-моддаси). Прокуратура ваколатлари тегишли суд ваколатлари билан белгиланади (“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 142-моддаси 1-қисмининг 1-банди). Умумий, меҳнат, ижтимоий, маъмурий ва молиявий ҳуқуқ соҳаларида ихтисослашган судлар мавжуд. Ҳар бир йўналиш ўзига хос судлар ва юқори суд тизими билан ажралиб туради (ма-



салан, ер ва маҳаллий судлар, Федерал меҳнат суди).

Германиядаги меҳнат судлари 1953 йилги “Меҳнат судлари тўғрисида”ги қонунга биноан тузилган бўлиб, суд процесслари фуқаролик процессининг бир тури ҳисобланади. Меҳнат судлари тўғрисидаги қонунда прокурорнинг ваколатлари белгиланмаган. Жараёнга кирган тақдирда прокурорнинг ваколатлари томонлар умумий ваколатига тўғри келиши шарт. Бинобарин, прокурор суд ишларида умумий асосларда қатнашиш ҳуқуқига эга. Процессуал қонунчиликда прокурорнинг ҳулоса бериш учун ишга аралашуш ваколатлари белгиланмаган.

Иқтисодиёт соҳасидаги ихтисослашган суд тор ваколатларга эга бўлган молиявий суд ҳисобланиб, ушбу суд доирасида прокурор иштирок этиши мумкин бўлган давлат манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини деярли кўриб чиқмайди.

Ҳар бир штат судида тижорат ишлари бўйича палаталар мавжуд. “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги қонунга биноан тижорат ишлариг бўйича битимлар иштирокчилари, тижорий шерикчилик аъзолари ўртасида келиб чиқадиган низолар, векселлар бўйича низолар, чеклар тўғрисидаги қонунни қўллаш, товар белгиларини ҳимоя қилиш ва бошқалар киради. Тижорат (иқтисодий) низолар бўйича иш юритиш Германиянинг Фуқаролик процессуал кодекси билан тартибга солинади, прокурорга ушбу тоифадаги ишларни судларда кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди.

Фуқаролик ҳуқуқи ривожланган яна бир мамлакат Франция ҳисобланади. Франция прокуратураси Адлия вазири бошчилигидаги Адлия вазирлигининг таркибига киради.

Прокуратура фаолияти учун ҳуқуқий асос бўлиб, 1958 йил 4 октябрдаги Франция Конституцияси (64, 65-моддалар), 1958 йил 22 декабрдаги 58-1270-сонли магистратура мақоми тўғрисидаги органик қонунни ўз ичига олган фармойиш ҳамда Адлия вазирлигининг ташкилий масалалари тўғрисидаги 2008 йил 9 июлдаги 2008-689-сонли Фармон амал қилади. Прокуратура органи ходимлари суд тизимига яқин бўлиб, прокурорлар ҳам, судьялар ҳам магистратлар деб номланади ва бир хил малакага эга бўлиб, кўпинча прокуратурадан судга ва аксинч, суддан прокуратура тизимига ўтган ҳолда фаолият кўрсатадилар.

Франция судларида фуқаролик ишларини кўриб чиқишда қатнашиш орқали бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича прокурорларнинг суд ишларида иштирок этиш ваколатлари 1995 йил 8 февралдаги 95-125-сонли қонун билан тартибга солинади ҳамда бу фуқаролик ишларини ташкил этишни, шунингдек прокурор иштироки билан боғлиқ ҳуқуқий тармоқларни (масалан Меҳнат кодекси) белгилайди.

Кўриб турганимиздек, фуқаролик суд процесслари ривожланган хорижий мамлакатларнинг ички юрисдикцияларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб, унда томонлар тенглиги ҳамда одил судловни таъминлашга юқори даражада урғу берилган, прокуратуранинг аралашуви эса минимал даражада сақлаб қолинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қаранг: Решетников Ф. М. Правовые системы стран мира: справочник. – М.: 1993. – 111 с.
2. Қаранг: Constitution of Brazil <http://www.v-brazil.com/government/laws/titleIII.html>
3. Курбатов В.И. Современная западная социология: Аналитический обзор концепций: Учеб.пособие. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2001. – 416с.
4. Basic Law for the Federal Republic of Germany. – URL: http://www.gesetze-im-internet.de/basic_law_for_the_federal_republic_of_germany.pdf
5. Basic law for the federal republic of Germany. (n.d.). Retrieved April 07, 2021, from https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_gg/
6. Елисеев, Н. Г. Краткий комментарий к Гражданскому процессуальному уложению Германии / Н. Г. Елисеев // Справочно-правовая система «Гарант». – URL: <http://base.garant.ru/5213390/>
7. Бремен конституциясининг 14-15 моддалари. – URL: https://www.uni-trier.de/fileadmin/fb5/inst/IEVR/Arbeitsmaterialien/Staatskirchenrecht/Deutschland/Religionsnormen/Erster_Teil_Verfassungen_Bremen.pdf
8. Суд ҳокимияти тўғрисидаги қонун (GVG). – URL: http://www.gesetze-im-internet.de/englisch_gvg/courts_constitution_act.pdf
9. Макленбург-Ғарбий Померания (Gerichtsstrukturgesetz) судьялари тўғрисида қонун.



- URL: <http://https://de.wikipedia.org/wiki/Gerichtsstrukturgesetz>
10. Давтян, А. Г. Гражданское процессуальное право Германии: Основные институты: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук / Давтян А. Г. – Москва, 2002. – 88 с.
11. Судебные органы зарубежных стран: учеб, пособие / отв. ред. А. Б. Гафуров. – Ташкент: Центр повышения квалификации юристов «Baktria press», 2014. – 260 с.
12. Судебные органы зарубежных стран: учеб, пособие / отв. ред. А. Б. Гафуров. – Ташкент: Центр повышения квалификации юристов «Baktria press», 2014. – 258 с.
13. Мехнат судлари тўғрисидаги қонун. - URL: <https://www.gesetze-im-internet.de/arbogg/>
14. Судебные органы зарубежных стран: учеб, пособие / отв. ред. А. Б. Гафуров. – Ташкент: Центр повышения квалификации юристов «Baktria press», 2014. – 259 с.
15. Миряшева, Е. В. Институт прокуратуры Французской Республики в системе гарантий конституционных прав и свобод: автореф. дис. ... канд. юрид. наук / Миряшева Е. В. – Москва, 2006. – 27 с.
16. Суд процессларини ташкил этиш кодекси. - URL: <https://www.legifrance.gouv.fr/affichCode.do?cidTexte=LEGITEXT000006071164>



ФЕНОМЕН ДОБРОПОРЯДОЧНОСТИ КАК ФАКТОР УЛУЧШЕНИЯ СФЕРЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ СЛУЖБЫ

Отаназаров Абдорбек

Слушатель магистратуры в
Академии Генеральной прокуратуры
Республики Узбекистан.

Аннотация. В статье анализируются феномен «добропорядочности» в государственной службе и пути её развития в государственной службе.

Ключевые слова: государственная служба, государственный служащий, добропорядочность, государственный сектор, коррупция.

ҲАЛОЛЛИК ФЕНОМЕНИ ДАВЛАТ ХИЗМАТИ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Аннотация. Мақолада давлат хизматидаги «ҳалоллик» феномени ва унинг давлат хизматида ривожланиш йўллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: давлат хизмати, давлат хизматчиси, ҳалоллик, давлат сектори, коррупция.

THE PHENOMENON OF INTEGRITY AS A FACTOR OF IMPROVING THE SPHERE OF THE PUBLIC SERVICE

Annotation. The article analyzes the phenomenon of “integrity” in public service and the ways of its development in public service.

Key words: public service, public servant, integrity, state sector, corruption.

Сегодня в большинстве стран растут ожидания со стороны граждан, предпринимателей и вообще всего гражданского общества, когда же их правительства будут устанавливать и обеспечивать более высокие стандарты добропорядочности на государственной службе, предлагать им более развитую систему государственной службы с нулевой терпимостью в отношении коррупции, показывая при этом высокую культуру общения с гражданами.

Принимая во внимание значительный прогресс, происходящий в международной арене, достигнутый за последние годы в разработке эффективных мер прозрачности, системы этики в государственной службе, а также Агентств по борьбе с коррупцией, теперь необходимо сосредоточить внимание к проблемам интернализации добропорядочности в государственных службах этих стран.

Добропорядочность представляет собой одну из основ политической, экономической и социальной системы общества. Оно является важным фактором экономического и социального благосостояния и процветания каждого индивидуума и общества в целом.

Комитет экспертов ООН по государственному управлению, связывает добропорядочность с «честностью и надежностью государственных служащих при выполнении ими своих задач»[1]. Организация экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) определяет как «последовательное соблюдение и приверженность общепризнанным этическим ценностям, принципам и нормам с целью отстаивания и обеспечения приоритета общественных интересов над частными в публичном секторе»[2].

Таким образом, согласно этим определениям, добропорядочность в государственном секторе означает качество действий, предпринимаемых государственными служащими, измеряемое на основе фундаментальных правил и общественных ценностей. Его можно рассматривать как противоположность плохого управления или «сложного явления дисфункций, включающего сопротивление изменениям, формализм, безразличие к эффективности, враждебность к технологиям, чрезмерное укомплектование штатов, кумовство, коррупцию»[3].

К примеру, правила прозрачности, программы управления рисками и кодексы поведения для государственных служащих направлены на обеспечение подотчетности, справедливости



и дисциплины; другие соответствуют ограничениям и санкциям, таким как ограничения (например, определения потенциальных конфликтов интересов), административные обязанности и дисциплинарные санкции. В целом, они являются способами продвижения инноваций в государственном секторе, предотвращения недобросовестного управления[4]и способствуют повышению эффективности государственного управления.

Добропорядочность в государственной службе лучше всего рассматривать как общее изложение «основных ценностей», которые определяют профессиональную роль государственной службы. В целом, современные кодексы поведения государственной службы устанавливают общие принципы высокого уровня, такие как честность, подотчетность, ответственность, надежность и т. д., но уделяют мало внимания тому, как эти принципы должны применяться в конкретных обстоятельствах.

Однако, все-таки кодексы поведения обычно устанавливают конкретные стандарты поведения, ожидаемые в ряде реальных обстоятельств, отражающие предпочтительную или требуемую интерпретацию конкретной организацией основных ценностей или принципов, которые считаются важными для ее работы.

Внедрение подобных кодексов является первым этапом формирования добропорядочности в государственной службе, так как оно является способом построения эффективной государственной службы, где основными аспектами являются этика и высокая культура общения, нулевая терпимость к коррупции и соблюдение общечеловеческих норм морали.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.unpan.org/DPADM/CEPA/UNCommitteeofExpertsonPublicAdministration/tabid/1454/language/en-US/Default.aspx
2. <https://www.oecd.org/gov/ethics/integrity-recommendation-ru.pdf>
3. Sabino Cassese, “Maladministration” erimedi [Maladministration and remedies], 5 II Foro italiano 1 (1992)
4. Integrity measures reported by the UN Office on Drugs and Crime, International Compendium of Legal Instruments on Corruption (2005)



ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Ҳамидов Азизбек Олимжонович

Бош прокуратура Академияси

Магистратураси тингловчиси

Телефон: +998(90) 350 29 24

hamidov_a@mail.ru

Аннотация. Тезисда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш жараёнига ахборот технологияларини жорий этилишининг жорий ҳолати ва унинг аҳамияти қисқача таҳлил қилиниб, ушбу амалиётни янада такомиллаштириш бўйича айрим таклифлари илгари сурилган.

Калит сўзлар: ижро ҳужжати, ижро иши юритуви, давлат ижрочиси, ахборот технологиялари, автоматлаштириш, инсон омили, коррупцион ҳолатлар.

Бугунги кунда замонавий информацион технологияларсиз Мажбурий ижро бюроси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни уddалаши имконсиздир десак муболаға бўлмайди. Бошқа давлат органлари, шунингдек ижтимоий муносабатларда бўлгани каби Мажбурий ижро бюроси фаолиятига ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологиялари босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Ижро ҳужжатларини ижро қилиш жараёни давлат ижрочисидан ўзига ҳос билим, малака ва энг асосийси вақтни талаб этади. Жамият ҳуқуқий онги ва маданияти ошиб борар экан унинг субъектлари ўртасидаги низоларни суд орқали ҳал қилиш амалиёти тобора кенг тус олиб бормоқда ва бу эса ўз навбатида ижро ҳужжатларининг сони тобора кўпайиб, давлат ижрочисининг иш юкламаси янада ортиб боради демакдир.

Бугунги кунда Мажбурий ижро бюроси давлат ижрочиларининг иш юкламаси МДХ ва бошқа кўплаб ҳорижий мамлакатларда мазкур соҳа масъулларининг иш юкламасига нисбатан юқори бўлиб, бу ҳолат ижро ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлақонли ижросини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади.

“МИБ портал” дастури Бюро зиммасига юклатилган асосий вазифаларни бажариш учун махсус яратилган “виртуал офис” бўлиб, давлат ижрочилари барча турдаги ижро ҳаракатларини мазкур дастур ёрдамида амалга оширадилар. Ушбу дастур ижро иши доирасида ваколатли давлат органлари билан тезкор маълумотлар алмашиш, қарздорлар ва уларнинг мулкларини қидириш, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорларнинг базасини шакллантириб бориш ва унинг ҳавфсизлигини таъминлаш каби муҳим функцияларни бажаради.

Тез сураётларда ривожланаётган ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар барча соҳаларни катта ҳажмдаги маълумотлар базаси билан ишлашни тақозо этади, шу жумладан ижро иши юритувда ҳам. Бу даврда «мураккаб ижро» муаммосини ҳал қилиш учун биз анъанавий усулларда фикрлашдан воз кечиб, «фаол маълумот алмашинуви» асосида дастурий таъминот томонидан тўпланган маълумотлардан самарали фойдаланиш, бунда рақамли технологиялар ёрдамида суд қарорлари ижроси учун бутунлай янги йўл яратиш зарурдир¹.

Ижро ҳаракатларини электрон дастури ёрдамида амалга ошириши уларнинг иш ҳажмини қисқартиради албатта, бироқ мамлакатимизда ижро иши юритуви соҳасига татбиқ қилинаётган амалдаги ёндашув инсон омилини инкор қилмайди.

Давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг амалдаги функцияси жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш айнан ушбу давлат хизматчиларининг хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлиб қолишига олиб келади. Яъни, аслида қонун билан аниқ белгилаб қўйилган айрим муносабатлар мансабдор шахснинг ҳаракати ёки унинг ҳаракатсизлиги туфайли рўёбга чиқмай қолиши мумкин бўлиб, бу авваламбор ушбу муносабат субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказди, қолаверса коррупцияга мойил вазиятни вужудга келтиради.

¹ Jiejing Yao, Refined Execution of Courts based on Big Data and Artificial Intelligence, 2019, Advances in Social Science, Education and Humanities Research, volume 325.



Жамиятда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ушбу босқичидаги деярли барча муносабатлар императив нормалар ёрдамида тартибга солиниб, бу жараёнда қабул қилинган қарорлар муҳокама қилинишига йўл қўйилмайди.

Соҳани тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинадиган бир қатор муносабатлар қайси ҳолатларда айнан қандай ҳал қилиниши лозимлиги аниқ белгилаб қўйилган.¹ Мисол учун, қарздорнинг вақтинча чекланган четга чиқиш ҳуқуқини бекор қилиш жараёнини қисқача таҳлил қилайлик. Қонун ҳужжатларида қарздорга қўйилган чеклов қайси ҳолатларда олиб ташланиши лозимлиги аниқ белгилаб қўйилган ва бу ҳолатларда давлат ижрочиси чекловни олиш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур.² Амалдаги тартибга кўра давлат ижрочиси махсус электрон тизим орқали қарздорга қўйилган чекловни олиб ташлайди ва бу ҳақда қарздор ва ундирувчини хабардор қилади.

Шундай экан, ушбу жараён нима сабабдан дастурий таъминот томонидан автоматик тарзда эмас, албатта давлат ижрочиси томонидан амалга оширилиши керак. Амалиётда айрим ҳолатларда иш ҳажмининг кўплиги ёки давлат ижрочисининг масъулиятсизлиги оқибатида айрим қарздорлар ўз мажбуриятини тўлиқ бажарган тақдирда ҳам унга қўйилган чекловлар ечилмай қолиши, бунинг оқибатида уларга моддий ва маънавий зиён етказилганлик ҳолатларини ҳам учратиш мумкин. Чунки, биргина шу ҳолат мисолида ижро иши юритувида қарздорнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқи амалга оширилишини давлат ижрочисига, яъни шахсга боғланиб қолганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, ижро иши юритишни кўзғатиш ёки қайтариб юбориш, қарздорнинг мулкига қўйилган таъқиқларни ечиш, иш юритувни тамомлаш ёки тугатиш каби Қонун билан қатъий белгилаб қўйилган бир қатор вазиятларни ҳам шу тариқа таҳлил қилиш ва автоматлаштириш фикримизча мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ушбу қарорларнинг ўз вақтида ва аниқ асослар мавжуд бўлгандагина қабул қилиниши замирида шахсларнинг (қарздор ёки ундирувчи) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ётади.

Хулоса қилиб айтганда, ижро иши юритувига ахборот технологиялари самарали татбиқ этилиши суд қарорлари ижросини таъминлашдаги айрим жараёнларни инсон омилини четлаган ҳолда, автоматлаштириб, давлат ижрочиларининг иш ҳажмини нисбатан енгиллаштиради, қолаверса соҳадаги айрим коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек суд қарорларини қисқа фурсатларда ва самарали ижросини таъминлаш орқали ижро иши юритувидаги тарафларнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 257-II-сон Қонуни.

2. Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низом. 12.11.2019 й. Адлия вазирлиги рўйхат рақами 3196.

3. Jiejing Yao, Refined Execution of Courts based on Big Data and Artificial Intelligence, 2019, Advances in Social Science, Education and Humanities Research, volume 325.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/26477>

² Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низом. 12.11.2019 й. Адлия вазирлиги рўйхат рақами 3196.



KORRUPSIYA DARAJASINI BELGILOVCHI XALQARO KO'RSATKICHLARNING TAVSIFIY TAHLILI

Muhammadbobur Abdullayev

O'zbekiston Respublikasi Bosh
Prokuraturasi akademiyasi magistri
muhammadbobur12@gmail.com

Annotatsiya: ushbu tezisda korrupsiya darajasini belgilovchi xalqaro reytinglarning turlari va korrupsiya darajasini aniqlashda inobatga olinadigan jihatlarni qisqacha tavsifiy tahlili yuritilgan.

Kalit so'zlar: korrupsiya, xalqaro reytinglar, Transparency International, Control of Corruption

So'nggi yillarda mamlakatimizda xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bo'yicha keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda mamlakatning xalqaro maydonlardagi obro'-e'tibori va xalqaro imdji jud muhim jihat hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi turli sohalarda, shu jumladan davlat va xususiy sektorda korrupsiyasiga qarshi kurash bo'yicha xalqaro va mintaqaviy hamkorlik va sheriklik aloqalarini o'rnatishga intilmoqda. Shu munosabat bilan Prezidentning bir nechta farmonlari qabul qilindi. Masalan, Prezidentning 4210-sonli "O'zbekiston Respublikasining xalqaro reytinglar va indeksdagi o'rni yaxshilash chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qaror va 6003-sonli "O'zbekiston Respublikasining xalqaro reyting va indeksdagi o'rni yaxshilash hamda davlat organlari va tashkilotlarida ular bilan tizimli ishlashning yangi mexanizmini joriy qilish to'g'risida"gi farmonlari shular jumlasidandir.

Transparency International tomonidan e'lon qilingan 2019-yilgi korrupsiyani qabul qilish indeksiga ko'ra, hozirgi kunda O'zbekiston 180 mamlakat ichida eng kam korrupsiyaga uchragan 153 davlat hisoblanadi. Korrupsiyaga qarshi tizimli islohotlar va samarali xalqaro hamkorlik O'zbekistonni oldingi yillar bilan taqqoslaganda CPI indeksida 5 pog'onaga, Control of Corruption indeksida 10% gacha ko'tarilishini ta'minladi.¹

Korrupsiya darajasini belgilovchi ko'rsatkichlarga to'xtalar ekanmiz, hozirda korrupsiya darajasini belgilovchi turli xil xalqaro reytinglar mavjud bo'lib, ular korrupsiya darajasini belgilashda o'zlariga xos bo'lgan metodlardan foydalanishadi. Shuni unitmaslik kerakki, korrupsiya darajasini belgilashda korrupsiya ma'nosini belgilab beradigan, barcha davlatlar uchun bir xil bo'lgan ta'rif mavjud emas. Ushbu noaniqlik xalqaro ko'rsatkichlarga bevosita ta'sir etadi. Shu bilan birgalikda, korrupsiyaning turli xil ko'rinishlari, o'ziga xos xususiyatlari sababli, korrupsiya hodisasini aniq va obyektiv o'lchashning imkoni mavjud emas. Korrupsiya to'g'risida obyektiv ma'lumotlarni olish qiyin va hanuzgacha mamlakat ichkarisidagi va butun dunyo miqyosidagi korrupsiyaning haqiqiy darajasini aniq hisobga oladigan o'lchov tizimi tuzilmagan. Bunga sabab sifatida korrupsiyaning real darajasi korrupsiya ko'rsatkichlari bilan to'liq mos emasligida ko'rishimiz mumkin. Boshqacha qilib aytganda, hozirgi korrupsiyani darajasini aniqlovchi ko'rsatkichlar korrupsiyaning haqiqiy darajasi uchun mukammal hisoblanmaydi. Shunday bo'lsada, so'nggi yillarda korrupsiya milliy, mintaqaviy va global darajalarda asosan ma'lumotlar yig'ishning usuli sifatida so'rovlar o'tkazilishi orqali o'lchanmoqda. Ushbu ko'rsatkichlar korrupsiya haqida xabardorlikni oshirishda, davlatlarning reytinglarini taqqoslashda va statistik tahlillarni o'tkazishda juda foydali ekanligini isbotladi.² Korrupsiya ko'rsatkichlarining quyidagi turlarini ajratib ko'rsatishimiz mumkin³:

- Idrokka asoslangan ko'rsatkichlar va tajribaga asoslangan ko'rsatkichlar;
- Yagona ma'lumot manbai asoslangan ko'rsatkichlar va murakkab ko'rsatkichlar;
- Vakillik ko'rsatkichlar.

Idrokka asoslangan ko'rsatkichlar fuqarolar va mutaxassislar o'rtasida ma'lum bir mamlakatda korrupsiya to'g'risida fikr va tushunchalarga asoslanadi. Tajribaga asoslangan ko'rsatkichlarda esa, fuqarolarning yoki yuridik shaxslarning korrupsiyadagi haqiqiy tajribasini, ya'ni ularga pora taklif qilingan yoki berilganligini o'lchaydi.

¹ <https://info.worldbank.org/governance/wgi/Home/Reports>

² U4 – Anti-Corruption Resource Center 2009,2

³ UNDP (2008), A Users' Guide to Measuring Corruption, <http://www.globalintegrity.org/toolkits/books.cfm> (accessed 31 July 2009).



Yagona ma'lumot manbasiga asoslangan ko'rsatkichlar ko'rsatkichni aniqlaydigan tashkilot tomonidan uchinchi tomon ma'lumotlariga murojaat qilmasdan ishlab chiqariladi, murakkab ko'rsatkichlarda esa, har xil uchinchi tomon ma'lumot manbalari tomonidan ishlab chiqarilgan turli xil o'lchovlarni birlashtiradi va sintez qiladi.

Vakillik ko'rsatkichlari fikrlarni (yoki ovozlarni) va korrupsiya signallarini to'plash orqali yoki korrupsiyaga qarshi kurash, samarali boshqaruv va jamoat hisobdorligi mexanizmlarini o'lchashga harakat qiladi. Shu o'rinda turli xil ko'rsatkichlarning nega kerak degan savol paydo bo'lishi mumkin. Korrupsiyaning turli xil shakllari mavjud bo'lganligi sababli, bitta ko'rsatkichdan foydalangan holda korrupsiya darajasini ishonchli va xolisona aks ettirishning iloji yo'q.

Xulosa qilib aytganda, korrupsiya darajasini aniqlovchi reytinglar korrupsiyaning o'ziga xos o'lchoviga ega bo'lishi kerak. Masalan, Jahon bankining Control of Corruption ko'rsatkichi davlat va xususiy sektordagi korrupsiyani o'lchaydi. Demak, bu ko'rsatkich korrupsiyaning umumiy qabul qilingan ta'rifidan tashqariga chiqadi. Transparency Internationalning CPI indeksi korrupsiyani faqat davlat sektorida o'lchaydi. Xalqaro korrupsiya darajasini aniqlash reyting tizimini yaratish uchun korrupsiya nima ekanligi to'g'risida xalqaro konsensusni topish zarur. Shundan kelib chiqqan holda, mamlakatimizning xalqaro maydondagi ko'rinishini yaxshilash uchun, ushbu indekslar metodologiyasini o'rgangan holda islohotlarni amalga oshirish foydaliroq hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. U4 – Anti-Corruption Resource Center 2009,2
2. UNDP (2008), A Users' Guide to Measuring Corruption, <http://www.globalintegrity.org/toolkits/books.cfm> (accessed 31 July 2009).
3. <https://info.worldbank.org/governance/wgi/Home/Reports>



АНГЛО-САКСОН ВА РОМАНО-ГЕРМАН ҲУҚУҚ ТИЗИМЛАРИДА ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК БЎЙИЧА АЙБЛИЛИК МАСАЛАСИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Жумакулов Шерзод Шерали ўғли

Тошкент давлат юридик
университети магистранти
Телефон: +998983382016
e-mail: thesher76@gmail.com

Аннотация: Бугунги кунда тарафлар ўртасида тузилган хўжалик ва фуқаровий-ҳуқуқий шартнома шартларини бажармаганлик юзасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар ва шартнома бўйича айблилиқ масаласини ҳал қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан, ушбу тезисда романо-герман ва англо-саксон ҳуқуқ тизимида кирувчи айрим давтлар тажрибаси қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: шартнома бўйича айбдорлик, романо-герман ҳуқуқ тизими, англо-саксон ҳуқуқ оиласи, шартнома бўйича мажбурият ҳуқуқи, шартномани бажармаганлик оқибати, объектив ёндашув, субъектив ёндашув

Хусусий ҳуқуқнинг ривожланишида икки ҳуқуқий тизим (оила) — романо-герман ва англо-саксон ҳуқуқ оилалари муҳим рол ўйнайди. Бу тизимларнинг ҳар бири шартноманинг ҳуқуқий тушунчаларини ишлаб чиққан бўлиб, бу тизимларнинг ҳуқуқий механизмларининг фаолият кўрсатишини таъминлабгина қолмай, балки турли давлатлар қонунчилигининг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади.

Масалан, бир қатор давлатлар, жумладан, Россия Федерацияси, Эстония, Латвия, Озарбайжон, Грузия, Молдова, Италия, Тожикистон, Қозоғистон ва яна бошқа кўплаб давлатлар ҳуқуқий тизимининг ўзига хослигига қарамай, унинг шаклланиши ва ривожланиши, асосан романо-герман ҳуқуқ оиласи таъсирида содир бўлган [1]. Англо-саксон ва романо-герман ҳуқуқий тизимларининг ўзига хослиги бир қатор муҳим фарқларда намоён бўлади [2].

Шундай қилиб, романо-герман ва англо-саксон ҳуқуқ оилаларида шартнома қонунчилиги, шунингдек шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик юзасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни шарҳлаш ва қўллашга турлича ёндашувлар мавжуд.

Романо-герман ҳуқуқ тизимида қиёсий ҳуқуқ, шартнома ҳуқуқи ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига оид инглиз адабиётларида таъкидланганидек, шартноманинг қонуний кучи бўлган тақдирда (яъни, ишлаб чиқариш қобиляти) шартнома сифатида тан олинади. Шартнома тарафлари ўртасидаги ҳуқуқий боғлиқлик – ҳуқуқий муносабатларни яратиш қобиляти қонунда назарда тутилган бўлади.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимида ҳар қандай битим, шартнома унинг қонун томонидан тан олинганлигидан қатъи назар, агар шартноманинг мазмуни қонунга мувофиқ бўлса ва битим ёки қонуний равишда бажариладиган шартнома сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келади [3].

И.Б.Зокиров “фуқаролик ҳуқуқида, одатда, мажбуриятни бузганлик учун қарздорнинг ёки зарар етказувчининг жавобгарликка тортилиши учун қуйидаги тўртта асос бўлиши кераклигини таъкидлаган. Яъни:

биринчидан, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

иккинчидан, зарар етказилиши;

учинчидан, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир бўлган зарар ўртасида сабабий боғланишнинг мавжуд бўлиши;

тўртинчидан, қарздорнинг ёки зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиши [4].

Демак, шартнома шартларини (мажбуриятларини) бажармаганлик юзасидан ҳуқуқий оқибатнинг келиб чиқиши учун асосий омиллардан бири бу айб бўлиб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, шартномани бузганлик учун жавобгарликка тортиш учун асос сифатида айбнинг иккита асосий модели мавжуд. Яъни, Континентал Европа давлатларининг қонуний тартибидан фарқли ўлароқ, англо-саксон ҳуқуқ оиласида шартномага кафолат мажбурияти сифатида қаралади ва уни бажармаган тақдирда, қарздор айбининг мавжудлигидан қатъи назар зарарни қоплайди. Чунки ваъда қилинган фойдага эришилмаслиги ва кафолатнинг бажарилмаслиги ҳақиқатга айланади. Бу қоида К.Швайгерт томонидан ҳам илгари сурилган [5].

Мазкур ҳолатда мажбуриятни бажаришда содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун



жавобгарлик вужудга келади ва ижро этиш учун тақдим этилган кафолат муайян мажбуриятнинг бузилишини қопламаса, қарздор жавобгарликдан озод қилинади.

Фуқаролик ҳуқуқи ва шартномавий муносабатлар ривожланган романо-герман мамлакати ҳисобланган Германияда, тарафлардан бири шартнома шартларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилганда, унинг хатти-ҳаракати объектив ёки субъектив равишда баҳоланиши мумкин.

Шартнома бўйича қарздорнинг хатти-ҳаракатини идрок этишга субъектив ёндашув унинг ҳаракатлари айбдорлик учун жавобгарлик тамойилига бўйсунилишини аниқлатади.

Аксинча, объектив ёндашув ҳуқуқбузарнинг айбини инобатга олишни аниқлатмайди, жавобгарлик асослари тарафнинг ўз мажбуриятини бузганлиги ҳисобланади. Классик немис намоёниси Рудолф фон Иеринг қайд этганидек, шартномани бузганлик оқибатида келиб чиққан зарарни қоплаш асосий роль ўйнамайди, балки шартнома бўйича тарафнинг шартнома шартларини бузганлик айби муҳим ўрин тутди [6].

Бир қатор романо-герман давлатларида (Голландия, Италия, Белгия) кафолат принциpidан фойдаланиш қаттиқроқ жавобгарликка олиб келади, чунки унда иштирок этган шахс ўз айбидан қатъий назар жавобгар бўлади [7].

Шу билан бирга, илмий адабиётларда кафиллик учун жавобгарлик қарздорнинг мажбуриятни бажара олмаганлиги туфайли қонун ва шартномада талаб қилинганидек, ҳар қандай таваккалчилик учун жавобгарликни аниқлатади, деб таъкидланади [8].

Қарздорни айбини ҳисобга олмаган ҳолда жавобгарликка тортишнинг яна бир сабаби бу шартномада белгиланган товарни олмаслик хавфидир.

Масалан, сабзавот олди-сотди шартномаси тузилгач, уларнинг барчаси сабзавот дўконидagi ёнғин натижасида нобуд бўлган. Махсулот етказиб берувчи етказиб бериш мажбуриятини бажармаганликда айбдор бўлмайди ва шунинг учун шартномани бузганлик учун жавобгарликка тортилмайди.

Бироқ, агар келишув тарафлари мол-мулкни қабул қилмаслик хавфи таъминотчига юклатилганлигини аниқлаган бўлса, у ҳолда у айбдор бўлишидан қатъи назар, мажбуриятни бажармаганлик учун зарарларни қоплаши шарт. Бу романо-герман мамлакатларининг шартномани бажармаганлик юзасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Юқорида келтирилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, романо-герман ва англо-саксон ҳуқуқ тизими давлатларининг фуқаролик ҳуқуқида шартнома бузилишини содир этган шахснинг айбдорлиги тахмин қилинади ва зарар етказишда жабрланувчи сабабчининг айбини исботлаши керак бўлади. Шартномани бузганлик учун жавобгарлик мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда содир этилган эҳтиётсизликдан келиб чиқади. Маълум вазиятларда зарар этказганлик учун жавобгарлик қасддан қилинган ҳаракатларни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Радько Т. Н. Теория государства и права. М., 2009. С. 421—431.
2. Синюков В. Н. Российская правовая система (вопросы теории): дис. ... д-ра юрид. наук. Саратов, 1995;
3. Buckland W., McNair A. Roman Law and Common Law. New York: Cambridge University Press, 1936. P. 18
4. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Университетларнинг юридик факултетлари, юридик институти ва ҳуқуқ асослари ўқитиладиган олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. I қисм./Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонкулов. – 4-нашр. Қайта ишланган ва тўлдирилган. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. -354 бет.
5. Цвайгерт К., Кётц Х. Введение в сравнительное правоведение в сфере частного права: в 2 т. М.: Междунар. отношения, 1998. Т. 2. 512 с.
6. Winfried-Thomas S. Abkehr vom Verschuldensprinzip? Eine rechtvergleichende Untersuchung zur Vertragshaftung (BGB, Code civil und Einheitsrecht). Tübingen: Mohr Siebeck, 2007. 514 p.
7. Plate J. Das gesamte examensrelevante Zivilrecht, Berlin, Heidelberg, Springer, 2015, 201 p.
8. Каролине Л. Гражданско-правовая ответственность банков в расчетных правоотношениях по законодательству Германии и Российской Федерации (сравнительно-правовой аспект): дис. ... канд. юрид. наук. М., 2016. 209 с.



ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЙ РАБОТНИКОВ, НАПРАВЛЯЕМЫХ НА РАБОТУ В ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВА И КОНСУЛЬСКИЕ УЧРЕЖДЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.

Хасанов Мухриддин Урокбой угли,
Магистрант Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: state_ma@bk.ru

Аннотация: В данной работе проводится комплексный анализ правового регулирования трудовых отношений работников, направляемых на работу в дипломатические представительства и консульские учреждения Республики Узбекистан, в частности автор уделяет внимание на институт ротации, на классификацию нормативно-правовых актов, а также ряда проблем, существующих в данной сфере.

Ключевые слова: внешнеполитическая деятельность, правовое регулирование, особенность, трудовой договор, ротация.

Приступая к раскрытию особенностей правового регулирования труда работников, направляемых на работу в дипломатические представительства и консульские учреждения Республики Узбекистан, стоит отметить, что в данной сфере отсутствуют достаточных источников правового регулирования труда работников. В частности, в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5400 от 05.04.2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы Министерства иностранных дел Республики Узбекистан и усилению его ответственности за реализацию приоритетных направлений внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности» говорится, что анализ фактического положения дел в системе Министерства иностранных дел свидетельствует о наличии ряда серьезных проблем, препятствующих эффективной реализации возложенных задач, прежде всего, в сфере защиты и продвижения внешнеэкономических интересов государства. Среди которых указывается, что «действующая нормативно-правовая база комплексно не регламентирует все вопросы дипломатической службы, не в полной мере отражает накопленный правовой и практический опыт, а также не соответствует современным требованиям».

На самом деле, в статье 18 ТК Республики Узбекистан говорится, что «особенности регулирования труда государственных служащих устанавливаются законом».

Кроме этого, в последней части ст. 18 ТК Республики Узбекистан законодательно закреплено, что «устанавливаемые особенности правового регулирования труда отдельных категорий работников не могут снижать уровня трудовых прав и гарантий, предусмотренных Трудовым Кодексом».

В ст. 15 Конституции Республики Узбекистан сказано, что «в Республике Узбекистан признается безусловное верховенство Конституции и законов Республики Узбекистан. Государство, его органы, должностные лица, общественные объединения, граждане действуют в соответствии с Конституцией и законами», т.е. в правовом демократическом государстве все вопросы должны решаться на основе закона и толь закона, так как процесс принятия закона является более сложным, субъекты являются другими, сама процедуры другая, он более открытый, прозрачный и доступный для народа.

Однако, на практике к сегодняшнему дню отсутствуют нормы, регулирующие правовое регулирование трудовых отношений работников, направляемых на работу в дипломатические представительства и консульские учреждения Республики Узбекистан, на уровне закона. Существуют лишь проекты Закона Республики Узбекистан «О государственной службе» от 2017, 2018 и 2019 годов, а также проект Закона Республики Узбекистан «О дипломатической службе Республики Узбекистан»[1].

Сравнение проектов Закона Республики Узбекистан «О государственной службе» и Закона Республики Узбекистан «О дипломатической службе Республики Узбекистан» показывает, что согласно ст.54 проекта Закона Республики Узбекистан «О государственной службе» с государственным служащим заключается служебный контракт.

Согласно данной статье особенностями служебного контракта является то, что «административный акт о назначении на государственную должность является основанием для заключения с государственным служащим служебного контракта».

Для сравнения хотели бы отметить, что согласно статье 72 Трудового Кодекса Республики Узбекистан «трудовой договор есть соглашение между работником и работодателем



о выполнении работы по определенной специальности, квалификации, должности за вознаграждение с подчинением внутреннему трудовому распорядку на условиях, установленных соглашением сторон, а также законодательными и иными нормативными актами о труде».

Кроме того, особенностью правового регулирования трудовых отношений работников, направляемых на работу в дипломатические представительства и консульские учреждения Республики Узбекистан, является и тот факт, что соответствующими Указами, Постановлениями Президента, Постановлениями Кабинета Министров или Приказами Министра иностранных дел на них могут быть установлены дополнительные к установленным в трудовом договоре обязанности [2]. Например, согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан № ПП-3654 от 5 апреля 2018 года «Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства иностранных дел Республики Узбекистан» была возложена персональная ответственность на глав заграничных учреждений Республики Узбекистан — за налаживание и развитие всестороннего сотрудничества с зарубежными партнерами, результативность реализации утвержденных «дорожных карт», обеспечение дипломатическими и иными международно-правовыми средствами продвижения внешнеполитических и торгово-экономических интересов страны, привлечение инвестиций и туристских потоков из государства пребывания, а также защиту прав и законных интересов физических и юридических лиц Республики Узбекистан, адресное взаимодействие с соотечественниками за рубежом.

Наряду с этим мы выделяет схожие моменты между служебным контрактом и трудовым договором, к которым относим то, что оба они являются юридическими фактами, которые представляют собой соглашение сторон.

Кроме того, ещё одной особенностью правового регулирования трудовых отношений работников дипломатических представительств и консульских учреждений Республики Узбекистан является то, что к ним применим институт ротации [3].

Также проект Закона Республики Узбекистан «О дипломатической службе Республики Узбекистан» наряду с понятием ротации устанавливает и констатирует о длительных служебных командировках.

Кроме того, в последнее время выступления Президента Республики Узбекистан и его Указы и Постановления являются своеобразными драйверами, устанавливающими особенности правового регулирования трудовых отношений работников, направляемых на работу в дипломатические представительства и консульские учреждения Республики Узбекистан [4].

Так, согласно инициативе Президента Республики Узбекистан одним из важнейших направлений реформирования системы Министерства иностранных дел Республики Узбекистан определен коренной пересмотр и совершенствование нормативно-правовой основы деятельности и организационно-штатной структуры Министерства иностранных дел и заграничных учреждений Республики Узбекистан с акцентом на продвижение «экономической дипломатии» [5].

Список используемой литературы:

1. Электронный источник [URL-адрес: <https://www.gazeta.uz/ru/2018/01/23/diplomacy>]
2. Народное слово №8 (6936) 13/01/2018. Электронный образовательный ресурс [URL-адрес: <http://press.natlib.uz/ru/editions/5430>];
3. Шакиров О.И., Соловьев Д.Б. Реформы дипломатических ведомств на фоне новых внешнеполитических вызовов / под ред. М. Коминой; Центр перспективных управленческих решений. — М.: ЦПУР, 2020. — стр.26 — (Серия «Исследования по вопросам государственного управления»).
4. «Продвижение интересов Узбекистана на международной арене – основная задача нашего дипломатического корпуса». Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на совещании, посвященном деятельности Министерства внутренних дел и посольств нашей страны за рубежом <https://uza.uz/ru/posts/prodvizhenie-interesov-uzbekistana-na-mezhdunarodnoy-arene-o-12-01-2018>;
5. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5400 от 05.04.2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы Министерства иностранных дел Республики Узбекистан и усилению его ответственности за реализацию приоритетных направлений внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности».



ТАНОСИЛ ЁКИ ОИВ КАСАЛЛИГИ/ОИТСНИ ТАРҚАТИШ УНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ

Ҳакимова Соҳиба Содиқовна,
МЧЖ “Қишлоқ қурилиш экспертиза”,
Ҳукукий масалалар бўйича мутахассис.
E-mail: sohiba.xakimova@mail.ru

Аннотация: Мақолада Республикамизда таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатишга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар, Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш тушунчаси, ОИВ инфекцияси, ОИТС кассаллигини юктириш хавфидан огохлантириш, Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСнинг салбий оқибатлари, уларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш, Таносил касаллиги, ОИВ инфекцияси, ОИТС касаллиги, ОИТСни юктириш хавфи, иммунитет танқислиги синдроми. ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси.

Сўнгги йилларда ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятларга қарши кураш давлатимизда жиноят-ҳукукий сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Зотан, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори ҳисобланиб, бундай жиноятлар туфайли шахс, жамият ва давлат манфатларига жуда катта зарар етказилади. Жумладан, Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жинояти ҳам ҳаёт ёки соғлиқ учун чинакам хавф туғдирувчи ижтимоий хавфли қилмишлардандир.

Қайд этиш жоизки, Жиноят кодекси 113-моддаси билан Республикамизда 2015 йилда 32 та таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар рўйхатга олиниб 37 шахсга ҳукм чиқарилган бўлса, 2016 йилда 26 та жиноятлар рўйхатга олиниб 26 шахсга ҳукм чиқарилган бўлса 2017 йилда – 29 та иш, 32 нафар шахсга; 2018 йилда – 30 та иш, 30 нафар шахсга; 2019 йилда – 24 та иш, 24 нафар шахсга нисбатан кўрилган [1].

Шу ўринда Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ жиноятни таҳлил қилиб жиноят таркиби элементларига тўхталиб ўтсак, жиноятнинг объекти шахснинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Жиноятнинг объектив томони қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) билан ифодаланади, бу еса ОИВ инфекцияси билан бошқа шахснинг касалланишига реал хавф туғдиради. Жиноят содир этиш усули квалификацияга таъсир қилмайди ва иммунитет танқислиги вюрсини тарқатиш усули билан аниқланади: жинсий алоқа орқали, жараёндаги қон орқали, масалан, уни қуйиш ва бошқалар. Жиноят бошқа шахсни ОИВ инфекцияси юқиши хавфига қўйган пайдан бошлаб тугатилган ҳисобланади. Жиноят субъектив томондан бевосита тўғри қасд шаклида айбдорлик билан тавсифланади яъни айбдор ўзининг касал эканлигини билган ҳолда касалик юқишини реал хавф мавжудлигини англаб жабрланувчини онгли равишда хавф остида қолдиради. Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс ҳисобланади. Ушбу касалликнинг юқиш хавфи нафақат беморлар ва ОИВ билан касалланганлар, балки, масалан, тиббиёт ходимлари томонидан ҳам яратилиши мумкин.

Бу борада профессор М.Рустамбаев таъкидлаганидек, Жиноят объектив томондан ЖК 113-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳаракатларда, яъни била туриб бошқа шахсни таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдиришда, яъни ўзида таносил касаллиги борлигини ёки касалликнинг манбаларини билган шахснинг мазкур касалликни жабрланувчига юктириш реал хавфини вужудга келтирувчи ҳаракатларни содир этишида ифодаланади.

Бида туриб деганда айбдорнинг ўзида таносил касаллиги борлигини ёки касалликнинг бошқа манбаларини билгани ҳолда жабрланувчини касалликни юктириш хавфи остида қолдириши тушунилади.

Таносил касалликлари – захм, сўзак, перелой, триппер, юмшоқ шанкр, мояклар (жинсий) лимфогранулсматози кабилардир. Таносил касаллигининг хусусияти, уни даволаш мумкинлиги ёки касаллик туфайли юз берган оқибатлар жиноятнинг квалификациясига



таъсир этмайди.

Била туриб шахсни таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш ўзида таносил касаллиги борлигини билган шахс томонидан жабрланувчининг шундай касалликка чалиниши мумкин бўлган турли ҳаракатлар содир этишидан иборат бўлади. Юктириш хавфи остида қолдириш айбдор томонидан жабрланувчига тегишли шароитларда касалликни юктириш мумкин бўлган шундай ҳаракатлар содир этилишини назарда тутадик, бунда касаллик фақат тасодифий ҳолатлар ёки жабрланувчи ўзига юктирмаслик учун кўрган чоралар туфайлигина юқмаслиги мумкин деб таъкидлайди [2].

Демак, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилаётган бир даврда битта жиноят содир этилиши ҳам ислохатлар йўлига говдир. Шундай экан биз асосий эътиборни уларни профилактикасига қаратишимиз керак.

Таносил ва ОИТС касаллиги ижимоий хавфи қилмиш учун МДХ давлатларда Россия, Беларусь, Грузия, Молдова, Озарбайжон Арманистон, Қозоғистон жиноят қонунчилигида мазкур қилмиш учун алоҳида моддада жавобгарлик белгиланган.

Эътиборли жихати, бугунги кунда Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатишга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга: у шахсларнинг деярли кенг доирасини, яъни гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар, маҳбуслар, мигрантлар ва ишсиз ёшларни қамраб олади. Кўрсатилган аҳоли гуруҳларининг ҳар бири алоҳида ёндашув ва махсус билимларни ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ўзаро ҳамкорлик қилишини талаб этади.

Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқалиши профилактикасини таъминлашга 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”[3]ги қонун муайян ҳисса қўшди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимида давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳам киритилди. Қонунга кўра давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари алкоголизмга, гиёҳвандликка, захарвандликка, руҳий касалликларга, ОИВ инфекциясига, таносил касалликларига ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлайди, уларни ҳисобга олиш, текширувдан ўтказиш, шунингдек ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади; ОИВ инфекцияси, алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандлик тарқалишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни бажариш учун мутахассисларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади.

Агар биргина ОИВ инфекциясидан ҳимоя қилиш тизимида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳам фаолият самарадорлиги катта аҳамиятга эга ва у: - ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади; - жазони ижро этиш муассасаларидаги ОИВ инфекциясини юктириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун шароитларни таъминлайди; - ички ишлар органлари ва муассасалари ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги мутахассислар билан тўлдирилишини, шунингдек уларнинг малакасини оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармасининг қамоқда ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган ОИВни юктириб олган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича фаолияти куйидагилардан иборат: - ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ягона тизим фаолият юритишини таъминлаш; - ОИВни юктириб олган шахслар профилактикаси, ташхис, бепул махсус даволаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш; - ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва даволаш воситалари билан таъминлаш ҳамда тиббий препаратлар хавфсизлиги устидан назоратни амалга ошириш; - ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш; - шахсий таркиб ва махсус контингентни ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиш; - аҳолини ОИВга доир тиббий текширувдан бепул, хавфсиз ва махфий ўтказиш учун шароитлар яратиш; - ОИВни юктириб олганлар умрини узайтириш, турмуш сифатини ошириш, ўлим ҳолатларини ка-



майитириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

ИИВнинг жазони ўташ тизимида махсус контингентга тиббий ёрдам кўрсатиш қуйидагиларни қамраб олади: ОИВ инфекциясини юктириш хавфини камайтириш мақсадида жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларни аниқлаш ва даволаш; ОИВни юктириб олган шахслар каби махбусларнинг заиф гуруҳларини бошқа махбуслар ёки саломатликларига ниҳоятда хавфли бўлиши мумкин бўлган турли юқумли касалликлар (масалан, сил) билан оғриган шахслар томонидан жисмоний зўравонликдан ҳимоя қилишнинг алоҳида чораларини таъминлаш; ОИВга ихтиёрий равишда тест ўтказиш, ҳар доим тест ўтказишдан аввал ва кейин тегишли маслаҳат тақдим этилади. Жазони ўташ тизимидаги муассасаларнинг ҳар бирида кечаю-кундуз тиббий ёрдам кўрсатиш ташкил этилган, стационар ва амбулатор ёрдам кўрсатувчи тиббий бўлим фаолият юритмоқда.

Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқалиш муаммоси ҳозирга қадар долзарб бўлиб қолмоқда. Кўпчилик бу нарса уларга таъсир қилмайди деб ўйлашларининг сабаби, вирусдан ҳимояланиш чораларидан хабардор эмасликлари ёки бунга нисбатан лоқайд муносабатда бўлганликларидандир. Одамларнинг муаммога бўлган қарашлари ва ҳатти ҳаракатлари ўзгармас экан, касаллик тарқариши билан боғлиқ муаммолар тугамайди [4].

Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тўлалигича йўқотиб бўлмасада, профилактика сифатида аҳоли ўртасида уни юктиришни олдини олувчи чора тадбирларни амалга ошириб, бу салбий иллат касалликнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклиф этамиз.

Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни олдини олиш ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирларини, биринчи навбатда касаллик кўрсаткичи юқори бўлган маъмурий ҳудудларда олиб бориш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тажрибали мутахассисларни бериштириш;

Аҳоли орасида Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқалишини олдини олиш борасидаги ишларда йўл қўйилган камчиликларни кўриб чиқиш ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Беморларнинг диспансер кузатувини меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда олиб бориш, ҳисоботларни тўғри тайёрлаш учун, мутахассисларни Республика ОИТСга қарши кураш марказида иш жойларида ўқитиш ва тайёргарликлардан ўтишларини ташкил этиш;

ОИТСга қарши кураш ҳудудий марказларини тажрибали хорижлик мутахассислар иштирокида малакаларини оширишга ва малакавий тоифа олишларига эътибор қаратиш лозим.

Кам таъминланган оилалардаги беморларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида ижтимоий ёрдам кўрсатиш мезонларини ишлаб чиқиш, эмизикли гўдаклари бўлган ОИВни юктириб олган оналарни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ОИВ билан яшаётган болаларнинг ижтимоий таъминотида алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда аҳоли орасида, айниқса ёшлар ўртасида Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни олдини олишга қаратилган маърифий дастурлар, ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтириш орқали аҳоли мунтазам равишда тунштириш ишларини ўтказилиши ҳам ўзининг профилактик самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суд статистик маълумотлари.
2. Рустамбоев М. Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. Тошкент-2016 йил. 83-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда;
4. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг оив/оитс нуқтаи назаридан таҳлилий шарҳи. – Тошкент. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. 2019 й. 40 б.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 28-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(1-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.05.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000